

R 496

3 Eke


Guliston

2013/4





Qadr-qimmatim, tayanchim va iftixorimsan, mustaqil O'zbekiston!



Жамоа билан ишдан сўнг футбол ўйнайдиган бўлдик. Таниш-билиши кўп одам сифатида стадион масаласини ҳал қилишни ўзим бўйнимга олдим. Унга-бунга боғланиб билдимки, стадион топиш жуда мушкул. Шаҳримиз, қолаверса, юртимиздаги хоҳ хусусий, хоҳ муассасаларга тегишли сон-саноксиз стадионларни кўриб юриб, бир соатгина тўп тепиш бунчалик муаммо бўлишини ўйламаган ҳам эканман. Бунда, тушунарлики, масала ўйингоҳларнинг камлигида эмас, балки бўш вақтини чойхона ёки бошқача “анъанавий” тарзда ўтказишдан воз кечиб, оз бўлсада фурсатни саломатчиликка бағишлашдан маъно топганларнинг кўплигидадир. Бу – юртимизда шу қисқагина 22 йил ясаган ўзгариш. Бу ўзгариш, янгириш атрофимизда, турмуш тутумимизда, қарашларимизда, кўнгилларимизда. Шу даврда спорт ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи бу ҳол сабабларидан бири бўлса, ана ўша спорт ёки жисмоний тарбия билан шуғулланишга имконнинг ҳам яратилгани яна бир сабаб. Демакки, бизда ҳеч бир ташаббус широрбозлик кўчасида улоқиб қолмайди, ҳаммаси ўзининг амалий ечимини топади.

Фикрлаётганимиз спортнинг ўзигина одамлар қарашларини, уларнинг ўзини шунчалик ўзгартирди. Бутун миллат ёппа чемпион бўлиб кета олмаслиги тушунарли. Лекин шу шароит, шу рағбат туфайли соғлом бўлиши аниқ. Соғлом миллат соғлом келажак экани эса оддийгина ҳақиқат. Олимп чўққиларини забт этишга соғлом авлоднинг имкониятлари кенгроқлиги изоҳ талаб қилмайди. Қолаверса, соғлом танда – соғ ақл. Демак, юртимизда таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам бекор эмас. Соғлом муҳитда ўсган боланинг бошқаларга нисбатан ўзлаштириши ҳам устунроқ бўлади. Саломатликда ўсиб, пухта ташкил қилинган таълим тизими истеъмолчиси бир кун келиб, илм чўққиларини эгаллаши шубҳасиз эканини барчамиз кўриб келяпмиз. Ёшларимиз хорижда ўзларининг тенгдошларидан кам бўлмай, ҳатто устун ўқишлари, турли халқаро олимпиадалардаги юқори ўринлар, асосийси, 2012 йил “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” деб номланган халқаро анжуманда қатнашган дунё тан олган мутахассис, мутасаддиларнинг эътирофлари бу борадаги иккиланишларга чек қўйди.

Табиийки, жисмонан соғлом, ақлан етук, мустақил дунёқарашга эга шахслар бировнинг нобоп таъсирига тушиб қолмайди. Улар хоҳ оммавий маданият, хоҳ дин никобидаги зарарли оқимларга нисбатан маънан эмланган бўлади. Ўз илдизидан сув ичган, асл ўзимизнинг қадриятларга асосланган тизимда таълим-тарбия олган фарзандлар барча ўзбек каби ўз қулайлиги эмас, балки ўзганинг олдида ноқулай бўлиб қолмаслиги учун яшайди. Шу сабаб улар ўз эрки чегараси бошқа бировнинг эрки бошланган ергача эканига қатъий қаноат ҳосил қилган бўлади. Болалигидан ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам руҳан соғлом муҳитда ўсган бола бировнинг умрига тажовуз қилиш ҳеч бир динда, ҳеч қандай ғоя билан оқланмаслигини жуда яхши билади.

Кўпда радио, телевидениеда, шунингдек, ОАВнинг бошқа турларида “Мустақиллик менга нима берди деб эмас, мен мустақилликка нима бердим?” дея яшаш зарур деган гапларга гувоҳ бўламан. Масаланинг бундай қўйилиши худди мустақиллик ҳеч кимга ҳеч нарсаси бермаган-у, буни ҳаспўшлаш учун ҳаракатдек туюлади. Аксинча, мустақиллик нима берди деган биргина саволнинг жавоблари адоқсиз. Буни кечаги кунни кўрганлар, шукрона билан киёслай олади. Кўрмаганларнинг эса бахти бу. Демак, истиқлол ана ўша қора кунларни тамомила унутар даражада сернеъмат. Мустақиллик ўз тақдиримиз, ўз йўлимизни ўзимиз белгилашимиз имконини берди. Мустақиллик ўз қарорларимиз, ўз амалимиздан ўзимизгина мутаассир эканимиз масъулиятини берди. Энди алдасак, ўзимизни алдаймиз, ишламасак, ўзимиз зарар кўраимиз, агар фидоийлик билан ишлаб, ёниб яшасак, роҳатини биров эмас, фақат ўзимиз кўраимиз. Бу тўлақонли турмуш иштирокчиси олдида қўйиладиган ҳаётнинг адолатли ва ягона талаби. Бу ёғига мустақиллик бизга нима берганини яхшилаб ўрганиб, билиб, унга биз нима бердик-у нима бера оламиз тамойилига биноан яшамок лозим. Яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, учрайдиган камчиликларни бартараф этишга интилиш керак. Шу Ватан, шу истиқлол имкону тўғирлаш ўз кўлимизда бўлган сакталиклари билан ўзимизники. Ахир, Ватанини фақат бойликлар-чун севмаслар асло. Кўркам кўнгилларга байрам муборак бўлсин!

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir
vazifasini bajaruvchi:
Jalolbek YO'LDOSHBEKOV
Bosh muharrir o'rinbosari:
Manzura SHAMS
mas'ul kotib:
Komil JONTOYEV
fotomuxbir:
Mashrab NURINBOYEV
sahifalash va dizayn:
Azamat Fayzullayev
Nigina QODIROVA
navbatchi muharrir:
Shermurod SUBHON

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi
Fotih JALOLOV
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va
sport ishlari vazirining birinchi o'rinbosari
Mahmud ISMOILOV
O'zbek milliy akademik
drama teatri direktori
Suvon Najbiddinov
"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori
Abduvahob NURMATOV
Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi
Murod RAJABOV
Muqimiy nomidagi O'zbek
Davlat musiqiy teatri direktori
Baxtiyor Sayfullayev
O'zbekiston Davlat san'at va
madaniyat instituti rektori
Norbek TOYLOQOV
Pedagogika fanlari doktori, professor
Azamat HAYDAROV
"O'zbeknavo" estrada birlashmasi
Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@mail.ru

Ushbu sonda:

Vahob RAHMONOV
*Sohibqiron qizi maqbarasining
yetti asrlik sirlari*

Ulug'bek HAMDAM
*Vatanni sevish-chun yashash
shart uyg'oq!*

Normurod NORQOBILOV
Yakson bo'lgan qit'alar

Eleonora G'ANIYEVA
*O'zbekiston telekanallarida
jahon kinosi*

Muhiddin TINIBEKOV
Ehtiyot bo'ling, suv!

Shermurod SUBHON
*...U juda ham buyuk inson
bo'ladi!*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli
guvohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan.
Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.
Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.
"Guliston" jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.
Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84^{1/8}. Buyurtma №113. Adadi: 2130 nusxa. Hajmi 6 b.t.
Bosmaxonaga 20.08.2013- yilda topshirildi. Bosishga 20.08.2013- yilda ruxsat
etildi. Tahririyat manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.:
233-25-66, 233-27-94.

**Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8-uy.**

Азим СУЮН

ВАТАН – ЖОН

*Севиш-севмоқ саодат эрур,
илоҳий бахт жўш урар қонда.
Тулпорингни мингину мағрур
чоптир, елдир ота маконда!
Ватан – Жон!*

*Ҳисор тоғда очиб кенг қучоқ
яша, юксал бамисли хаёл.
Сангардакда минг кўзли булоқ –
тўлиб-тошган кечаги ҳилол!
Жон – Ватан!*


*Қайда, қайдан бу эрка чоғлар,
зангор тошқин қиру ёбонда.
Қизғалдоқлар – гулгун ёноқлар –
тўрт уфқда – тўртала ёнда!
Ватан – Жон!*

*Айгиркўл гулмоҳиларининг
гулларида уйнайди нурлар.
Бадайтўқай хонгулларининг
кўзларида дўсти хонгуллар!
Жон – Ватан!*

*Тўкис эмас, неки мавжуддир,
тўкис бахт ҳам йўқдир жаҳонда.
Фақат Ватан тўкис вуҷуддир,
бахт ҳам тўкис ота маконда!
Ватан – Жон!*

*Чўлу саҳро юзи қавариқ,
мовий тоғлар туслари буғжур.
Ёйлоқ, сойлоқ – дастурхон ёйиқ,
о, англасанг, бари-бари дур!
Жон – Ватан!*

*Мени севиб, опичлаб онам,
севмоқликка ўргатган рўй-рост.
Севмоқликка яралган одам,
севилмоққа олам хосу мос!
Ватан – Жон!*



QATAG'ONDAN QOLGAN DOG'LAR

Юртимиз мустамлакачилик даврида машаққатли синов, оғир кулфатлар, шафқатсиз қатағонларни бошидан кечирди. Бу қатағон гоҳ хуфёна, гоҳ оммавий шаклда юз берди. Мустақиллик учун, миллат ва халқ манфаати учун, эрк учун курашган кўплаб зиёли юртдошларимиз қатағон қурбонига айланишди. Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда юз минг киши қатағонга учраб, булардан 13 минг нафари отиб ташланди.

Инсоний кадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Бирок қатағонларнинг асосий зарбаси миллат зиёлиларига қарши қаратилди. Фақат 1936-1940 йилларда 5758 нафар ўзбек ёзувчилари, журналистлари, жамоат арбоблари камокка олинди, шулардан, 4811 киши отиб ташланди. 1936-1938 йилларда сохта айбловлар билан юртимизнинг деярли барча ҳукумат раҳбарлари йўқ қилинган. Миллатни озодликка даъват этган, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қаҳрамонлик кўрсатган, мустамлака тузуми даврида қатағон қилинган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан 2000 йилда Бўзсув канали бўйида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ташкил этилди. Меъмориал мажмуа учта қатлоғ ҳудудида барпо этилган. Айнан шу ерда ўша давр ўзбек зиёлиларининг энг сара вакиллари – шоирлар, олимлар, адабиётшунослар, актёрлар ва муҳандислар пинҳона йўқ қилинган. Бу ерда ўзбек миллий романчилик мактаби асосчиси, ёзувчи Абдулла Қодирий (1894-1938), олим ва драматург Абдурауф Фитрат (1886-1938), янги ўзбек шеърини асосчиси Абдулхамид Чўлпон (1897-1938), Туркистон жадидлар ҳаракатининг атоқли вакили Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931), истеъдодли шоир ва таржимон Усмон Носир (1912-1944), Туркистон мухторияти ҳарбий нозири Убайдулла Хўжаев (1885-1939), тилшунос, шоир ва тарихчи Исҳоқхон Ибрат (1862-1937), шоир Элбек (1898-1938) ва бошқа кўплаб халқ ўғлонларининг бегуноҳ қони тўқилган. Қатағон йилларида инсонларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган бу кўримсиз жарлик – Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига кўркув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, номнишонсиз кўмиб ташланган.

Бугун тоталитар тузум адолатсизлиги ва қатағонлари тимсолига айланган мазкур жой нафақат ўзбекистонликлар, балки бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар учун ҳам

муқаддас зиёратгоҳга айланган. Улар “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуига қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш учун келадилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий кадриятларни, тарихий адолатни тиклаш ва ноҳақ унутилган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, буюк аجدдошларимиз қатл этилган жойларни ва мангу қўним топган қабрларни муқаддас қадамжоларга айлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

1990 йилда таникли ўзбек ёзувчилари ва жамоат арбобларининг фожиавий тақдирини ойдинлаштирган архив материалларини ўрганиш асосида бир гуруҳ журналист ва олимлар ўзбек матбуотида биринчи бор Сталин қатағони қурбонларига бағишланган туркум мақолаларни чоп этдилар.

1999 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов фармойиши билан мустамлака тузум қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди. Ўша йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Шу даврдан бошлаб, бўлажак “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи коллекцияси шакллана бошлади.

Музейнинг дастлабки биноси бир гумбазли, биргина экспозиция залининг майдони 400 м², бино айвонини кўтариб туриш учун 28 та устун билан ўралган бўлиб, (айвони билан ҳисоблаганда бинонинг умумий майдони 784 м² ни ташкил этган) “2002 йил 31 августда қуриб битирилган ва очилган. Шу йили Ўзбекистонда “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини” илк бор нишонланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорини бажариш мақсадида музей биносини кенгайтириш бўйича кўшимча қурилиш ишлари амалга оширилди, музей экспозицияси тубдан янгиланди.

Бўзсув бўйида қад кўтарган музейнинг янги биноси икки гумбазли, 3 та экспозиция залидан иборат, заллар шарқ хунарамандчилик анъаналарига монанд безатилган айвон билан ўралган. Айвонни тўрт томондан баландлиги 5 метрли миллий услубдаги 42 та нақшинкор ёғоч устун тутиб туради. Мажмуа марказида баландлиги 27 метрли ротонда жойлашган. Ёрқин ғозгон мрамари билан қопланган 8 та устун найзасимон учи кўкка бўй чўзган қат-қат бурмали зангори гумбазни тутиб туради. Гумбазнинг ички қисми

ганч ўймакорлиги билан безатилган бўлиб, икки тилда (ўзбек ва инглиз) “Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган шахидлар хотираси мангу яшайди” деган ёзув битилган. Ротонда марказида нақшинкор миллий безаклар тортилган ўймакор қабр тоши ўрнатилган. Бу муқаддас маконни узок ўзга юртларда хоки қолган юзлаб ватандошларимизнинг рамзий қабри деса бўлади.

Умумий майдони 1568 м² бўлган (экспозиция учун мўлжалланган 3 та зал майдони 960 м²) музей биносида 10 бўлимдан иборат янгиланган музей экспозицияси жойлаштирилган бўлиб, экспонатлар XIX аср охиридан то Ўзбекистон мустақилликка эришган кунгача бўлган узок даврни камраб олган. Ўзбекистоннинг Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари ҳақида эса алоҳида зал экспозицияси ҳикоя қилади.

Янги экспозицияларни тайёрлашда йирик тарихчи олимлар, ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари ва минтақавий ўлкашунослик музейлари ходимлари иштирок этдилар. Махсус давлат муассасалари ёрдамида шу кунгача кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган ноёб фото ва видео-материаллар, ёзма манбалар қўлга киритилди.

Янги музейда компьютер технологияларидан, мультимедия маълумот базаларидан, аудиоматериаллардан кенг фойдаланилганлиги унинг ўзига хос томонларидан ҳисобланади. Залларда ҳар бир бўлим учун мультимедияли маълумотлар базаси жойлаштирилган махсус сенсорли киосклар ва ҳужжатли фильмлар ёзилган видеомониторлар

ўрнатилган.

Музейнинг ахборот базаси ва архив фонди давлат архивлари материалларидан, қатағон қурбонларининг шахсий буюмларидан, оилавий архивлар материалларидан, газета ва журналларда чоп этилган мақолалардан, брошюралар, китоблар, авторефератлар, қўлёзмалар, кино, фото, фоно-ҳужжатлардан, “Ўзбекфильм” ҳамда “Ўзбектеелефильм” киностудияси видеоматериалларидан ва бошқа манбалардан ташкил топган.

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимидаги мустақил илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб, фаолиятининг асосий йўналиши тоталитар тузум даврида оммавий сиёсий қатағонлар қурбони бўлган ватандошларимизнинг ноҳақ топталган шаъни ва ғурурини тиклашга кўмаклашишдан иборат. Музейнинг илмий-маърифий мақсади эса мустамлака давридаги сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларни тадқиқ қилиш, тушуниш, сиёсий қатағонларнинг салбий оқибатларини ўрганиш ҳамда уларни музей экспозицияси ва бошқа мақбул усуллар ёрдамида кенг жамоатчиликка намойиш этиш, ёш авлодни Ватанга, халққа муҳаббат, Мустақиллик қадриятларига содиқлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори,



“Sharq taronalari” –

dunyo nigohida

Бу йил Самарқанд “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига тўққизинчи бор мезбонлик қилади. Бугун бутун дунёнинг назарига тушиб, кизиқишларига сабаб бўлаётган бу фестивал ЮНЕСКО томонидан Шарқ мусиқасига бағишланган катта форум сифатида тан олиниб, унинг шафелигида ўтказиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Ушбу фестивал мусиқа санъатининг ноёб дурдоналарини тарғиб этиш орқали дунё халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик, маданий-маънавий муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган бу катта мусиқий анжуман эндиликда нафақат Шарқ, балки дунё халқлари маданий ҳаётида йирик воқеалардан бирига айланди. Ва шунинг учун ҳам “Шарқ тароналари” фестивалининг географик кўлами кенгайиб, бугун дунё тароналари фестивали мақомига эришди.

Бу галги фестивал юртимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ўтказилиб, дунё санъати

намоёндалари кўҳна ва навқирон Самарқанд тимсолида юртимиздаги улкан ўзгаришларга баҳо берадилар. Шу муносабат билан Самарқанд шаҳри янада гўзаллашиб, кўчаларда фестивал иштирокчиларини қутлайдиган плакатлар, тунги чирокларда мусиқа асбобларининг шакллари акс этиб, меҳмону мезбонларга ҳам кўтаринки кайфият, байрамона рух улашиб турибди. Самарқандликлар “Ободлик кўнгилдан бошланади” шиори остида бирлашиб, шаҳарни, маҳалла ва кишлоқларни обод этиш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Фестивал иштирокчилари шаҳар истироҳат боғларида, вилоят туманларида ҳам концертлар уюштириб, дўстлик ришталарини мусиқий оҳанглар билан мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

“Шарқ тароналари” фестивалида дастлабки йили ўттиз бир давлатдан санъаткорлар иштирок этган бўлса, 2011 йилда эллик олти мамлакат ўз мусиқачиларини Самарқандга юборди. Бу йил фестивал доираси янада кенгайиб, қатнашиш истагини билдирган давлатлар сони

Ko'hn zamin ohanglari

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб, Ўрта Чирчик туманидаги “Маънавият ва маърифат маркази” мажмуасида “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон” деб номланган Мақом жамоалари ва катта ашула ижрочиларининг анъанавий Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Бу кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли



Қарори билан тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшма-

си, Тошкент вилояти Ҳокимлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, бадий хаваскорлик санъатини ривожлантириш, айниқса, ёшларимизнинг мақом ва катта ашула ижрочилигига бўлган кизиқишларини кучайтириш, “Устоз-шоғирд” анъаналарини давом эттириш, иқтидорли ижрочиларни кашф

ортиб бормоқда. Шунингдек, дунё оммавий ахборот воситалари ҳам “Шарқ тароналари” мусика фестивалига катта кизиқиш билдириб, айни пайтда фестивални ёритадиган йигирмага яқин мамлакат журналистлари рўйхатга олинган. Олтмишга яқин давлат фестивал томошаларини жаҳон телеэкранларида намойиш қилишни таклиф қилмоқда. Бу йилги фестивал ҳам юксак савияда ўтиб, мамлакатимизнинг маданий-маънавий салоҳиятини жаҳон узра яна бир бор намойиш этишга хизмат қилади. Фестивал доирасида бўлиб ўтадиган илмий-амалий анжуманлар, маҳорат дарслари ҳам катта кизиқишга сабаб бўлмоқда. Регистонга – “Шарқ тароналари” фестивалига мархабо!



этиш, шунингдек, мақом ва катта ашула ижрочилари фаолиятини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинадиган ушбу танлов туфайли номлари кўпчиликка таниш бўлмаган мақом ва катта ашула ижрочилари кашф этилди. Бунга вилоятларимизда фаолият кўрсатаётган бир қатор бадий ҳаваскорлик жамоаларини мисол келтиришимиз мумкин. Бу бадий ҳаваскорлик жамоалари “Устоз-шоғирд” анъаналари давом этирилган ҳолда янги иқтидор эгаларини кашф этишда мустаҳкам замин бўлмоқда.

Кўрик-танлов якунида мусикашунос олимлар, таниқли санъаткорлар ва соҳа мутахассислари иштирокида қатнашчилар билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Марказ томонидан жойларда фаолият кўрсатаётган мақом жамоалари ва катта ашула ижрочиларига амалий-услубий ёрдам бериш мақсадида соҳа мутахассисларидан иборат ижодий гуруҳни хизмат сафарига юбориш режалаштирилди.

*Ўтқир ТОҲИРОВ,
Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ*

Nafosat – bo‘stonim manim

Элликқалъа тумани маркази – Бўстон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб, “Қадр-кимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” широри остида “Нафосат – бўстониим маним” анъанавий VIII республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, Бастакорлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Элликқалъа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анъанавий, вокал, эстрада хонандалари, бахшилар, халфалар, лапар ижрочилари, хунармандлар ва мусаввирлар иштирокида ўтган кўрик-фестивалда хунармандларнинг кўргазмалари, танловлар, учрашувлар, амалий мулоқотлар ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилди.

Бу йил кўрик-фестивал иштирокчилари сони жами 208 нафарни ташкил этди. Шундан опера ижрочилиги бўйича 25 та, анъанавий ижрочилик бўйича 55 та, эстрада йўналиши бўйича 43 та, бахши, халфачилик ва лапар йўналиши бўйича 56 та, хунарманд ва мусаввирлардан 29 иштирокчи ўзаро куч синашди.

“Нафосат – бўстониим маним” кўрик-фестивали якунида барча номинациялар бўйича ғолибларга тадбир муассислари ҳамда Отажон Худойшукуров жамғармаси мукофотлари топширилди.

SOHIBQIRON QIZI MAQBARASINING YETTI ASRLIK SIRLARI

Таҳририятдан: Мақола муаллифи Ваҳоб Раҳмонов бу масала устида қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида шуғулланди. Унинг “Тарихий ривоятни достон тасдиқлади” мақоласи 1970 йил журналистиканинг 1-сонида босилган. Муаммонинг узил-кесил ҳал қилиниши сабабчиси ва ташаббускори Амир Темур минораси тарихини ўрганиш учун Варнага махсус экспедиция уюштирган Халқаро Бобур жамоат фонди раиси Зокиржон Маширабов эканлигини алоҳида қайд этамиз. Дарвоқеъ, муаллиф ушбу тадқиқотини шу фидоий инсоннинг муборак саксон ёшларига бағишлайди.

Россия Федерациясининг Челябинск вилояти жанубида Варна номи туман бор. Ушбу туманнинг рамзи Кесене мақбараси ёки Амир Темур минораси (Башня Тамерлана)дир. Тўрт асрдирки, Россия Фанлар академияси, Челябинск вилояти тарихчи, археолог, элшунос, меъмор, ёзувчи ва журналистлари XIV аср Марказий Осиё меъморчилик услубидаги ушбу нодир ёдгорлик бунёдкори кимлиги ва унда ким ётганини аниқлаш билан шуғулланадилар. Бинонинг ичи ва атрофларида археологик қазималар уюштиради, фаразлар қилади, изланади, манбаларни ўрганадилар. Бироқ хануз бунинг ҳақиқати узил-кесил кашф бўлмади қолмоқда.

Амир Темур минораси ҳақидаги илк маълумотни мен “Ўзбекча календар”нинг 1967 йил 26 сентябр кунги варағидан ўқиганман. Унда АПН (Агентство печатных новостей – босма матбуот янгилликлари агентлиги) муҳбири Николай Хорьковнинг “Амир Темур минораси” номи ахбороти берилган эди. Ахборот мазмунини қуйидагича эди: Челябинск вилояти Жанубий Урал Темир йўлининг Амир Темур (Тамерлан) станциясидан 3-4 км. жануби-шарқда бир мухташам бино бор. Уни ерли аҳоли Амир Темур минораси ёки Кесене мақбараси дейишади. Унда Амир Темурнинг кизи дафн этилган экан. Маҳаллий халқнинг ривоятларига кўра, Амир Темур Тўхтамишга қарши лашкар тортиб келади. Икки лашкар орасида дахшатли жанг бўлади. Тўхтамиш енгилиб, унинг ўғли Амир Темур аскарларига асир тушади. Уни зиндонга ташлаб қўядилар. Хон ўғлини кўрган Амир Темурнинг кизи уни ёқтириб қолади. Зиндон қоровулини маст қилиб, йигит ва киз отда Олтин Ўрда томон жўнайдилар. Улар (ҳозирги Варнадаги) қўл соҳилига келганда йўл азоби, чанқоқлик, очликдан киз силласи қуриб қолади. Йигит уни шу ерда қолдириб, емак излаб кетади. Қайтиб келиб, кизни жонсиз ҳолатда топади ва ўз кўксига ханжар санчади. Ҳодиса устига Амир Темур изқуварлари етиб келадилар ва фожиа тафсилотини отага етказадилар. Амир Темурнинг буйруғи билан Троицк шаҳри яқинидаги Уй дарёси қирғоғида пишик гишт тайёрланиб, юз мингдан ортиқ лашкар қўлма-қўл бу жойга гишт узатиб, ушбу мақбара тикланади.

Кесене мақбарасининг ўрганилиш тарихидан:

– 1768 йили бино ёшини аниқлашга таклиф қилинган немис олими, академик П.С.Палласнинг ёзишча, мақбара бус-бутун, яхши сақланган эди.

– 1889 йили Санкт-Петербург Императорлик университети

профессори Э.Ю.Петри бошчилигидаги археологик экспедиция келганида, ёдгорликнинг ўн икки қабрига токи (томи) ўпирилиб тушган эди.

– XX асрнинг етмишинчи йилларида Кесене мақбараси вайрона ҳолига келган эди. Челябинск вилояти раҳбар, меъмор ва олимлари 1978 йили бунёдкорлик ишини бошладилар. Меъмор Берногас бошчилигидаги қурувчи муҳандис ва ишчилар немис академиги П.С.Паллас қолдирган расм ва чизмалар асосида ёдгорликни тўрт йилда қайта тикладилар.

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция 2010 йил июнида Варна туманида бўлиб, ушбу ёдгорлик тарихи билан кизиқди. Экспедицияга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Маширабов раҳбарлик қилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Қамчибек Кенжа ва камини аъзолар каторида ташриф буюрдик.


Экспедиция давридаги қундалигимдан: 7 июнь куни Варна туманига яқинлашмоқдамиз. Туман дарвозасига 100 метрлар қолганда уловдан тушиб, яёв фотоаппарат ва камера билан дарвоза томон юрамиз. Мен “Дарвоза пештоқидаги расм Амир Темур минораси бўлиши керак!” дедим қувончимни яширолмай. “Йўғ-е! – деди Муҳаммад Али, – наҳотки улар Соҳибқирон минорасини Варна туманига рамз қилиб қўйишса?”

Қадамимни жадаллаштириб яқинлашдим-да, гапим тасдиқланганидан қувониб кетдим. “Ана! Ўша ёдгорлик бино! Унинг пойидаги лочиннинг расмига ҳам қараб қўйинглар!” деб тантана қилиб юбордим.

Варнага кириб келдик. Аввало, темир йўл вокзалига бордик. Йўл кўрсаткичларида ва вокзал биноси пештоқида “Тамерлан”, яъни Амир Темурнинг руслар талаффузидаги номи ярқираб турарди.

Ўлкашунослик тарихий музейига кирдик. Бир катта зал ана шу машҳур Мавзолей Кесенеге бағишланган. Залда ёдгорлик ҳақидаги маълумот, илмий экспедиция ва археологик қазилмалар натижалари акс этган стенд, ёдгорликнинг турли даврларда олинган расми ва мақбаранинг турли нарсалардан ишланган шакллари, маҳаллий рассомлар мўйқаламидаги ушбу қоша суратлари, кўкрак нишонлари турарди.

Музей мудирасига “Бу ёдгорлик қачон бунёд этилган? Бунинг Амир Темурга алоқаси борми? Ким қўмилган бу



мақбарада?" сингари саволлар билан мурожаат қиламиз. "Бу ёдгорликнинг Амир Темурга дахли йўқ. Олимлар Амир Темурни бу ердан ўтмаган, бу мақбарада бир бой козокнинг ё кизи ё хотини кўмилган, деб фараз қилишяпти", деган тахминий жавобни эшитамиз.



Ҳайрон бўламиз. Ўтган асрдаги "Амир Темур минораси" тушунчаси ХХI асрда эсдан чиқиб кетибди, унутилибди. Мухаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асаридан куйидаги маълумотларни келтираман: Қозок хони Қосимхон Андижон хукмдори Султон Саидхонга дейдики: "Биз саҳройи одамлармиз. Бу ерда қимматбаҳо буюмлар, нафис идишлар йўқ. Энг катта бойлигимиз – от, энг мазали таомимиз – унинг гўшти, энг мазали ичимлигимиз – унинг сути, яъни қимиз. Юртимизда боғ-роғ, иморатлар йўқ. Кўнгилочар жойимиз отлар боқиладиган яйлов..." (Мухаммад Ҳайдар мирзо, "Тарихи Рашидий", "Шарқ" НМАК, Т., 2010, 394-бет).

– XVI асрда энг машҳур козок хони Қосимхонда бўлмаган иморат XIV асрда бир козок бойида бўлганми? – десам, мудира лол қолиб:

– Биз музей ходимлари қаердан биламиз, олимларга ишонамиз-да, – деб қўяқолди.

Зокиржон Машрабов ёдгорликнинг маҳаллий мусаввир мўйқалами билан ишланган расмини харид қилди. Мудира шу ёдгорлик акси туширилган кўкрак нишонларидан экспедиция аъзоларига совға қилди. Сўнг шаҳардан шарққа томон 3-4 чақирим нарида собиқ қўл, сўнгра чўл бўлган, кейин ўзлаштирилган, кунгабоқар экилган текисликда кўкка бўй чўзган мухташам Кесене мақбараси томон йўлга тушдик.

Қаршимизда ҳашамадли чорқирра қаср қад кўтарди. Қизғиш пишиқ гиштдан қурилган. Ички сатҳига мрамар

парчалари ётқизилган. Бино пештоқидаги мрамар лавҳада «Мавзолей Кесене» деган ёзув бор. Бу мақбара аҳолиси кўпмиллатли Варнанинг янги келин-куёвлари зиёратгоҳи экан. Ичкари ва ташқаридан бино сатҳини қадамладик: ташқаридан эн ва бўйи 10x12 м.

Экспедиция жамоасининг бу ёдгорлик аҳамияти ҳақидаги яқдил фикрлари куйидагича бўлди: Соҳибқирон Амир Темур бунёдкорликлари, осори атикалари Самарканд, Қаршию Шаҳрисабздан ташқари жаҳоннинг турли мамлакатларида: бутун бир шаҳар, бинолар ансамбли, яқка бино, қаср ва мақбаралар тарзида ҳозиргача қад кўтариб турибди.

Экспедициядан қайтгач, раҳбар Зокиржон Машрабов менга шундай топшириқ бердилар: Сизнинг тақлифингиз, ғоянгиз туфайли Соҳибқирон қадамжолари бўйлаб сафарда бўлдик. Бу экспедиция Кесене мақбараси хусусида ва Амир Темур ҳазратлари ҳақида кўп янгиликлар берди. Энди сиз, мақбара ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш учун изланиш олиб борасиз. Натижасини, аввало, ватандошларга, сўнгра Россияга етказамиз.

Топшириқни олиб бир ярим йил илмий тадқиқот олиб бордим ва бу ёдгорлик бунёди ҳақиқатини исботладим. Ўз исботу далилларимни келтиришдан олдин Россия матбуотининг бу ҳақдаги сўнги сўзларини келтириш зарур.

Мен ўрганган тарихий, бадий, илмий, археологик, матбуот, интернет материалларидан россиялик журналист Владислав Вериго "Вечерный Челябинск" ("Челябинск оқшоми") газетасининг ўн иккинчи март 2010 йилги сонидagi мақоласини келтираман. Бу ахборот ўтган асрнинг 70-йилларидан ҳозиргача йиғилган маълумотлар орасида Кесене мақбараси (Амир Темур минораси ёдгорлиги) билан алоқадор маълумотлар хилма-хиллиги ва кўтарилган муаммоларга нисбатан бой ва муфассаллиги билан диққатга сазовордир.

Амир Темур минораси ҳақида ривоятлар

XIV асрнинг тарихий ёдгорлиги Кесене мақбараси (Амир Темур минораси) Челябинск вилоятининг Варна тумани марказидан уч чақиримлар шарқ томондаги собиқ Большое Кесене қўли соҳилида қад кўтарган. Таъмирланган ва деярли янгидан асл ҳолига келтирилган мақбара ҳар қандай киши тасаввурини уйғотиб юборадию асрий сирларни ўз бағрида яширганича сукут сақлаб тураверади. Унинг сир-асорларини очиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган.

Уч юз йил илгари қадимий бу мақбарани қазиш пайтида бу ерда дафн этилган ёш бир аёл суяклари топилган. Унинг бошида шоҳи рўмоли қолдиқлари, қўлида икки нақшинкор қимматбаҳо узук ва бўйида сўроқ белгиси шаклидаги олтин маржон шодалари бўлган. Ўшандан буён бу аёл ким бўлган экан? деган муаммо тадқиқодчиларга тинчлик бермайди. Амир Темур минораси сирларини ўрганишга Варна ҳафтаномаси муҳбири Галина Золотарёва 20 йилдан ортиқроқ умрини бағишлади.

Маҳалий аҳоли ёдида қолган бир ривоятга кўра, Кесенедаги мақбарада Амир Темурнинг кизи дафн этилган. Гўё у оддий бир навқарни севиб қолиб, у билан қочиб кетган экан. Ҳазабланган Амир Темур уларни қувиб тутиш ва иккаласини қатл этишга буйруқ берган экан. Навқарлар лашкарбоши буйруғини бажарганлар. Амир Темур ғазаби босилиб, бу қилган ишидан афсуслана бошлаган ва унинг буйруғи билан чўлда ушбу мақбара бунёд этилиб, киз шу ерга дафт этилган.

Бошқа бир ривоятга кўра гўё Амир Темурнинг куёви кизи билан чўлда сайр қилиб юришганида қамишзорлардаги йўлбарслар таъшиланиб, уларни нобуд қилган. Аламзада ота фармони билан бу ерда мақбара бунёд этилган.

Айрим олимлар бу ҳақда мутлақо бошқача фикрлар: Амир Темур бу ерлардан ҳеч қачон ўтмаган, у марказий Қозғистон

чўлларида ўтган. Ҳозирги Варна районида Ўрта асрларда кўчманчи қабилалар кирғиз-қайсоқлар (илгари қозоқларни шундай аташган) яшашган. Бой қозоқлардан бирининг кизи вафот этиб, отаси унинг хотирасига шу макбарани тиклатган.

Бирок барча ривоятлар бир нуқтада туташдилар: шубҳасиз, аёл бой хонадон фарзанди бўлган. Бирок у киз ким бўлган ва бу макбарани ким қургани маълум эмас.

Бундан йигирма йил мукаддам археологик қазилма ишлари туфайли макбара яқинида 700 қабр аниқланган. Олимларнинг хулосаларига кўра, бу қадимий некрополь (мозорот) илк темир даврига тегишли бўлиб, Амир Темури минораси анча кейин бунёд этилган.

Жозибали ривоятларнинг Амир Темурига умуман алоқаси бўлмаслиги ҳам мумкин. Бирок чўлдаги ушбу обида XIV-XV аср мусулмон мемориал архитектураси намунаси эканлиги ва унда аёл киши дафн этилгани аниқ. Макбара кизғиш пишик ғиштдан тикланган бўлиб, унинг таркибиде кизил тупрок, ёввойи кушлар тухумлари ва туя сути (бошқа бир версияда – эчки сути) қўшилган.

Бундай ғиштлар ўта мустаҳкам бўлади, деб ҳисобланган. Ғиштлар ҳозирги Троицк районида Уй дарёси соҳилида тайёрланган ва кўпмингли аскарлар занжирида қўлма-қўл минорагача узатилган. Янги ғиштлар ҳам ўша қадимий технологияда тайёрланган, бирок буларга туя сути қўшилмаган. Амир Темури минорасига республика аҳамиятига молик ёдгорлик мавқеи берилган. Макбара атрофи ботқоқликдан иборат. Унга Новопокровское кишлоғига олиб борадиган йўл трассасидан бурилиб, тупрок йўлдан яқин бориш мумкин.

Макбара яқинидаги йўлакка тошлар ётқизилган. Ўтган асрнинг 80 йилларида бино таъмир қилинган ва ҳозир худди янги бунёд этилгандай кўзга ташланади. Эски ғиштлар янгили билан алмаштирилган. Макбара ичкарасига панжарали эшик орқали кирса бўлади: бино ичкарасига – ерига текис мрамор ётқизилган, шифтида кабутарлар яшайди.

Владислав Вериго

Кесене макбарасини ўрганишга бағишланган Россия фанлар академияси муҳбир аъзоси П.И.Ричковнинг “Оренбург губернасининг топографияси”(1762), немис қадимшунос академиги П.С.Палласнинг “1768-1769 йиллардаги Россия империясининг турли музофотларига саёхатлар”(1770), этнограф ва тарихчи олим Р.Г.Игнатъевнинг “Оренбург ведомостлари” газетасидаги (1868), Санкт-Петербург Императорлик университети профессори археолог Э.Ю.Петрининг “Императорлик археологик комиссиясининг 1889 йилги ҳисоботи” (1889), этнограф В.П.Бирюковнинг “Тарихий ривоят ва кўшиқлар” китоби (1949), археолог К.В.Сальников (1965), Челябинск Давлат университети доценти В.С.Кобзовнинг “Урал Варнаси” (1992), Оренбург Илмий архив комиссиясининг вице-президенти, археолог И.А.Кастанъенин “Қирғиз чўллари ва Оренбург ўлкаси қадимий ёдгорликлари”(1991) асарлари, мақолалари, ҳисоботлари, «Правда», «Известия», «Вечерный Челябинск» газеталаридаги (1967-2010), «Наука и жизнь», «Уральский следопыт» журналлари (1970-2010) мақолалари, интернет материаллари, ўнлаб рус ва қозоқ халқ ривоятлари маълумотлари таҳлилларидан қуйидагича манзара ҳосил бўлади:

Бу қандай бино?

Бу хусусда ўн битта тахмин бор. Улар қуйидагилар:

– Эрампиздан олдинги Хитой цивилизацияси ёдгорлиги;

– Мукаддас подшоҳ макбараси;

– Бинони биринчи бўлиб тавсифлаган олим П.И.Ричков

ёзадики: “Ҳали фанга маълум бўлмаган Хитой цивилизацияси Жанубий Уралда бўлган ва қайтиб кетаётганда шунга ўхшаш бир неча ғиштин биноларни қолдирган. Варна атрофларидаги бу бино ўша халқларнинг мукаддас подшоҳлари макбараси бўлиши мумкин” (“Уральский следопыт”, № 12, 2006). Ушбу изоҳ юқоридаги иккала версияга ҳам дахлдор.

– Будда роҳиб макбараси;

– Муслим авлиё макбараси;

– Номалум дин ибодатхонаси;

– Черков ё masjid (Kirche - нем. черков). “Мазкур ибодатхона Улуғ Тоғузок дарёси ва нарироқда жанубдаги Тоболга қуйилувчи Қиёт дарёси оралиғида жойлашган” (П.С. Паллас).

– Амир Темури чўриларида бирининг макбараси; (И.Садири мақоласи).

– Амир Темурининг кизи Кесене ва навкар Менгирей макбараси; (“Уральский следопыт” № 12, 2006).

– Амир Темурининг куёви ва кизи макбараси; (Владислав Вериго)

– Қозоқ бойи кизининг макбараси; (“Вечерный Челябинск”, 12 март 2010).

– Ҳожи Ҳусайнбек макбараси;. Р.Г.Игнатъев Амир Темури бу макбарани Ҳожи Ҳусайнбекка бағишлаб қурдирган, деб ёзади. (“Оренбург ведомостлари”, газетаси, 20-сон, 1868).

Рус ва чет эл олимлари бу бинони қуйидагича номлаганлар:

– Палата (П. И. Ричков).

– Кирхе (черков) (П. С. Паллас).

– Кошена; (П.С.Паллас).

– Кесене; (Р.Г.Игнатъев).

– Ҳожи Ҳусайнбек макбараси (Р.Г.Игнатъев).

– Кирка; (Р.Г.Игнатъев).

– Кисяна; (Э.Ю.Петри).

– Мавзолей Кесене; (Р.Г.Игнатъев).

– Башня Тамерлана (Амир Темури минораси) (В.С.Кобзов).

Тарихчи олим В.С.Кобзов макбарага тегишли барча илмий, тарихий, бадий асарлар маълумотларини яхши яқунлаган. У ривоятлар ва маълумотлардаги номлар (Кошена, Кисень, Кесене, Кисене, Кирка, Менгирей)нинг атоқли от бўлмаслигини далиллаган: Кошена ва Кесене сўзларининг «кошоно» (бино), Кирка немисча Кирхе (ибодатхона, масжид ёки черков), «менгир» қабрларга қўйилдиган устунсимон тош эканлиги изоҳланган. (Қаранг: В.С.Кобзов, «Уральская Варна», Челябинск, 1992, 44 бет).

Бир ярим йил давомида эллика яқин тарихий, археологик, бадий, илмий-оммабоп ва интернет материалларини тадқиқ этиб, Кесене макбараси ёки Амир Темури минораси ва у билан боғлиқ ҳақиқатларни қуйидагича тасаввур қилдим:

Тўхтамиш уч маротаба Самарқандга Амир Темури даргоҳига қўмак тилаб, юқуниб келади. Соҳибқирон олийҳимматлик билан ҳар гал шохона совғалар ва лашкар бериб, Тўхтамишни Олтин Ўрда тахтини эгаллашга йўллайди. Уч марта ҳам у энгилиб қайтганида, ўзи лашкар тортиб бориб, Олтин Ўрда тахтига Тўхтамишни ўтқизиб қайтиб келади.

Олтин Ўрда хони Тўхтамиш эса, Соҳибқирон Эрон юришида эканида унинг юрти Туронга ҳужум қилиб, Самарқанд шаҳрига, Амир Темури туғилган кишлок Хўжа Илғоргача ўт қўяди...

Соҳибқирон бунисини кечиролмай, 1391 йили Тўхтамишга қарши лашкар тортади. 1391 йил 18 июнь кунини ҳозирги Самара вилоятининг Кондурча (Қундузча) ва Сок (Сўх) дарёчалари туташган жойда икки юз минг кишилик Амир Темури ва шунча миқдордаги Тўхтамиш лашкари ўртасида жанг бўлади. Тўхтамиш энгилиб, шимолга қочади. Соҳибқирон лашкари уни таъқиб этади...



Жангда Тўхтамишнинг ўғли асир тушади. Асирлар сафида уни кўрган Амир Темурнинг кизи хон ўғлини ёктириб қолади. Посбонни қўлга олган киз йигит билан отда жўнаб қолади. Ошиклар Большое Кесене қўлига етиб келганда, ўн-ўн беш кунлик оч-наҳорликдан толиққан киз вафот этади. Аламита чидаёлмаган йигит ҳам ўз жонига қасд қилади.

Амир Темур ва Тўхтамиш муҳорабаларида Қамишли кенти ҳам уруш гирдобиди қолди:

Ўсиб тупроғим узра найзалар мен эв(уй)дин айрилдим дея фарёд чеккан қамишлилик шоир Сайфи Саройи (1321-1396) ошик-маъшуклар воқеасини эшитиб, гувоҳ сифатида «Сухайл ва Гулдурсун» ишкий-тарихий достонини ёзади. Достон мазмуни қозоқ ва рус халқ ривоятлари билан деярли бир хил. Достон рус ривоятларини, рус ривоятлари мазмуни Сайфи Саройи ёзган достонни тасдиқлади. Ушбу муштараклик ҳам воқеа ҳақиқатининг далилидир.

Достон мазмуни: Амир Темур Тўхтамишга қарши лашкар тортиб боради. Қаттиқ жанг бўлиб, Тўхтамиш енгилиб қочади. Ўғли Сухайл асир тушади. Уни зиндонга ташлаб қўйишади. Асирлар келтириладиганда Амир Темурнинг Гулдурсун исмли кизи уни кўриб севиб қолади. Зиндон қорувлини маст қилиб, киз ва йигит икки отда жўнаб кетадилар. Сувсиз, қум қайнаган чўлларда узок оч-наҳор юрадилар.

Алар кўп юрдию сахрога кирди,

Гунашдин сахро узра дўзах эрди.

Йўқ эрди сув, емакка анда ўтмак,

Агар бўлганда ҳам ақчаси лак-лак...

Йиқилди ташна Гулдурсун очиндин,

Кўмак кимдин келур, чўл ичра кимдин?!

Кўп ўтмай бу азобларга дош беролмаган Гулдурсун вафот этади. Йигит сахро ичида яқка-ёлғиз қолди. “Менга дунёда усиз ғам билан қолишининг нима кераги бор?!” дейди-ю, ўзига ханжар санчади. Чунки кенг олам унинг кўзига қоронғи бўлди. Сухайлнинг тортган охидан бўрон турди. Худди айланувчи фалак бузилиб, ўпирилиб кетди. Ошик-маъшуклар жасадаларини қум бўрони кўмади.

Достон 1394 йилда ёзилган. Сайфи Саройи достон воқеалари, қахрамонлар қисмати ҳақиқат эканлигини махсус кайд этади:

Бўлур бу битигим тарихга ёдгор,

Бу ёдгоримда ёлғон йўғу, чин бор.

Битилган номани эллар ўқугай,

Сухайлнинг тарихини тоза билгай.

Филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиев “Ўзбек адабиёти” 9-синф дарслигида ёзади: “Муаллиф достон воқеаларининг тарихий асослари борлигини шундай таъкидлайди:

Эмас афсона, чин ушбу битилмиш,

Бу чин афсонадек ишқда етилмиш”.

(“Ўзбек адабиёти”, “Ўқитувчи”, Т., 2000, 193-бет).

Амир Темур жўнатган изкуварлар фожиа дарагини Сохибқиронга етказдилар. Мусулмончилик удумига кўра, марҳум вафот этган масканда тупроққа қўйилади. Қиз кўл соҳилида дафн этилади. Амир Темур буйруғи билан ҳозирги Троицк шаҳри яқинидаги Уй дарёси соҳилида пишиқ гишт тайёрланиб, юз минглаб аскарлар қўлма-қўл қилиб кўл соҳилига узатадилар. Ва ушбу макбара тевараги юз чақирим кимсасиз чўл ўртасида қад кўтаради.

Санкт-Петербург Императорлик университети профессори Э.Ю.Петри бошчилигидаги археологлар 1889 йилда макбара ичини қазганда, кўп қимматбаҳо тақинчоқли аёл ва тўрт эркак монголоид жасадаларнинг топилгани бу ҳақиқатнинг ашъвий далилидир. Ана шу макбара туфайли Катта Кесене қўли (Большое Кесене) ва Кесене дарёси номлари пайдо бўлди. Хўш, Кесене сўзи қаердан келди?

Мухаммад Ҳайдар мирзо, П.И.Ричков, П.С.Паллас, Э.Ю.Петри, И.А.Кастанье, В.С.Кобзов ва бизнинг хулосаларимизга кўра, “Кесене” сўзи “қошона”, яъни мухташам бино ёки қаср эканлиги маълум. Макбара Қошона деб аталган бўлса, наҳотки тарих бу ҳақда сукут сақласа? Мухаммад Ҳайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» (1546) асарига қасрнинг номи Қўк Қошона деб ёзилган. Бинонинг Қўк Қошоналигига келсак, макбаранинг конуссимон тоқи кўк бўлган.

Демак, Амир Темур қизининг макбараси мармар лавҳасига “Қўк Қошона. Амир Темур қизининг макбараси” ёзуви қўйилса, тарихий ҳақиқат тикланади. Кесене макбарасининг етти юз йиллик сирлари, бизнингча, ана шулардан иборат эди.


Ушбу мақола оққа кўчирилгач, уни Халқаро Бобур жамоат фондининг Тошкентдаги офисида Бобур қомуси таҳририяти кенгашларининг бирида санъатшунос, тарих фанлари доктори Абдумажид Мадраимовга кўрсатдим. Олим ўқиб бўлдилар-да, дедиларки:

– Ваҳоб ака, Сиз буни русларга янгилик ва далил-исбот деб бераётганингиз яхши, маъқул. Менга бу ҳақиқат бундан ўттиз йил муқаддам маълум бўлган. Бир куни Ўзбекистон халқ рассоми, Троицк-шаҳрида туғилган Чингиз Аҳмаров устахоналарига бориб қолдим. У киши янги тайёрлаган суратларини кўрсатдилар. Тасвирда: зиндонда занжирбанд ўктам йигит – Тўхтамишнинг ўғли. Амир Темурнинг кизи зиндоннинг юқори туйнугидан пастга ҳайрат билан қараб турибди.

– Ушбу фожиали ҳақиқатни: Амир Темурнинг кизи Тўхтамишнинг ўғлини севиб қолгани; бирга отда Олтин Ўрдага жўнашгани ва қизнинг (ҳозирги Варнада) кўл соҳилида вафот этгани; буюк отаси унинг хотирасига мухташам макбара қурдирганини Троицк шаҳри зиёлилари биладилар – деб айтганлар Чингиз оға. Бу ҳақиқат рус олимлари фаразлари таҳлили ва Сизнинг ишончли, ҳужжатли далилларингиз билан айтилгани халқимиз учун ҳам фойдадан холи эмас. Чунки бунда “Кесене макбараси” муаммоси аниқ хал этилган, қолаверса, меҳрибон ота, бунёдкор Сохибқирон сиймоси гавдаланмоқда.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Vatanni sevish-chun turish shart uyg'oq!



Улуғбек ҲАМДАМ

ШЕЪРИЯТГА

*Кеча сен обод эдинг,
Шеърим, сен нажот эдинг!
Бугун кўзингга боқсам,
“Ҳаммаси барбод!” дединг.*

*Ота-она, қариндош,
Дўсту ёру қаламқош...
Бари узоқ тушганда
Сен эдинг-ку чин йўлдош!*

*Сен туфайли, ҳамдамим,
Ариб битарди гамим,
Сен туфайли дунёда,
Ишон, йўқ эди камим.*

*Энди сен ҳам кетдингми?
Эртак каби йитдингми?
Мен суймаган қисматни
Пешонамга битдингми?!*

*Ёлғиз қолдим ёд ила,
Тилда ширин тот ила,
Кўзимда аччиқ согинч,
Юрагимда бод ила...*

*Ёлғизман энди, э воҳ!
Аммо юракда бир оҳ:
Ҳали ҳаммаси олда –*

*Олдадир, ахир, ОЛЛОҲ!
Олдадир ёлғиз ОЛЛОҲ!..*

*Юртда тонг отган-ку, ҳаммаёқ оппоқ,
Кўзингни оч сен ҳам, юрагингни ёқ!
Заррача иймонинг бўлса, унутма:
Ватанни севиш-чун туриш шарт уйғоқ!*

*Уйимдан чиқаман ҳар куни, ҳар тонг,
Бошимда мингта ўй, дилда минг истак.
Аммо билмоқ қайда: қай бири қай он
Мени бахтли этар ё айлар ҳалак?..*

*Хоҳишлар – ошиқлар. Мен-чи, уларни,
Ҳаёт саҳнасига ташлайман бир-бир.
Чикками-пукками? Мендан сўрарми?
Барига розиман, ширинми-тахир...*

*Мана шу алфозда: ҳар куни, ҳар тонг
Уйимдан чиқаркан қопчигим олиб,
Башар тақдиридан урадирман бонг!
Башар тақдиридан урадирман бонг!*

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Гарчи шоҳсан ва ёхуд гадо,
Сенинг дўстга эҳтиёжинг бор!
Магар соғсан ёки бедаво,
Сенинг дўстга эҳтиёжинг бор!

Қаршингдаги ойна эрур дўст,
Юз-кўзингни солгайсан кунда.
Не фазилат, нима каму кўст,
Барчасини кўргайсан унда.

Шон-шухратдан лоф урма, шоир,
Давлатингни санама, эй бой!
Менга дўстинг ҳақида гапир,
Менга дўстдан куйлаб бер, эй ой.

Гар ёнингда дўстинг йўқ экан,
Умринг сенинг нишонга тегмай,
Пайконлари бўлса ҳам тигдай,
Бекорларга учган ўқ экан,
Беҳудага учган ўқ экан,
Гар ёнингда дўстинг йўқ экан...

Ҳаммаси жонга тегди,
Тегди жонга ҳаммаси.
Сени соғиндим чексиз,
Чексиз соғиндим сени!

Болалигим, қайдасан,
Қайдасан, болалигим?
Сендан узоқ тушдим мен,
Мен тушдим узоқ сендан...

“Қайтар дунё” дердилар,
Дердилар: дунё қайтар!
Энди қайтайми сенга,
Сенга қайтайми энди?

Бола эдим, қаридим,
Қаридим, эдим бола.
Мана энди қайтяпман,
Қайтяпман энди, мана:

“Болалигим – кексалик”,
Кексалик - болалигим...

МИНГТЕПАГА

Улуғбек, ҳой Улуғбек,
Бу ерлардан кетайлик.
Мингтепа деб аталган
Юртимизга етайлик.

Улуғбек, ҳой Улуғбек,
Керакларни олайлик:
Асло қолиб кетмасин –
Юракларни олайлик.

Тош шаҳардан розимиз,
Гинамиз йўқ сира ҳам.
Ака-ука бўп қолдик,
Олмай қўйган кира ҳам.

Лекин ул мингтепалар
Чорлаб тинмайди энди.
“Биттамитиз эдинг бизнинг,
Сафимизга қайт”, дейди.

Мингтепа, эй Мингтепа,
Сирларинг кўндир сенинг.
Сирларингдан зиёда
Бурчларим кўндир менинг.

Ҳаммасини биламан,
Билиб бағринг тилдим кўп
Сендан яқин йўқлигин,
Қирқдан ўтиб билдим хўп!

Мингтепажон, Мингтепа,
Сирли, гизли, эй диёр!
Юрагимга бир қара,
Унда ҳам бир тепа бор.

Аввал шуни кашф этай,
Сўнг қошинга учгайман.
Соғинганман, пойларинг
Йиғлаб-йиғлаб қучгайман!

Менинг сендан кетишим,
Асли, сенга йўл экан.
Бу йўлдаги заҳматлар
Билсам: менга йўл экан...

Толеим кулса бир кун
Кучоғингга қайтарман.
Муҳаммад Юсуф билан
Кўшигингни айтарман...

Portretli tavsiflash:

SIYOSIY PORTRETNING O'ZIGA XOSLIGI

Жамият сиёсий ҳаёти фаолияти бевосита халқ манфаати билан йўғрилган етакчи инсонларга бой. Халқона сиёсат оқибати ўлароқ, уларга жамоатчиликнинг эътибори юқори бўлган. Шунинг учун ҳам бундай етакчиларнинг нафақат сиёсий фаолияти, балки шахсий сифатлари, турмуш тарзига ҳам қизиқилган, шунингдек, улар фаолияти портретли тавсифлаш орқали ўрганилган.

Айтиш жоизки, тавсифлаш нафақат сиёсатшунослик, балки ижтимоий-сиёсий, тиббиёт, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва театр санъатига ҳам тегишли. Масалан, тасвирий санъатда рассом портрет киёфасини ранглар хатти-харакатлар тасвири орқали берса, ҳайкалтарошликда аниқ киёфани яратиш, театр санъатида эса портрет образлар, уларнинг эмоционал ҳаракатларини кўрсатиш орқали ифодаланади.

Журналистика ва адабиётда портретли тавсифлашнинг асосий қуроли сўз ҳисобланади. Бу оддий таъриф ва баён эмас, портретга тегишли ҳар қандай сўз залворли, ўқувчида таассурот уйғотадиган, таъсир кучига эга “сўзлар чизмаси” орқали берилади.

Портрет атамаси французча “portrait” сўздан олинган бўлиб, “асл нухсанинг тасвири” деган маънони англатади. Тасвирий санъатда бу инсон юз киёфасини унинг руҳий олами билан боғлаб, аниқ бир образ орқали яратишни назарда тутди ва бу портрет санъати деб ҳам юритилади. Портретли тавсифлаш борасида ёндашувлар ҳар хил ва ўзига хос. Ҳозирда “портрет” ва “портретли тавсифлаш” тушунчалари мазмунан кенгайиб, турли хил кўринишларда намоён бўлаётганлиги натижасида портрет турлари ҳам ортди. “Биографик портрет”, “ҳокимият портрети”, “ҳарбий-сиёсий портрет”, “мафкуравий портрет”, “шахс-интеллектуал портрети”, “тарихий портрет”, “ахлоқий портрет”, “сиёсий-мафкуравий портрет”, “сиёсий-психологик портрет”, “сиёсий портрет”, “психологик портрет”, “диний портрет”, “ижтимоий-сиёсий портрет”, “ижтимоий-психологик портрет”, “ижтимоий портрет”, “типологик портрет” кабилар шулар жумласидандир.

Сиёсий портрет – бу етакчининг омма олдидаги

сиймоси ёзма шакли бўлиб, асл моҳияти ахборотни етказиб беришдир. Сиёсий портрет ва уни тайёрлаш ижтимоий-сиёсий фанларнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, сиёсий портрет замонавий сиёсатшуносликда бугун пайдо бўлган мавзулардан эмас. Сиёсий портрет тайёрлаш илмий тафаккур учун қадимий соҳа ва уни вақт ўтиши билан янги-янги қирралари очилаётган соҳалар сирасига киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда сиёсий портретнинг тўртта – сиёсий-мафкуравий, сиёсий-психологик, тарихий портрет, сиёсий биография типлари мавжуд. Табиийки, улар бир-биридан фаркли жиҳатларга эга.

Сиёсий-мафкуравий портрет – етакчини маълум бир сиёсий ва мафкуравий оқим вакили сифатида кўради. Шунингдек, унинг имкониятлари ҳамда жамиятга сиёсий таъсир даражаси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бунда етакчи эришган ютуқлар, ҳаёт йўли, сиёсий мавқеи ва фаолиятига хос жиҳатлар, унинг салбий қарашлари ва шу каби бошқа омиллар у аъзо бўлган сиёсий ташкилот мафкуравий йўналишига мос келиш ёки келмаслиги нуктаи-назаридан ўрганилади. Мазкур услубда етакчининг ғоявий-сиёсий, бадиий-эстетик қарашларига ҳам эътибор берилади. Ёки мазкур услубий йўналишда етакчи сиёсий фаолиятидаги асосий даврлар – унда мафкуравий қарашларнинг шаклланиши, ғоявий чекинишларни бошидан кечирган-кечирмаганлигини кузатиш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Агар етакчи мафкуравий жиҳатдан прагматик йўл тутган бўлса ёки унинг сиёсий фаолияти жиддий рақобатлар шароитида амалга ошган бўлса, бундай ҳолатда сиёсий етакчининг мафкуравий мавзуларда қилган расмий маърузалари ва ғоявий қарашлари тизимини таҳлил қилиш талаб этилади.

Сиёсий-психологик портретни тайёрлашда асосан шахс руҳий-эмоционал ҳолати, темпераменти, фикрлаш услуби ва бошқа психологик хусусиятларининг ўзаро таъсири, иккинчи томондан эса, унинг сиёсий жараёнлардаги аҳамияти ўрганилади. Бунда етакчининг мансаби ҳақидаги маълумотлар унинг сиёсий фаолияти

ва шахсий психологик хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ тарзда таҳлил этилади. Яна бир муҳим жиҳат, етакчининг қайси психологик типга тааллуқли эканлигининг аниқланиши ва ана шу ҳолат орқали ҳужжатнинг концептуал йўналиши белгилаб олиншини таъкидлаш лозим.

Тарихий портрет тайёрлаш жараёни юқорида келтириб ўтган портретлар типологиясининг баъзи бир элементларини ўзида намоён этса-да, ушбу типдаги портрет тайёрлашда, етакчининг хизмат мавқеи ва сиёсий фаолияти давомидаги воқелик хронологик кетма-кетлик ҳамда унинг ҳаётидаги аҳамиятга молик ҳолатларга таъсир кўрсатган шахслар билан бўлган алоқаларига эътибор қаратиш бирламчи ҳисобланади.

Сиёсий биография услуби, асосан, ғарб мамлакатларида кенг тарқалган. У сиёсий фаолият субъектининг сиёсий мавқеи ёки сиёсий ахлоқининг айрим жиҳатларини кенг омма онига сингдиришга ҳаракат қилиш билан характерланади ва бунда унинг ўтмишига ҳар доим ҳам эътибор берилвермайди. Умуман олганда, сиёсий биография тайёрлашда етакчининг бугунги кундаги фаолияти реклама кўринишида намоён бўлади.

Сиёсий портретнинг бундай типларга ажратилиши портретнинг қайси аудиторияга мўлжалланганлиги билан боғлиқ. Лекин тўлақонли сиёсий портрет тайёрлашда мазкур типлардаги барча жиҳатларни умумлаштирган ҳолда ўрганиш зарур.

Шунинг учун сиёсий портрет тайёрлашнинг макро ва микро муҳитини ажратиш кўрсатиш мумкин. Жумладан, макро муҳитда давлатдаги сиёсий тизим, миллий тарихий вазият, миллий маданий омил, ижтимоий муҳит, етакчининг сиёсий жараёнлардаги иштироки билан боғлиқ вазиятли омилларни ва унинг таърибаси, етакчи имижининг ОАВда ёритилиши ва унда “сиёсий ўйинчи” сифатлари қанчалик даражада мавжудлиги билан боғлиқ жиҳатлар намоён бўлади. Микро муҳит эса сиёсий етакчининг шахсий сифатлари, харизматик қобилияти, сиёсий фаолиятга мойиллиги, интеллектуал

салоҳияти, сиёсий имижини, бошқарув усули ҳамда касбий малакаси билан боғлиқ жиҳатлар назарда тутилади.

Албатта, ушбу муҳитларни ўрганиш маълум бир услублар асосида амалга оширилади. Бунда кузатиш, тизимли таҳлил, ҳужжатларни ўрганиш ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Сиёсий портрет тайёрлаш жараёни илмий услубларни бирламчи ёки иккиламчи ҳолатда кўрмайди. Балки услубларнинг ўз вақтида қўлланилишини ёқлайди. Бунда услублар бир-бири билан рақобатлашмайди, аксинча, бир-бирини тўлдирди. Ҳозирги кунда бирор ижтимоий тадқиқот доирасида бир неча усулларни бирлаштириб фойдаланиш оммаланиб бормокда. Сиёсий портрет тайёрлашда, масалан, оммавий ахборот воситаларидаги маълумотлардан фойдаланишни назарда тутсак, унда биографик услубни, сўнгра маълумотларни текшириш ва тўлдириш мақсадида мунтазам кузатиш ҳамда сиёсий етакчининг нутқини таҳлил қилиш каби услубларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, сиёсий портретни қисқа муддатда тайёрлаш талаб этилганда, тизимли кузатиш услубига мурожаат қилинмасдан, фақат биографик услуб орқали олинган маълумотларни контент таҳлил қилиш талаб этилади.

Хуллас, сиёсий портрет тайёрлаш серкирра фаолият. Унинг объекти нафақат бир шахс, балки ижтимоий гуруҳларни ҳам ўзига қамраб олиши мумкин. Бу жиҳатдан сиёсий портрет ўз мазмун ва моҳиятига кўра тавсифнома, таржимаи ҳол, сиёсий эссе, сиёсий биография кўринишидаги тузилишларга эга. Бирок сиёсий портрет қандай тузилишга эга бўлмасин, у етакчининг ижтимоийлашуви, сиёсий мавқеи, психологик жиҳатларини ўзига тўлиқ қамраб олади. Демак, сиёсий портрет – сиёсий фаолият субъектининг сиёсий жараёнлардаги иштироки билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар, шунингдек, унга тегишли индивидуал сифатларни вазиятли омиллар асосида матн орқали тавсифлаш услуби, дейиш мумкин.

Қаҳрамон ҚУРБОНОВ,
тадқиқотчи

Dutorim tori ikkidur...

Хар гал “Чўли ироқ” ёки “Муножот”ни тинглаганимизда бетакрор оҳанларга махлиё бўламиз. Торлардан таралаётган жилвалар юрак-юрагимизга етиб, қалбимизнинг қайсидир пучмоқларида мудраб ётган сезимларни уйғотиб юборади. Куйга монанд тебранаётганимизни, баъзан кўзларимизга беихтиёр ёш инганини сезиб қоламиз.

1933 йиллари Айритом шахристони қазилмаларидан топилган археологик топилмалар, маданият ёдгорликлари, деворий суратлар, сопол хайкалчалар эрамининг VII асридаёқ бизда мусиқа чолғулари бўлганлигидан дарак беради. Ушбу манбаларга кўра, дастлаб урма чолғулар, кейинчалик торлимизробли ва торли-камонли мусиқа чолғулари пайдо бўлган. Бу чолғулардан сарой маросимларида, ҳарбий юришларда фойдаланилган. Ўзбек халқининг най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, ғижжак, кўбиз каби миллий чолғулари анъанавий шакллари бизгача етиб келган.

Шарқ олимлари ўз рисолаларида мусиканинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида кўплаб маълумотлар келтиришган. Ал-Форобийнинг “Китоб ал-мусиқа ал-кабир” (Катта мусиқа китоби), ал-Хоразмийнинг “Билимлар қалити”, Жомийнинг “Мусиқа ҳақида рисола”, Ибн Зайлининг “Китоб ул-кабир фил-мусикий” (Мусиқа ҳақида тўлиқ китоб) асарларида мусиқа ижрочилиги ва халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. XVII асрда яшаган аллома Дарвиш Али Чангий мусиқага оид рисолаида анъанавий халқ чолғулари, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ва мохир ижрочилар ҳақида қимматли маълумотлар берган. Ушбу рисола XVI-XVII асрлардаги мусиқамизни ўрганишда қимматбаҳо манба ҳисобланади.

XVI-XVII аср миниатюраларида чанг, доира, борбат, уд, қонун, ғижжак, най, рубоб, танбур каби мусиқа чолғулари тасвирланган. Ушбу чолғулар билан бир қаторда дутор сози ҳам асрлар оша бизгача етиб келди. XV асрда яшаган олим ал-Хусайний томонидан қўш торли чолғу – дутор чолғуси ҳақидаги илк маълумотлар келтирилган.

Дутор сози йирик туркумий асарларини яратишга асос бўлган. Бунга мисол тарзида Хоразм дутор мақомларини келтириш мумкин. XX асрда оврўполик мусиқашунос, ҳарбий оркестр дирижёри ва скрипкачи Август Эйхгорн дуторда ижро этилган қўшиқ ва куйларни нотага солиди.

Ёзма манбаларда дутор чолғуси дастлаб XV асрда тилга олинади. Ўз даврининг мусиқашунос алломаси Зайнулобиддин ал-Хусайнийнинг “Илми ва амали мусикий” рисолаида дутор чолғуси ҳақида маълумотлар келтирилган. Дутор қадимда хонаки соз деб юритилиб, асосан, аёллар чолғуси ҳисобланган. Дастлаб усталар дуторни тут дарахтидан ясаганлар. Бу тўғрида Дарвиш Али ўзининг “Рисолаи мусикий” асарида қуйидагича ёзади: “Дуторнинг аксарияти тут ёғочидан ишланади, торлари эса ипақдан эшилади. Шунинг учун ҳам чолғунинг товуши ширадор ва майин, бу хол тут ва ипақнинг бир дарахт маҳсули

эканлиги натижасидир”.

Дутор ҳақида халқ орасида турли ривоятлар мавжуд. Ривоятга кўра, бир алломанинг тушига кирган мўйсафид дутор чолғусини айнан у яратиши кераклиги ҳақида белги беради. Аллома тушида кўрган суҳбат асосида от ёли ва бўш тошбақа қосасидан фойдаланиб, дуторга ўхшаш соз яратади ва бу чолғуни “борбат” деб атади. Кейинчалик соз такомиллашиб, унинг турли кўринишлари пайдо бўлади. Уд, дутор, танбур ва бошқа чолғулар ҳам шулар жумласидандир.

Машҳур ҳофиз, бастакор ва чангчи созанда Дарвиш Али бин Мирзо Али бин Хўжа Маҳмуд Марвариднинг “Рисолаи мусикий” асарида ҳам дутор сози ва дутор чолғучилари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу асар икки бўлим – назарий ва тарихий қисмлардан иборат. 1-қисмда асосан мусикий оҳанларнинг яратилиши, товуш чиқаришда пардалар ва усулларнинг ўрни, мусикий соزلарнинг турлари ҳақида, 2-қисмда эса XV-XVI асрлардаги машҳур чолғучилар ва бастакорлар ҳақида маълумотлар берилган. Дарвиш Али ўз рисолаида машҳур чолғучилар Юсуф Мавдудий ва Маҳмуд Шаҳобийларнинг дутор чалиш санъати, маҳорати сирлари тўғрисида атрофлича маълумот бериб ўтган.

XX асрда ўзбек мусиқа санъатининг илмий-услубий назарияси ва миллий жиҳатларини Абдурауф Фитрат биринчилардан бўлиб ўрганиб чиққан ва “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобининг дутор созига бағишланган бўлимида бу сознинг таркибий қисмлари, парда тизими ҳамда мусикий амалиётдаги вазифаси тўғрисида қизиқарли маълумотлар бериб ўтган. Ушбу асрда ўзбек миллий мусиқасининг турли жанрлари, мусиқа чолғулари тарихи, ривожланиш босқичлари ва парда тизимлари ҳақида биринчилардан бўлиб, илмий асосланган маълумотлар келтирилган.

Дутор чолғуси бугунги кунда ҳам халқимизнинг сеvimли сози бўлиб, тўй-ҳашам, сайил-байрамларда чертиб кўнгил хумори ёзилади. Айни чолғу тарихи, тархи, амалиётини аҳамиятини ўрганиш, тадқиқ этиш борасида бугунги кунда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Дуторчиликка оид рисолалар, дарсликлар, асарлар яратилмоқда. Мусиқа мактабларида, санъат билим юрларида, Ўзбекистон давлат консерваториясида дутор бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Демак, дуторнинг сохир саси хали кўплаб дилларни ўзига ром этаверади.



Дурдона ҲАЙДАРАЛИЕВА

Nazar

MADANIYATIMIZ TARIXI

Хар қандай тараққиёт замирида маънавий янгилиниш мавжуд. Инсон руҳиятида кечадиган жараёнлар моддий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий манба ҳисобланади. Шу боис, моддий юксалиш маънавий юксалиш билан ўзаро алоқадорликда кечади. Маънавий янгилинишнинг биринчи шарт, шахснинг эркинлигидир. Чунки эркин одамгина ўз ҳаётининг барча жабҳаларида ўзгариш қилишга қодир. Бу қонуният жамият ҳаётига ҳам тааллуқлидир.

Аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросидан авлодларни баҳраманд қиладиган хаттотлик ва китобат санъати барқамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Ёзув маданияти, унинг тарихи шаклланишидаги илк қадамлар сифатида, қоятош суратлари тилга олинади. Марказий Осиё ҳудудлари, жумладан, Ўзбекистонда ёзув маданияти милоддан аввалги V-IV асрларда ривожлана бошлаган.

Дастлабки ёзувларимизнинг тараққий этишида қадим оромий ёзуви асос бўлган. Бунинг яна бир муҳим жиҳати, айти ўша даврда фонетик тузилишига эга, яъни ҳарф белгили ҳамда нутқ товушларини ифодаловчи алифболар шакллана бошлаган. Бу жараён бошланғич даврларданок ёзув маданиятининг юксак филологик билим тасаввурларга таянган ҳолда ривожлана бошланганини кўрсатади.

Хронологик жиҳатдан бироз кейинроқ шаклланган бошқа қадимий ёзувларимиз тўғрисида ҳам кўплаб маълумотлар тўпланган. Жумладан, сўғд ёзувини қадимшунос олимлар милоддан аввалги асрларда шаклланган деб ҳисоблашади. Аммо бу даврга келиб сўғд ёзуви ҳам грамматик, ҳам фонетик жиҳатдан анча мукамал бўлганини эътироф этадиган бўлсак, ёзувнинг тўлақонли мукамал кўринишига эга бўлиш жараёни узок, балки бир неча юз йиллик шаклланиш даврини босиб ўтганидан далолат беради.



Шунингдек, қадимги Парфия давлатининг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маиший тизимида Парфияна ёзуви қўлланиб келган.

Боҳтар ёзуви эса ҳозирги Ўзбекистоннинг жануби ва унга қўшни ҳудудларда кенг тарқалган бўлиб, унинг икки тури мавжуд бўлган. Бири – оромий ёзув асосида шаклланган қадимий боҳтар ёзуви, иккинчиси – милоддан аввалги учинчи асрнинг ўрталарида пайдо бўлган юнон-боҳтар ёзуви. Айниқса, қушонлар даврида бу ёзув маҳаллий боҳтар тилига тўла мослашиб, халқимиз ёзув маданияти тарихида алоҳида саҳифага айланган. Қизиғи шундаки, юнон-боҳтар ёзувининг алифбо тизими, асосан, юнон ёзувга асослангани ҳолда, айрим товуш ва ҳарфлари шу ўлкада мавжуд тил товушларини ифодалаган ва табиийки, дастлабки фонетик мазмуни ўзгарган. Шундай экан, бу ҳудудларда юнон-боҳтар ёзувидан ҳам қадимийроқ ёзувлар бўлганини таъкидлаш мумкин.

Араб ёзуви, ўз навбатида, исломгача бўлган Марказий Осиё халқлари ёзувлари (қадимий Уйғур, Ўрхун-энасой, Сўғд, Хоразмий ёзувлари)ни сиқиб чиқариб, VIII асрдан Ўрта Шарқ халқлари учун илм-фан ва давлат ишларида расмий ягона ёзув сифатида ўрин олди. Шунинг баробарида араб алифбоси асосида нафис санъат бўлмиш хаттотлик санъати вужудга келди.

Мазкур ёзувнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши ҳамда санъат даражасига кўтарилиши дастлаб халқимизнинг бадиий хунармандчилик, меъморчилик ва халқ амалий санъатида кўринди. Хаттотлик санъати юртимизда кўпроқ китобат санъати доирасида гуллаб-яшнади. Араб ёзувининг айнан санъатга дахлдорлигини Марказий Осиёда яратилган қўлёзмаларда кўриш мумкин.

Хусан ЖўРАЕВ





Marjona

“Цирк – маҳорат, маҳорат – меҳнат”, деб ёзган эди шоир Усмон Азим. Одамларни ҳайратлантириш, маънавий завқ бериш осон иш эмас. Бир қараида оддий туюлган машқни бажариб кўрмоқчи бўлсак, урдасидан чиқа олмай, унинг ижрочисига тасанно айтаемиз. Ҳаётини шундай санъат тури билан боғлаган инсонлар умр бўйи машқ қиладилар, умр бўйи изланадилар.



O‘zbekistonda musiqali drama janrining tashkil topishi

Театр инсонлар кўнглини ёритадиган, уларни мушохадага чорлаб, маънавий камолот сари юксалтирадиган, маданий хордиқ улашадиган сеҳрли маскандир. Муסיқали драма театрининг жозибаси инсонлар кўнглига, юрагига яқин бўлган санъатларга ҳамоханлигида. Бунда куй-қўшиқ, рақс-ҳаракатлар, драма, сахна безаклари, хор, оркестр жамоаси ва дирижёрлик каби санъатлар бирлашган бўлади.

XX асрнинг бошларида вужудга келган ўзбек театри ўзининг изланиш ва ривожланиш жараёнида, драматик асарлар билан бирга муסיқали драма жанрининг шаклланишига ва махсус муסיқали драма театрининг пайдо бўлишига муҳит ва имконият яратиб берди. Бу театрининг янгиланишига, серкирра ижод намуналарининг яратилишига бош омил бўлди.

Театр санъатида “Муסיқали драма” ёки “Муסיқали комедия” мураккаб қўшма жанрлар таркибига киради. Яъни адабий йўсиндаги шеърлар муסיқа билан чамбарчас боғланиши орқали асар драматургиясини мустиқил

равишда ривожлантиради.

Ўзбек драмаси кўп тармоқли мураккаб санъат бўлиб, бунда драма жанрида ёзилган асарни режиссёр рассом билан бамаслаҳат сахналаштириши мумкин. Аммо муסיқали драмада пьеса композитор кўлига ўтиб, муסיқа ёзилади. Режиссёр, дирижёр, концертмейстер, балетмейстер, рассомлардан иборат ижодий раҳбар ва гуруҳлар томонидан матн устида ишлаш, оркестр жамоаси билан партитурани ўзлаштириш, яккахон ва хорга вокал қисмлари талқинини сингдириш, мавзу, давр ва характерларга мос сахнавий безаклар, либослар, буюмлар яратиш бўйича ишлар олиб борилади. Сахналаштирувчи режиссёр муайян ижодий режа асосида алоҳида-алоҳида олиб борилган ана шу ранг-баранг ишларни бир-бирига узвий боғлаб, яхлит сахнавий асар даражасига олиб келади. Бинобарин, муסיқали драма, ўзида уч мустиқил соҳани, яъни драматургия, муסיқа, театрни бирлаштиради.

Мустиқали комедия – кулгили, ҳажвий мазмун асосида

Тоштилла Турсунова Наманган вилояти Косонсой туманининг Гўрмирон кишлоғида ишчи оиласида таваллуд топди. У мактабда ўқиб юрган кезлари машҳур дорбоз Жўрахўжа Норхўжаев бошчилигидаги дорбозлик жамоасининг томошаларини кўрар экан, келажакда ўзи ҳам ана шундай гуруҳ тузишни кўнглига тугиб қўйди ва бу учун бор имкониятини ишга солиб, ҳаракат қилди. Ёш Тоштилла укалари Ақромжон, Ёқубжон ва Толибжонлар билан маҳалла болалари учун жонглёрлик, фокус-иллюзия машқлари ва цирк-иллюзия дастурларидан иборат томошаларни намойиш эта бошлади.

1980-1984 йилларда Ёқубжон ва Толибжон Тошкентда эстрада ва цирк санъатидан таҳсил оладилар. Кейинчалик Ёқубжоннинг фарзанди Шерали Турсунов ҳам Республика эстрада ва цирк коллежида таълим олади.

Тоштилла ўз санъатини кадрлайдиган инсон Бахтиёр Тургунов билан турмуш қуриб, бир ўғил ва бир қизни вояга етказдилар. Санъаткорлар оиласи 2006 йил Гулистон шаҳрига кўчиб келиб, шу йили Сирдарё вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази қошида “Маржона” анъанавий цирк гуруҳини ташкил қилдилар. Мазкур оилавий цирк гуруҳи Сирдарё вилоятининг барча туманлари марказлари ва кишлоқлари аҳолисига маданий хизмат кўрсата бошлади.

Ҳозирги кунда “Маржона” анъанавий цирк санъати гуруҳида 10 нафардан ортиқ турли ёшдаги

хаваскор ёшлар фаол иштирок этади. Жамоанинг ёш катнашчилари Сардорбек, Оловуддин, Бунёдбек ва Ширинолар устозларидан анъанавий цирк санъатининг ноёб сир-асрорларини ўрганмоқдалар.

Гуруҳ репертуаридан анъанавий цирк санъати йўналиши бўйича жанглёрлик, фокус-иллюзия, хинд йог машқлари, ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокидаги томошалар ўрин олган.

“Маржона” анъанавий цирк санъати гуруҳи Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни каби турли байрам ва сайилларда ўтказиладиган маданий-оммавий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

2011 йил Навоий шаҳрида халқ томоша санъати ва миллий ўйинлари Республика фестивалида иштирок этган “Маржона” анъанавий цирк санъати гуруҳи мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг тавсиясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2012 йил 2 апрелдаги ҳайъат йиғилиши қарори билан “Маржона” анъанавий цирк санъати гуруҳига “Халқ хаваскорлик жамоаси” мақоми берилди.

Айни кунда цирк гуруҳи жамоаси янги томоша дастурлари тайёрлаш борасида ижодий ишлар олиб бормоқда.

Насриддин БОТИРОВ

яратилган мусикавий саҳна асари. Таркибан мусикали драмага яқин бўлса-да, ундан мусиқий тили ва ҳажвий мазмуни билан ажралиб туради. Бу жанрнинг илдизлари қадим замонларга, Шарқ ва Ғарб халқларининг оғзаки ижодиёти, қизикчи ва масҳарабозлар санъатига бориб тақалади.

Республикамиздаги “Мусикали драма ва мусикали комедия” театрлари, қисқа вақт ичида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри ўзининг камолот босқичига интилиб, ўзбек халқининг севимли санъат даргоҳига айланди. Драма театрлари, мусикали опера ва балет қошоналари тўла равишда ташкил топди, мустаҳкамланди ва таракқий этди.

Мусикали театр саҳналарида ўзбек бастакорлари ва композиторларининг асарлари салмоқли ўрин ола бошлади. Шу билан бирга, дирижёрлик санъати ҳам тобора ривожланиб борди. Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиков, Баҳром Иноятлов, Фазлиддин Шамсуддинов, Абдуғани Абдуқаюмов, Дилбар Абдурахмонова, Қувонч Усмонов, Набижон Халилов, Ғани Тўлаганов, Ҳамидулла Шамсуддинов, Эргаш Тошматов, Сулаймон Шодмонов, Фазлиддин Ёқубжонов, Каримжон Азимов, Ботир Расулов каби композиторлар бу санъат таракқийётига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар.

Ўзбек композиторларининг мусикали театр учун ижод этган турли жанр ва шаклдаги (мусикали драма,

мусикали комедия, опера, балет, оперетта, мюзикл, мусикали эртак, драма, кўғирчоқ театрлари) асарлари эътиборга лойиқдир. 1990 йилларда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрининг ижодий жонланиши ва репертуарининг бадиий етук асарлар билан бойишида ўзбек композиторлари Ф.Олимов, М.Бафоев, Б.Лутфуллаев, М.Тожиев, М.Маҳмудов, Т.Қурбоновларнинг хизматлари катта бўлди. Мусиқий саҳнавий жанрда ижод этган композиторлар орасида И.Ақбаров, Ф. Олимов, Ҳ.Раҳимов, Н. Зокиров, А.Эргашев фаолиятлари диққатга сазовордир.

Мусикали драма жанрининг ҳаётийлиги, кадр-қиммати юқорида келтирилган йўналишларни мутаносиб ривожлантириш билан белгиланади. Шундай экан, мавзулар доираси қанча кенг бўлса, жанрнинг уфқи кенгайди, саҳна ижодкорларининг ҳам имкониятлари ошади.

Маълумки, инсоннинг фалсафий дунёкарашини, маънавий-эстетик савиясини оширишда театрнинг кучи бекиёс. Ўзбек мусикали драма театрлари ҳам халқнинг маънан янада юксалишига хизмат қиладиган саҳна асарларини яратиш борасида ўз изланишларини олиб бормоқдалар.

Гулнора АЛИМБЕКОВА

Iste'dod parvarishdan gurkiraydi



Умида Хамидова 1989 йил 4 июлда Мирзобод туманида туғилган. Умида 2005 йил Тошкент Маданият коллежига ўқишга кириб, 2008 йилда тамомлади. Айни пайтда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти "Халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари" факултетининг 2-курс талабаси.



– Умидахон, мана, сиз ёш истеъдодлар учун Президентимиз томонидан ташкил этилган "Ниҳол" мукофотининг эъжобий йилдаги совриндорларидан бири бўлдингиз. Айни дамдаги кайфиятингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Тўғриси айтсам, умидим, интилишим бор эдию, кўркув, хадик ҳам йўқ эмасди. Шунинг учун дастлаб ишонмадим. Ёш истеъдодлар учун таъсис этилган бу мукофотни мен таянч, истеъдодлар учун пиллапоя деб биламан. Истеъдод бор эканки, парваришдан, эътибордан гуркирайди, ўсади. Мукофотни кўлимга Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева топширдилар. Ёшлигимдан ижодига ҳавас қиладиган, ўзим учун идеал билган хонанданинг кўлларидан "Ниҳол" мукофотини қабул қилар эканман, кўлларим титрар, хаяжоним ҳаммага сезилаётгандек, кимтинар эдим. Аввало, менинг камтарона санъатимни юкори баҳолаганликларидан хурсанд бўлдим. Менга берилган ишончини, албатта, оқлайман, деган умиддаман. Бу мукофот ижодимга ҳақиқий куч бағишлайди.

– Санъат соҳасини танлашингиз, бу соҳага кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Санъат йўлини танлашим, бу соҳани севишимга, аввало, оиламиздаги муҳит сабаб бўлган. Оиламиздагилар миллий санъатимизни жуда қадрлашади. Отамнинг бу йўналиш борасида берган сабоқ-ўғитлари, санъат оламининг жилокор оҳанглари мени ўзига ром этди. Бешинчи синфлигимдан бошлаб мактаб, туманда ўтказиладиган турли тадбирлар, кўрик-танловларда қатнашиб келдим. Вилоятда ўтказилган "Келажак овози" кўрик танловида биринчи ўрин, ўтган йилги "Ягонасан, муқаддас Ватан" танловининг республика саралаш босқичида иккинчи ўрин, Андижонда ўтказилган Мақомчилар кўрик танловида эса учинчи ўринни эгалладим. Буларнинг барчаси менинг келажакдаги фаолиятим учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

– Устозларингиз, умуман устоз-шоғирд анъаналари ҳақида гапириб беринг.

– Албатта, санъат борасидаги изланишларимда, бу йўлда муваффақиятларга эришимда устозларимнинг алоҳида ўрни бор. Коммуна Исмоилова, Раҳимжон Ҳасанов, Ўлмас Расулов сингари устоз-мураббийларнинг берган таълимлари, маслаҳатлари фаолиятимда жуда катта мактаб вазифасини ўтади. Инсоннинг қайси касб эгаси бўлмасин, етук шахс бўлиб шаклланишида устозларнинг ўрни бекиёс. Бежизга устознинг даражаси ота билан тенглаштирилмайди. Шунинг учун ҳам ҳар

бир масалада устозларнинг маслаҳатига, кўмагига таянаман. Куни кеча кўлга киритганим – "Ниҳол" мукофоти ҳам аввало устозларимнинг ютуғи. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, устоз ўз шоғирдининг нафақат санъатдаги, балки катта ҳаётдаги йўлбошчиси ҳамдир. Қаерга, қайси танловга бормаёлик, бизни тинглаб бўлишгач, албатта, устозимизни сўрашади. Етук устозлар сабоғидан бахраманд бўлиш, уларга эргашиш ёш истеъдодларни тоблайтиди. Санъатда, ҳаётда ўз ўрни, овозига эга бўлишига хизмат қилади.

– Болаликдаги энг ёрқин хотираларингизни гапириб беринг.

– Болаликнинг ҳар бир куни ёрқин, тиник хотираларга бой. Куй-қўшиққа бўлган қизиқишим шу даражада кучли эдики, бир зум бўлсада хиргойи килмасдан туролмасдим. Ҳаттоки, бир куни тахтачадан рубоб ясаб симларигача ўрнатиб чиққанман. Ўшандан куй чикаришга ҳаракат қилардим. Теварак-атрофимиз бепоён далалардан иборат бўлганлиги боис, ўша кенгликларда кўлбола "рубоб" им жўрлигида овозим борича кўшиқ куйлардим. Ўз кўшигимдан ўзим завқланиб, энг баланд пардаларгача овозимни борича қўярдим. Ўзимга келиб, атрофда биров бор-йўқлигига эътибор қилардим. Мендан зўр хонанда йўқ эди гўё.

Устоз санъаткорларнинг ижодларини берилиб тинглаб эдим, ўз ўрнида шу ашуларни куйлаб кўрардим. Бу эса санъатга бўлган иштиёқимни янада кучайтирарди. Қизлар билан "хола-хола" ўйинини ўзимнинг қизиқишларимга мослаштириб, сахна, ижрочи, томошабин бўлиб бўлиниб, ўйинлар ташкил қилардик. Ҳар бир ҳаракатим, интилишим қизиқишларимдан келиб чиқарди.

– Келажак режаларингиз...

– Мақом санъати ва миллий эстрада йўналишида бирдай ижодий фаолиятимни олиб бориш ниятим бор. Шунингдек, ўзбек мумтоз мақомчилиқ санъатининг ривожига, юксалишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Ўзбек мақом санъатини хозир дунё танийди. Унинг янги-янги жозибаларини кашф этиш, тингловчиларга етказиш асосий мақсадларимдан бири. Ашула айтиш билан бирга турли созларда куй чалиш сеvimли машғулотим. Ҳозирча дутор, рубоб, тор каби чолғу асбобларида эркин ижод қила оламан. Шу билан бирга пианинода ҳам куйларни чалишни ёқтираман. Келажакда бошқа созларни чалишни ҳам ўрганиб, бу соҳада ҳам юкори натижаларга эришмоқчиман.

– Орзуларингиз ижобатини тилаймиз!

Дилфуза суҳбатлашди.


Юртга давлат кўнар бўлса, бахши билан ўзон келур, деган гап бор халк орасида. Бу нақл халкнинг санъатга, ижодкорларга бўлган жуда катта хурмат-иззати, эҳтиромнинг хосиласи, бахосидир (ўзон – дoston ва термаларни ижро этувчи бахши-шоир).

Бахшичилик қадимдан икки дарё оралиғида яшаб келган аجدодларимизнинг бизгача етиб келган номоддий маданий меросларидан саналади. Бу санъат сўз, соз ва маҳоратни ўзида мужассам этади. Ўтган асрда яшаб ўтган истеъдодли бахши шоирлар изидан бориб, бугунги кунда ҳам ижод қилаётган бахши, жиров, оқину халфаларимиз халқимизнинг маънан бойиб, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида камол топишига сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда. Айниқса, мустақиллик бахши шоирларимиз ижодининг янада ривож топишига кенг имконият йўлларини очди. Хусусан, “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвони таъсис этилиб, муносиб номзодларнинг тақдирланиб келинаётганлиги, ёш бахши, жировларнинг “Нихол” мукофотига сазовор бўлаётганлари фикримизни тасдиқлайди.

Ҳар икки йилда бахшичилик санъати бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган “Бахши-шоир, оқин ва халфаларнинг анъанавий Республика кўриктанлови” алоҳида ўринга эга. Ушбу танлов, даставвал, вилоятлар миқёсида уюштирилиб, ғолиблар республика якуний босқичида ўзаро беллашишади. Қатъий дастур асосида ўтувчи бу кўрик-танлов бахши, жиров, оқину халфалар ижодининг умумий ҳолати, уларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқ кўрсатиб бериши, иқтидорли ёш ижодкорларни кашф этиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида бу санъатнинг ривож топаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ҳудудларда “Устоз-шоғирд” анъаналарининг давом этаётганлиги қувонарли ҳол. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Республика халқ ижодиёти ва маданий маърифий ишлари илмий методик маркази ташаббуси билан “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамда Хоразм вилоят ҳокимлиги, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида кўхна Хива шаҳрида ўтказилган “Бахши-шоир, оқин ва халфаларнинг анъанавий Республика кўрик-танлови” томошабинлар учун маънавий озуқа манбаи бўлди.

Тадбир давомида бахши-шоир, халфа, оқин ва жировлар иштирокида “Бахшичилик санъати ва давр” мавзуйида давра суҳбати ўтказилди. Фестивал



маданият ходими, ёзувчи Нормурод Норқобилов бахшичилик анъаналари давом этаётган ҳудудлардаги санъат йўналишига ихтисослашган ўқув масканларида, махсус бахши, халфаларни тайёрловчи синфларни ташкил этиш масаласи муҳимлигини, бу ишга устоз бахши-шоирлар, олимларни жалб этиб, дарслик ва қўлланмалар яратишга киришиш зарурияти пайдо бўлганлигини айтди.

Танловнинг якуний босқичида концерт дастури ҳамда ғолибларни диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирлаш маросими ўтказилди.

*Шомирза ТУРДИМОВ,
Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ*

Baxshi bilan o'zon keldi...

диёримизнинг ички туризмни ривожлантириш ҳамда вилоят сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида “UZBEKISTAN TRAVEL WORK SHOP” туристик ярмаркаси билан эш бўлиб кетди. Бахши шоирларнинг чиқишларини нафақат Хива аҳли, чет эллик меҳмонлар ҳам қизиқиш билан томоша қилишди.

Кўрик-танлов халқ ижодиёти санъатининг бугунги ҳолати, ютуқ ва камчиликларини баҳолаш имконини берди. Бу ўринда мутахассислар икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратишди. Бир бахшичилик санъатида анъанавий дoston ижросининг кўшиқчилик сари яқин келаётганлигини, бахши оҳанглариининг аста-секинлик билан ёддан кўтарилиб, кўшиқ йўналишига ўтиб кетиш хавфи туғилаётганлигини таъкидладилар. Устозлар ёш бахшиларга дostonчиликнинг анъанавий кўхна йўлларини кенг тарғиб қилиш чораларини излаш лозимлигини уқтиришди. Иккинчидан, бахши шоирлар репертуарининг янада бойитилиши, айниқса, мумтоз эпос намуналарини мукамал ўзлаштирган ижодкорларга кўпроқ эътибор қаратилиши таъкидланди.

Кўрик-танлов устоз бахши, жиров, халфалар қаторида иқтидорли ёшларнинг ҳам пайдо бўлаётганлигини намоёиш этди. Танлов дастурида термаларнинг “Ватан” ва “Мустақиллик” мавзусида бўлганлиги, анъанавий дostonларни ижро этиш, мумтоз эпосларимиз “Алпомиш”, “Тўрўғли” дostonларига урғу берилганлиги бахшичилик анъаналарининг изчил давом этаётганлигини кўрсатди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган

Yakson bo'lgan qit'alar



Hikoya

Агар ўшанда Қосим муаллим уларни кир яғринига бошлаб чиқиб, ўзича “очиқ дарс” ўтмаганида ва бу нарса болаликнинг энг нурли, энг тотли онлари сифатида йигитнинг хотирасида бир умрга михланиб қолмаганида эди, Шойдул деганлари ҳозир мактаб ҳовлиси адоғидаги доирасимон кенг ҳовлида лой кечиб юрмаган ва ўзининг бу хатти-ҳаракати билан пастак қоровулхонада тушки уйқуни дўндира, бу ёғига не эрмак топарини билолмай, туси ўчган энсиз эшик ёнида ҳардамхаёл қашланиб турган Ҳамидни безовта қилмаган бўларди. Ўзи айтмишли, ушбу даргоҳда бошига оппоқ қировни қўндириб, ими-жимида муаллимлик билан хайр-хўшлашиб, мактаб қоровуллигига ўтиб олган бу одам дастлаб андак малолланди, сўнг эса тўйқус хушёр тортиб, худди кутилмаганда ўлжага дуч келган мушукдай кўзлари чакнаб кетди.

Ким у – мактаб худудида эмин-эркин кетмон кўтариб юрган?!

Аксарият қоровуллар каби овозига зўр бермади, нега деганда ҳали бу касбнинг тўла ҳадисини олмаган – истиҳола қилди. Кейин йўқ ердан эрмак топилганидан қувонгандай, муаллимликдан мерос нимвикор табассумни юзига қўндирганча, қўллари ортда, бир-бир босиб, ўша томон юрди. Аммо йўл-йўлакай барибир қоровулчасига тўнғилади: “Бир оғиз сўраш йўқ-нетиш йўқ, нимаси бу, э!” Шу йил баҳорда кўтарилган девор бошидаги кемтиқларга кўз ташларкан, девор ортидаги тор кўча аҳлини кўз олдига келтириб, қизиқиши баттар кучайди: “Ким экан лойхонада лой чўқилаб юрган лойхўрак? Ё директор деворга уста солдимикан? Агар шундай бўлса, нега бундан менинг хабарим йўқ?” У шу хаёллар оғушида манзилга етаркан, берилиб ишлаётган Шойдулни танигач, хайрати баттар ошди.

– Эя, кемтиқларни бутлаш энди ўқитувчиларга қолдими, Шойдулвой?

– Қанақа кемтиқ, устоз, – йигитнинг чехрасида шогирднинг устозга нисбатан эхтироми акс этиб, кўришмоққа қўлини чўзаркан, қувноқ оҳангда гапда давом этди: – Мен... қитъа ва уммонлар рамзини яратаялман. Қаранг, лойхонадаги сув – уммонлар, қолдиқ лой уюмлар эса – қитъалар... Евроосиё ва Африка жойида, Шимолий

Америка ҳам ўз ўрнида, фақат Жанубий Американинг ярми билан Австралия йўқ. Ҳозир шуларни тикласам, кўрибсизки, ажойиб дунё харитаси тайёр-да, устоз.

Ҳамиднинг таажжуби ортгандан ортиб, бир лойка сув юзасида дўмпайиб турган қолдиқ лой уюмларига, бир тўпиғигача сувга ботган йигитга боқаркан, кўлидаги кетмоннинг ихчамлиги ва бежиримлигига ҳаваси келди, аммо бўғзидан бутунлай бўлак сўз сирғалиб чиқди.

– Қутблани нима қиласан?

– Уларни тиклаш кийин эмас.

– Кейин-чи?

– Нима кейин?

– Мактабда глобус уруғи қуриб битгандай, нима, дарсни шу лойхона бўйида ўтмоқчимисан сўғин?

– Балким...

– Бундай қилма қўрма, кулгуга қоласан...

– Нима қилай, кўнглим шуни истаяпти-да, устоз.

– Айтганча, директордан рухсат олганмисан? – дафъатан қоровуллиги эсига тушиб, Ҳамиднинг хиёлгина замзама қилгиси келди. – Ўзинг биласан, бунақа иш учун мактаб маъмуриятининг рухсати керак.

– Бугун якшанба... – Шойдулнинг энсаси қотди. – Эртан оларкан ўша зормандани.

– Хафа бўлдинг?!

– Йўғи-ий, устоздан ҳам хафа бўладими киши...

– И-и, устозлигимиз қоптими, – Ҳамид ўзича кўксини тўлдириб хўрсинган бўлди. – Мана, бир юмалаб қоровулга айланиб ўтирибмиз...

Шойдул унинг лоқайдлик тўнғиб қолган афтига таассуфла боқаркан, ўқувчилик даврини эслаб, табиатан муаллимликдан йироқ одам эдингиз, дарсдан кўра, давомат – болаларнинг тўлик келиб-кетиши кўпроқ қизиқтирарди сизни, Қосим домла айтгандай, ёниб яшамокка қурбингиз етмай, ҳўл ўтиндай писиллаб, мана, бир умрниям ўтказдингиз, дегиси келади. Бироқ андиша қилади, сиз биз учун умрбоқий устозсиз, дейди қайта ишга тутиниб. Бу гапдан Ҳамид ўзида йўқ масрурланади, сен энг зукко ўқувчиларимдан бири эдинг, келажакда сендан зўр одам чикишига ишонардим, дейди. Ҳолбуки, Шойдулни, “серсавол”, дея жини суймасди, умуман олганда, у касби,

касби қатори ўқувчи зотини ҳам ёқтирмасди – яшаш лозимлиги учунгина муаллимлик папкасини маҳкам қўлтиқлаб юришга мажбур бир одам эди. У нафақа ёшини интиқ кутиб яшади, нафақага чиқишим билан қайтиб мактабга қадам босмайман, юзига қайрилиб қарамайман, дея ичдан орзуларди. Йўқ, бу борада адашган экан – нафақа чиқиши билан ўртанча ўғлини қоровулликка расмийлаштириб, ўрнида ўзи ишлай бошлади. Бу ҳаракатини, болаларга ўрганиб қолганман, уларнинг шовқинисиз яшай олмайман, дея хаспўшлади.

Бироздан сўнг йигитнинг, унинг назарида, бу аҳмоқона иши, аниқроғи, ушбу ишга нисбатан бекиёс иштиёки секин-аста гашига тега бошлади. Бирор жўяли баҳона топиб, Шойдулнинг ҳаракатига монелик қилмоқ истаб бошлади. Қани энди, йигит лойхона лойини ташқарига ташмаласа-ю, йўлига кўндаланг бўлса, лой – мактабнинг мулки, жойига кўй, деса. У тирғалишга сабаб тополмагач, унинг ишидан камчилик кидиришга тушди.

– Бу... Шарқий Американг унча ўхшамабди.

– Ўхшатамиз, – деди хандақ тубидан лой сидириб Жанубий Американинг кемтик қисмини тўғрилайтган Шойдул. – Олдин кераклича лой тўплаб, нухасини тиклаб олай, пардоз-андозини кейин қиламиз.

– Африкани анча ўхшатибсан-у, лекин...

– Африка ҳам, Евроосиё ҳам айнан ўзи... – Шойдул лойхона четига турган харитага бирров кўз ташлаб кўяркан, бирдан қилаётган ишидан завки тошиб деди: – Уммону китъалар шундоқкина оёғинг остида ястаниб ётса, бундан зўри йўқ-да, устоз. Бу нарса ўқувчилар хотирасида, худди тошга битилгандай, абадий муҳрланиб қолади.

– Раҳматли Қосим домлага ўхшаб кетаяпсан...

– У кишининг таълимини олганмизда, устоз...

– Доим йўқ ердаги ишларни кип, мактаб маъмурияти билан қирпиқок бўп юрарди.

– Дарсниям зўр ўтарди...

– Мактаб қолиб, ўру қирларда дегин... – Ҳамид хириглаб, кунчиқишда юксалган қирга маънодор қараб кўйди. – Эси бор одам ҳеч замонда ҳам ўру қирда дарс ўтадим...

– Шойдул кетмонга суяниб, қир сари ғамнок боқаркан, беихтиёр ўша биринчи дарсни эслади. Ушбу сабоқ нафақат тафаккурига, балки тақдирига ҳам жиддий таъсир этгани, яъни бу йил олий ўқув юртини тугаллаб келиб, ўз мактабида устози ишини давом эттираётганини ўйлади.

Ўшанда у қирга ўйинқароқ бола сифатида кўтарилиб, қуйига ўйчан бола қиёфасида энганди. Бошда қирда ўтилиши кўзда тутилган бу дарсни бир ўйин деб билди. Саф бошида сўзланиб бораётган муаллимни ортда қолдириб, бир-икки олға интилди. Бироқ Қосим муаллим болаларнинг шаталоқ отмоғига изн бермади. Бу дарсни ҳам худди синфдагидек жиддий ўтди, теварақдаги қир-адирлардан кўрғазма сифатида фойдаланди. Сўнг бир томони юмронқозик инлари билан безалган чоғроқ дўнгликка жойлашиб ўтириб олди-да, бўлиқ майсалардан бирини юлкиб, уни ҳидлаган бўлди. Кейин ошиқмай, бир маромда сўзламоқда давом этди. Бироқ қани энди бу гаплар Шойдулнинг қулоғига кирса. У одоб сақлаб муаллимнинг оғзига тикилиб ўтирса-да, шу тобда ягона орзуси шу эди – қани энди, қирнинг энг баланд чўққисига югургилаб чиқса-ю, у ердан туриб сервикор тоғларни томоша қилса,

майсалар оралаб юрган анову тошбақалардан бирини қўлига олиб, қизларни чирқиратиб қувласа, ёнбағирликдаги кўм-кўк майсалар устида сирпаниб ўйнаса...

У шу орзу-ўйлар оғушида бетоқат ўтираркан, тўсатдан қулоғига ғалати гап-сўзлар чалина бошлади – во ажаб, кунчиқишда юксалиб турган анов чўнг тоғлар, улар тўшига бош қўйган манови бош-кеги йўқ қирлар бор-йўғи ернинг ғижимланган юза қисми экан. Замин қаърида мавжуд куч олдида тоғ деганлари хасдек бир гап – мабодо у ҳаракатга келар бўлса, чўнг тоғлар ўрнида уммонлар, уммонлар ўрнида эса тоғлар пайдо бўлиши тайин экан.

Бола Шойдул ваҳимага тушади – тоғ ва уммонларни кунпаякун қиладиган ўша даҳшатли куч нима экан? Ахир ер деганлари ўта тинч, ўта сокин-ку, мана, устида ҳар қанча ирғишласанг-да қилт этмай турибди-ку... Ия, гапнинг зўри ҳали бу ёқда экан-ку – ушбу ғижимлар, яъни тоғу тошлар бўлмаса, ердаги ҳаётнинг мавжудлиги душвор – замин теварагини чир айланиб эсадиган қандайдир бетизгин шамол ер юзидаги тирикликни йўқлик чоғига супуриб ташларкан. Яхшиям тоғлар бор экан. Тоғу тошлар уни жиловлаб, уммонлар эса, ўв, ўпкангни бос, деб тураркан.

Бола қишлоғи бийдек кенгликда эмас, қир пинжидан ўрин олганидан илк бора ўзида йўқ севишиб кўяди. Тоғларга эса чексиз эхтиром ила боқади.

У хотиржам тортиб, “эртак”нинг давомига қулоқ тутлади. Энди гап замин қаъридаги улкан оташ ҳақида борарди. Бола-пақир, худди уйларидаги қора темир печкада олов ланғиллаб ёнгандай, ер қаъри марказида ўт гуриллаб туришини ҳеч тасаввурга сиғдирилмади. Аммо ўша оташсиз ер, мисли қоятошдай, ўлик сайёрага айланишини эшитиб, ҳайратдан бола шўрликнинг эси оғай деди.

Улар даврасига нарида қўйларини боқиб юрган Зафар микти деган амаки келиб қўшилганди. У Қосим муаллимнинг сўл ёнида ёнбошлаб ётарди. Боланинг кўзи унинг юзидаги истехзоли табассумга тушиб, негадир энгил тортди – ана, Зафар амаки ҳеч нарсдан кўркмаяпти-ку! Бу орада Зафар микти тизза суяқларини шиқирлатиб, аста ўрнидан кўзғолди. Қосим муаллимга бошдан-оёқ бир кур кўз ташлаб чиқди-да, кета-кета деди:

– Ўтирик* .

– Ҳа, у тирик, – деди Қосим муаллим.

– Нима тирик? – Зафар микти юришдан тўхтаб, унга елкаси оша қаради.

– Ер... замин тирик!

– Лекин матал тўқишга жуда уста экансиз, домла, – деди Зафар микти кесатиб. – Ер дегани тошу тупроқдан иборат бўлса, қанақасига тирик бўлиши мумкин у? Бу камдек, гўё ичига тушиб чиққандай, ичи тўла олов дейсиз. Энди ёлғон ҳам эви билан-да, домла. Тилим бор деб ҳар нарсани сўйлаверадими одам?!

Қосим муаллим бахслашиб ўтирмади, хай, борақолинг, кўп вайсамай, дегандай бир қараб қўя қолди. Бундан Зафар миктининг жони чиқиб, диконлаганча қўйлари томон кетди. Ўша куни сабоқда боланинг яна билгани шу бўлди-ки, олис замонда бу ҳудудда на тоғ, қирлар бўлган – кенгликда уммон мавжланиб турган. Сўнг ернинг ички кучи ҳаракатга келиб, уммон тубидан тоғлар ўсиб чиқа бошлаган ва сувлик кунботиш томонга чекинган – шу-шу бадар кетган. Бола кунботиш томон боқади, кўз илғамас текисликда улкан сувлик мавжланиб ётганини ҳеч ақлига



Бадиий гимнастикага ихтисослашган Республика болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби 2011 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги Универсал спорт саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – 1608 қарори билан ташкил этилди. Ушбу мажмуа Республикада бадиий гимнастикани ривожлантириш, иқтидорли қизларни бадиий гимнастика билан доимий, фаол шуғулланишини таъминлаш, асосан қишлоқда яшайдиган қизларни спортга жалб қилиш, улардан ишончли терма жамоа шакллантириш мақсадида бунёд этилди.

Бадиий гимнастикага ихтисослашган Республика болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби мактабдан ташқари спорт ва таълим интернати ҳисобланади.

Айни пайтда бу ерда 1999 йилда туғилган 12 нафар қиз, 2002 йилда туғилган 12 нафар қиз республикамизнинг турли вилоятларидан саралаб олинди, улар билан машғулотлар олиб борилмоқда.

Нилуфар Шомуродова, Зулфия Йўлдошева, Фарангиз Шодиева, Комилабону Рустамова сингари ўқувчи-спортчи қизлар бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси стажёрлари ҳисобланади.

Бу йил спортчи ўқувчиларнинг яшашлари, шуғулланишлари ва овқатланишлари учун янги 4 қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Янги бинода спортчи қизларнинг ўз оиласи бағридагидек яшаб, шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.



Ўзбекистонимизнинг спортчи қизлари

Ўзбекистонимизнинг спортчи қизлари



сиғдиrolмайди. Шунга карамай, куйидаги кишлоқ болаларига раҳми келади, мабодо яна денгиз пайдо бўлар бўлса, улар каёққа кочади? У ўзи ўтирган кирнинг баландлигидан севинади, кафти билан ерни силаб-сийпалаб қўяди.

У ўтган hafta болаларни кирга олиб чиқишни хаёл қиларкан, унинг бағрида ўйнаётган чангни кўриб фикридан қайтди. Боз устига, кирнинг ўша қисмида кимнингдир суруви уялиб ётарди. Ҳа, кўкламнинг йўриғи бўлак, дея тагин ўша дарсни ўйлади. Сўнг харна яқин, дея кемтик ошиб, мактаб ховлисига тушди. Бу қилиғимни биров кўрмадимикан, деган ҳадикда қаршисидан чиққан лойхонани айланиб ўтаркан, бир синоатни пайкамай қолмади. Тўғри, аввалига эътибор бермади, кейин эса ундан нари кетолмай қолди. Аввалига, чиройли уйилган лойхонани кўрди, гирди силлик ва бир текис чопилган тўгарак хандакнинг шакл-шамойили бу ерда ғоятда уста лойкаш ишлаганидан дарак берарди. Миясига келган дастлабки савол шу бўлди, устаси ким бўлди экан бунинг? Сўнг сув юзасига чиқиб турган лой қолдиқларига эътибор қаратди, кишлоқ боласи эмасми, кетмон билан нари-бери чалпиб, икки қоп сомон ташласа, девор юзини сувашга зўр лой бўлади-да ўзиям, деб ўйлади.

Бир муддатдан кейин қаршисидан шунчаки лойхона эмас, дунё харитасининг чала нусхаси ястаниб ётганини фаҳмлаб қолди. Тасаввурига эрк бергани сайин, лойхона саҳнидаги китъаларни аниқ-тиниқ кўра бошлади. Ана, лойхонанинг юқори қисмида Евроосиё ястаниб ётибди, қуйи қисмидаги лой тўпи эса, худди қўйиб қўйгандай, Африка қитъасининг нақд ўзи. Агар Шимолий Американинг чала қисми бутланиб, Австралия қитъаси тикланса борми, дунё харитаси тайёр-да. У ўқувчиларига зўр совға қилмоқчи бўлди ва атай бугунни кутди...

У яратган дунё харитаси бир hafta мактабда шов-шув бўлди. Икки бор лойхона бўйида – дунё харитаси ёнида мароқланиб дарс ўтишга ум улгурди. Аммо олтинчи куни эшик қўққисдан очилиб, остонада ўқувчилардан бири пайдо бўлди.

– Муаллим! – деди у ховликиб. – Нурали уста ҳалиги... нима эди... лойхонани яксон қиляпти!

Шойдул лойхона бўйига ўчиб борди. Бу пайтда Нурали уста қўлидаги кетмон билан Американи яксон этиб, энди Африкага ўтган экан. Шойдул ўзини тутиб туролмади, лойхонага сакраб тушиб, устанинг гарданига бошлаб бир мушт туширди. Уста Тинч океан устига ағдарилиб тушаркан, типирчилаб барча уммонларни чайқатиб, ўзга китъаларни ҳам бузиб юборди. Шойдулнинг назарида у бутун оламни остун-устун қилиб юборди. Наридан эса девор кемтикларини тезроқ бутлашга директорни аранг кўндирган Ҳамид қоровул илжайиб турарди.

Oniy lahzaning mangu surati

Адабиёт оламида яратилаётган ҳар бир бадий битик ўзида ижодкорнинг маҳорати ва дунёкарашини акс эттиради. Бунда матннинг жозибдорлигини таъминлаган эстетик омиллар: тимсоллар тизими, персонажлар руҳиятини кўрсатишда қўлланилган усуллар, ифода тарзидаги ўзига хослик, тил хусусиятлари сингари жиҳатларнинг барчаси иштирок этади. Ўз-ўзидан асарнинг эстетик қиммати, миллий бадий тафаккур тараққиёти ва миллат эстетик онгини ривожлантиришдаги ўрни муаллиф шахси билан боғлиқ тарзда белгиланади.

Нормурод Норқобиловнинг “Яксон бўлган китъалар” ҳикояси маиший турмуш тарзини, оддий одамни тасвир объекти қилиб олган эса-да, бадийатни саклай билгани, асл адабиётни примитив даражага туширмагани билан диққатга сазовордир. Дастлаб одатий, таниш туюлган асар сюжети сўнроқ ўқувчи кутмаган ўзанга бурилади, фавқулодда хислати бўлмаган, бир хил яшаш ва фикрлаш тарзига эга Шойдул муаллим ва Ҳамид қоровулларнинг тўздан ниҳон кирралари, элдан кескин фақрли томонлари очилиб боради:

“Бир муддатдан кейин қаршисидан шунчаки лойхона эмас, дунё харитасининг чала нусхаси ястаниб ётганини фаҳмлаб қолди. Тасаввурига эрк бергани сайин, лойхона саҳнидаги китъаларни аниқ-тиниқ кўра бошлади. Ана, лойхонанинг юқори қисмида Евроосиё ястаниб ётибди, қуйи қисмидаги лой тўпи эса, худди қўйиб қўйгандай, Африка қитъасининг нақд ўзи. Агар Шимолий Американинг чала қисми бутланиб, Австралия қитъаси тикланса борми, дунё харитаси тайёр-да. У ўқувчиларига зўр совға қилмоқчи бўлди ва атай бугунни кутди...”

Мактаб деворининг кемтик жойини бутлаш мақсадида бино қилинган лойхона ҳикоя қахрамонлари табиатини кашф этиш ва англаш имконини беради. Агар шу лойхона бўлмаганида Шойдул муаллим ҳаёт тарзига четдан нигоҳ ташламаган, аллақачон қилиши лозим бўлган ўзгаришларга ботинмаган бўларди. Қосим муаллим болаликда қалбига жойлаб кетган билишга интилиш, жўнликдан, шунчаки яшаб ўтиш фожиасидан қочиш майли тўсатдан ўт олади. Ундан фарқли ўларок, иккинчи қахрамон – Ҳамид маънавий аъмолларга интилмади, ҳатто хуши йўқ, унга куннинг, қай йўсинда бўлса-да, ўтгани муҳим: *“ўзининг бу хатти-ҳаракати билан настак қоровулхонада тушки уйқуни дўндира, бу ёғига не эрмак топарини билолмай, туси ўчган энсиз эшик ёнида ҳардамхаёл қашланиб турган Ҳамидни безовта қилмаган бўларди. Ўзи айтмишли, ушбу даргоҳда бошига оптоқ қировни кўндириб, ими-жиммида муаллимлик билан хайр-хўшлашиб, мактаб қоровуллигига ўтиб олган бу одам дастлаб андак малолланди, сўнг эса туйқус хушёр тортиб, худди қутилмаганда ўлжага дуч келган мушукдай кўзлари чақнаб кетди”*. Вақтни ўлдириш билангина банд бу одам лойхонада ер китъаларини ясағунига қадар Шойдул муаллимга айтарли эътибор бермайди. Одатий бўлмаган юмушга қўл ургани ҳамон бу икки қахрамон ўз-ўзидан икки кутбога айрилиб қолишади. Ҳамиддаги бу ғайрилиқнинг боиси – унинг бир маромга тушган, туссиз, хира, мақсадсиз яшаш тарзига дахл қилинди. Буюрилмаган, тайинланмаган юмушни бажариш нима учун кераклигини тушунмаган, бунга интилиб ҳам ўтирмаган Ҳамид учун Шойдул муаллим бекорчи, ҳатто нодон одам: *“Айтганча, директордан рухсат олганмисан? – дафъатан қоровуллиги эсига тушиб, Ҳамиднинг хиёлига замзама қилгиси келди. – Ўзинг биласан, бунақа иш учун мактаб маъмуриятининг рухсати керак”*. Айнан ўзига ўхшамагани,

дунёкарашига тўғри келмагани туфайли муаллимнинг ишига халал бергиси, уни тўхтагиси келади: *“Бироздан сўнг йигитнинг, унинг назарида, бу аҳмоқона иши, аниқроғи, ушбу ишга нисбатан беқиёс иштиёқи секин-аста гашига тега бошлади. Бирор жўяли баҳона топиб, Шойдулнинг ҳаракати га монелик қилмоқ истай бошлади. Қани энди, йигит лойхона лойини ташқарига ташмаласа-ю, йўлига кўндаланг бўлса, лой – мактабнинг мулки, жойига қўй, деса. У тирғалишга сабаб тополмагач, унинг ишидан камчилик қидиришига тушиди”*.

Ҳар бир одамнинг кўздан яширин олами бўлади. Тиркичилик ташвишларига кўмилиб кетганидан ўзгаришларга интилимлай ҳам қўйган кишида ҳам нафақат жисмоний, балки кўнгил эҳтиёжларини-да қондириш зарурати, қачонлардир, туғилади. Зотан, кўнгил билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас, бу одамни инсонийлик мартабасидан йироқлаштираверади.

Ҳикоя билан танишилаётганда, қахрамонлар хатти-ҳаракатлари уларнинг характер мантиғига жуда мувофиқ келгани диққатни тортади. Шойдул ва Ҳамид китъа барпо этила бошлангунига қадар ўз иллатию фазилатига эга эл қатори одамлар саналарди. Лойга муносабат бу иккисининг моҳиятини, асл кифёсини майдонга олиб чиқди. Дағал ва куруқроқ туюлган Шойдул муаллимнинг ниҳоятда ҳассос, орзуманд, бироз ҳаёлпарастроқ покиза кишилиги; кўнгилчан, бировга ёмонлиги йўқ пири бадавлат таассуротини берган Ҳамид қоровулнинг эса ичи тор, ўзгаларга халал бериб, камчилик топиб роҳатланадиган, майдагап одамлиги аёнлашади. Нафақага чикқунича муаллимлик қилган, Шойдулни бошқалардан ҳам яхшироқ тушуниши мантиқан тўғри бўлган бу қахрамонда ўз манфаатидан бўлак ўй йўқ. Шу боис қилган ва айтганларидан афсус чекмайди, бошқалар кўнгил, ҳаттоки тақдирига қилмишлари таъсирини ўйламайди, ўзидан бўлак кадрияти йўқ. Образларнинг гап-сўзлари, қилиқлари, фикрлари уларнинг саъжияларига мувофиқлиги, рухий жихатдан асосланганлиги ҳикоя қийматини оширади.

“Яксон бўлган китъалар” асари тўлиғича инсон кўнглига, унинг орзу-истакларига бағишлангандир. Нормурод Норқобилов Шойдулни ҳам, Ҳамидни ҳам, китъаларни бир оғиз буйруқ билан буздиришга қодир мактаб директорини ҳам ўқувчига маҳсус тайёргарликсиз тақдим этади, китобхон уларни воқеалар жараёнида таниб-билиб бораверади:

– Бу... Шарқий Американд унча ўхшамабди.

– Уммону қитъалар шундоққина оёгинг остида ястаниб ётса, бундан зўри йўқ-да, устоз. Бу нарса ўқувчилар хотирасида, худди тошга битилгандай, абадий муҳрланиб қолади.

– Раҳматли Қосим домлага ўхшаб кетаяпсан... Доим йўқ ердаги ишларни қип, мактаб маъмурияти билан қиртичоқ бўп юрарди.

– Дарсниям зўр ўтарди...

– Мактаб қолиб, ўру қирларда дегин... – Ҳамид ҳиринглаб, кунчиқшида юксалган қирга маънодор қараб қўйди. – Эси бор одам ҳеч замонда ҳам ўру қирда дарс ўтадимми...”

Ҳикояни ўқиётган китобхон ҳеч кимга ўхшамаган алоҳида ШАХС бўлиш, кўнгил етовига юриш аслида у қадар ёқимли ва осон эмаслиги, атрофдагилар қолипига сигмаслик кишини жуда ёмон, нохуш вазиятларга солиб қўйишидан бохабар бўлади: *“У яратган дунё харитаси бир ҳафта мактабда шовишув бўлди. Икки бор лойхона бўйида – дунё харитаси ёнида мароқланиб дарс ўтишгаям улгурди. Аммо олтинчи куни эшик қўққисдан очилиб, остонада ўқувчилардан бири пайдо бўлди.*

– Муаллим! – деди у ҳовлиқиб. – Нурли уста ҳалиги... нима эди... лойхонани яксон қилапти!”

Китобхон ҳикоя орқали ҳаёт рангларга ғоятда бой ва кўп таркибли, бешафқат эканлиги, яхшиликнинг йўлини тўсиб, ёмонликка жуда кўп имкон беришини ўрганади. Шу билан бирга ўзида элнинг яхшилари қаторидагина бўлишга кучли рағбат сезади.


Асарда одамнинг жуда мураккаб ативорли экани, ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам қутмаган қарорларни бир онда қабул қилиб, бир изда кечаётган ҳаёт маромини кескин ўзгартириб юбориши акс этган: *“Шойдул лойхона бўйига учиб борди. Бу пайтда Нурли уста қўлидаги кетмон билан Американи яксон этиб, энди Африкага ўтган экан. Шойдул ўзини тутиб турулмади, лойхонага сакраб тушиб, устанинг гарданига боплаб бир мушт туширди. Уста Тинч океан устига ағдарилиб тушаркан, типирчилаб барча уммонларни чайқатиб, ўзга қитъаларни ҳам бузиб юборди. Шойдулнинг назарида у бутун оламни остун-устун қилиб юборди. Нариди эса девор кемтикларини тезроқ бутлашга директорни аранг кўндирган Ҳамид қоровул илжайиб турарди”*.

Нормурод Норқобилов ҳикояда инсон руҳиятининг инжа билимдони сифатида намоён бўлган. Муаллиф одамзот жуда ўзгарувчан ҳилқат экани, ўтаётган ҳар бир сония уни ўзгартириши ва шу боис у билан рўй берган оний ҳолат асло қайтарилмаслигини яхши билади. Инсон ҳаётида бир мартагина бўй кўрсатиб, йўқ бўлувчи кайфиятни ушлаб қолиб, жуда чиройли ҳикоя яратди. Зотан, умр йўли бир марталик оний туйғулар етовида қабул қилинган қарорлар асосида қурилади. Шойдул муаллим ҳам тасодифан китъаларга ўхшаб қолган лойхонага кўзи тушгунига қадар одатий яшаб юраверган, балки нафақага ҳам чиқиб кетган бўларди. Аммо лойхона ундаги ўзгача бўлиш, болаларда ҳам кундалик турмуш тарзидан балан бўлган туйғуларни уйғотиш истагини китиклаб қўйди. Ўзини зиёли санаб юрган, жиддий сабабсиз муштлашишники ҳаёлига ҳам келтирмаган муаллимнинг Нурли устага ташланиши барча қатори ўзи учун ҳам қутилмаган ҳол. Хайфсан олиши, обрўсига путур етиши, одамлар кулгусига қолиши, балки, ҳатто ишидан ҳам айрилиши мумкинлиги Шойдулни илгари кескин қарорлардан бир неча марта тўхтатиб қолгандир. Аммо бу сафар болалик ҳайрати, қизиқиши уни бу оқибатлардан кўз юмдирди. Зотан, Шойдул бола пайтида оламга ўзгача нигоҳ ташлаш бахтига муяссар бўлганди: *“Ушанда у қирга ўйинқароқ бола сифатида кўтарилиб, қўйига ўйчан бола қиёфасида энганди”*. Бола пайтида Қосим муаллим табиат қўйнида дарс ўтмаган, тоғу тошлар, ер қуррасини буткул ўзгача тушунтирмаганида Шойдул бир мартагина бўй кўрсатган, ўтиб кетганига жуда узок вақт бўлган туйғуни бундай кадрламаган, географик маълумотларни унутиб юборган, бошқа касбни танлаган бўларди.

Санъатнинг вазифаси – ўткинчи лаҳзани мангулаштириб қўйишдан иборатдир. Бошқа такрорланмаслиги, демакки, ягоналиги билан ҳар қандай туйғу бирдай қимматга эга. Муаллиф ҳикоя мобайнида мазкур вазифани тўла удалай олган. Асарни ўқиб тугатган киши кўнглида бир қатим нур, Шойдул муаллимдан улгу: орзу-умид, интилиш, армонни ушатиш истаги, бунга журъат, фавқулоддалик пайдо бўлади. Ҳикоя тили бадий жозобага эга, қўлланган тасвирий воситалар ўринли ва яхлит манзара яратишга хизмат қилган, воқеа айни жойида тугалланган. Китобхон маза қилиб ширин таом еяётганида тугаб қолган киши ҳолига тушади. Бу эса фақат асл санъат асарларига хос хусусиятдир.

Жалолбек

O'zbekiston telekanallarida jahon kinosi



Жаҳон киноларини Ўзбекистон телеканалларида намоиш этиш масаласи кенг қамровли бўлиб, шу пайтга қадар тадқиқ этилмаган. Чет эл фильмларини ғоявий, маънавий, ахлоқий жиҳатларига кўра танлаш, турли тоифа киномухлислар томонидан қабул қилиниши ҳамда уларнинг турли ёшдаги томошибинларга таъсири масалалари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, жаҳон киносининг ёшларга таъсирини ўрганиш масаласи эътибордан четда қолган. Чунки ҳар қандай одоб, ахлоқ, қонда ва қонунларга қарши борувчи ҳаракатлар ва зўравонликни тарғиб қилувчи тасвирлар ҳавас қилишга мойил ёшларнинг юриш-туришларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу мақола шу ва шунга яқин муаммоларга жавоб топишга ҳамда миллий телеканалларда жаҳон киносининг ўрнини имкон қадар таҳлил қилишга бағишланган.

Телевидениемиз бунёд бўлган кундан бошлаб, мураккаб эволюцион йўлни босиб ўтиб, ҳозирги кунда турли тоифадаги томошабинларнинг ҳаёт йўли, фикр доирасини шакллантира оладиган, ахлоқий, эстетик таъсир кўрсата оладиган қудратли воситага айланди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши киносанъат ва телевидениенинг ривожига муҳим ўрин тутди. Сўнгги йигирма йил ичида ҳукуматимиз томонидан бир қанча муҳим қарорлар ишлаб чиқилдики, бу қарорлар натижасида миллий кинематография ва телевидение сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиб, “O’zHD”, “Маданият ва Маърифат”, “Дунё бўйлаб”, “Болажон” каби янги телеканаллар иш бошлади.

Телевидение бошқа оммавий ахборот воситалари қаторида маданий кадриятларни, маънавий ўзига хосликни, миллий ўзликни англашни, санъатни тарғиб этадиган, дунё ҳақида индивидуал тушунча пайдо қиладиган механизмдир. Ушбу механизмнинг таркибий қисмларидан бири кино ҳисобланади. Миллий ўзига хослигимизни сақлашда жаҳон кино маҳсулотининг ўрни ва аҳамияти белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Зеро, чет эл кинолари телевидениемиз

дастурларидан аллақачон мустақам ўрин эгаллашга ва томошабинларга ўз таъсирини ўтказа олишга улгурди.

Ўзбекистон телеканалларида намоиш этилаётган чет эл кинолари орасида АҚШ, Англия, Франция, Германияда ишлаб чиқарилган фильмлар кўпчиликти ташкил қилади ва бу табиий ҳол. Чунки бу давлатлар, айниқса, АҚШ фильмлари жаҳон кино бозорида юқори мавқега эга.

Бугунги кунда, айниқса, Ҳолливуд кинолари оммабоплиги, кино ишлаш жараёнида сценарийдан монтажгача бўлган барча жараёнга катта аҳамият берилиши, фильмлар жанрининг хилма-хиллиги, ижодкорларнинг юқори савияси ва бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича дунё кино саноатида етакчи ўрнини эгаллаб турибди. Шу билан бирга Ҳолливуд кинолари камчиликлардан ҳам холи эмас. Баъзан сценарийдаги ғояларнинг соддалиги, киносининг бозорбопликка интилиб зўравонлик билан бойитилгани сезилиб туради.

Ўзбекистон телеканалларида чет эл кинолари кўпайиб бормоқда. Улар орасида бадийлардан ташқари хужжатли, илмий-оммабоп фильмлар ҳамда сериаллар ҳам бор. Таҳлил шуни кўрсатадики, аудитория талабларидан, узатиш шаклидан келиб чиқиб, ҳар бир телеканал ўз мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб, кино танлаш ва намоиш этиш имкониятига эга. Кинонамоишлар таҳлили баробарида ҳар бир телеканалнинг киномухаррирлари билан суҳбатлашиб чиқдик ва чет эл фильмларини танлаш, монтаж ва дубляж жараёнидаги ўзига хос томонларни кашф этдик.

“Ўзбекистон” – биринчи миллий телеканал. Бу телеканалнинг Кинодастур ва тезкор дубляж студияси бош муҳаррири Қувондиқ Сиддиқов студия ходимлари иш олиб борадиган асосий йўналиш ҳақида шундай дейди:

– Биринчи миллий телеканалнинг мавқеи ўзимиз ҳамда чет эл кинолари намоишида, монтаж ва дубляждан тортиб, эфирга узатишгача бўлган барча жараён катта масъулиятни талаб этади. Биринчи

навбатда, биз менталитетимизга, ўзлгимизга мос келадиган, умуминсоний кадрятларни очиб берадиган, юқори савияда олинган фильмларга ўрин ажратамиз. Майиший муаммоларга, саргузаштларга, драма ва мелодрамаларга, хуллас, оила даврасида кўриш мумкин бўлган фильмларга катта эътибор берамиз. Айнан шунинг учун ҳам бизда дам олиш кунлари оила аъзолари жам бўлган пайтда кино намоиш этиш йўлга қўйилган бўлиб, бунда кўпрок жаҳон классик фильмлари намоиш этилади. Томошабинлар талаб ва кизиқишларини ҳисобга олиш, қулай тарзда узатиш бўйича доимий равишда фаол иш олиб борилади.

“Ёшлар” телеканали ўз номидан келиб чиқиб, ёшларга мўлжалланган.

– Ёшларимизга энг яхши жаҳон кинонамуналари асосида умуминсоний ва миллий кадрятлар муштараклигида тарбия беришимиз лозим, – дейди телеканал Киноузатиш студияси бош муҳаррири Ақтам Бердиёров. – Канал ёшларга мўлжалланганми, демак, унда чуқур ғоявий мазмунга эга бўлмаган кўнгилочар фильмлар намоиш этилиши мумкин, деган тушунча мавжуд. Биз эса бошқача йўл тутганмиз. Асосан умуминсоний кадрятлар ёритилган тарихий ва ватанпарварлик руҳидаги жаҳон классик фильмларини намоиш этамиз. Масалан, ғарбда оила бузилиши муаммо эмас ҳамда бу масала замонавий фильмларда кўп ёритилса, бизда аксинча, аҳил ва мустаҳкам оила ғоясига катта эътибор берилади. Биз бу ғояни ёшларимизга етказиш мақсадида уларга фойдали ва бирор янги озуқа бера оладиган ғоявий, бадиий жиҳатдан бой фильмларни узатишга ҳаракат қиламиз.

– Бизнинг телеканал пойтахт ва пойтахт вилояти томошабинлари учун мўлжалланган – дейди Киноқўрсатувлар студияси бош муҳаррири Феруза Ҳидоятлова. – Бирок бугунга келиб, бизнинг телеканалимизни бошқа вилоятлар ҳам томоша қилмоқда. Биз чет эл фильмларини тунда, ўзимизнинг дубляж студиямиз бўлмаганлиги сабабли рус тилида намоиш этамиз. Фильмлар танлашда уларнинг ахлоқий томонига, халқимиз менталитетига салбий таъсир кўрситиши мумкин бўлган жиҳатлари йўқлигига эътибор берамиз. Кечки ва тунги намоишлар катталар учун мўлжалланган. Кундуз кунлари ўзбек тилидаги фильмлар, мультфильмлар, телерадиокомпаниямиз архивидаги сериалларни эфирга узатамиз.

“NTT” кўп тармоқли телеканал. Ушбу телеканал кундалик намоишларида ўзимизнинг кинони ҳам, жаҳон киносини ҳам бир маромда узатади. Киноқўрсатувлар студияси редактори Бахтиёр Каримов: “Вақтдан ортда қолмасликка ҳаракат қиляпмиз. Томошабинлар талабларидан келиб чиқиб, жаҳон киносининг сўнгги янгиликларини узатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Чет эл кинофильмларини намоиш қилишдан олдин катта ҳажмдаги ишлар олиб борилади. Бу ишлар асосан, телетомошабинларимизга мослаштириш, товуш устида ишлаш ва бирламчи таҳририй кўриқларни ўз ичига олади”-, дейди.

Ўзининг “ТВМда ҳар куни байрам!” шиориға



мувофиқ, ТВМ ижодкорлари телетомошабинларига доим яхши кайфият улашиш ҳаракатида. Ёш томошабинлар тарбияси борасидаги масъулиятни унутмай, катта ёшдагиларнинг талабларини ҳам кондириш мақсадида Киноқўрсатувлар студияси муҳаррири Элмира Ҳасанова жаҳоннинг энг сара, кўплаб совринларга сазовор киноларини намоишга тайёрлайди.

– Бизнинг бир ҳафталик киноқўрсатувлар тизимига эътибор берсангиз, режаларимиз аниқ тизимга эга эканини кўрасиз, – дейди Э. Ҳасанова. Дам олиш кунлари телеканалимизда оила даврасида кўриладиган ёки болаларга мос фильмлар, барча ёшдагиларга манзур бўладиган асарлар намоиш этилади. Тунги намоишларда бирор блокбастер тақдим қиламиз.

Тахлилларимиздан кўриниб турибдики, Ўзбекистон телеканалларида жаҳон киносининг намоиш этилишида умумий ҳамда фарқли жиҳатлар мавжуд. Умумий жиҳатлар умуминсоний кадрятлар ва жаҳон цивилизацияси ютуқларини оммалаштириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда юқори ахлоқий тамойиллар руҳида тарбиялаш, халқимиз турмуш тарзи, миллий дунёқарашига мослиғи, замонавий, замон кишисининг ички дунёсини очиб берувчи фильмлар намоишига аҳамият берилишида намоён бўлади. Шулардан келиб чиқиб, жаҳон киносининг телеканалларимиздаги ўрни ҳақида қуйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон телеканалларида намоиш этилаётган фильмларнинг 50 фоиздан ортиғини чет эл фильмлари ташкил қилади (“NTT”дан ташқари). Бу мамлакатимиз телетомошабинлари орасида хориж фильмларига талаб кучли эканлигини билдиради. Иккинчидан, барча телеканаллар ходимлари томонидан чет эл фильмларини телетомошабинлар, яъни аҳоли дидига мослаш бўйича мунтазам иш олиб боришмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, томошабинларимиз жаҳон киноси дурдоналари билан танишиб бормоқда.

Элеонора ҒАНИЕВА

Shodlik – inson qalbin osoyishgohi

(Расул Ҳамзатов таваллудининг 90 йиллигига)

Доғистон марказидан узоқ тоғ кишлоғида умргузаронлик қилган, аварларнинг забардаст шоири Расул Ҳамзатов 1923 йилнинг 8 сентябрида Цадаса оиласида дунёга келди. У овулидаги тўлиқсиз ўрта мактабни битириб, Бўйноқ педагогика билим юртида ўқишини давом эттирди. Уни тугатгач, олдинма-кетин: овулида ўқитувчилик, халқ театрида артистлик, республика газетасида ходим сифатида фаолият олиб борди. Ёшлигиданок шеърятга берилган Расул Ҳамзатовнинг биринчи китоби, у энди йигирма баҳорни қаршилаганида, “Доғистон” нашриёти томонидан чоп этилди.

1945 йилда Москвадаги Горький номидаги адабиёт институтига ўқишга кирди. Ўша даврда рус тилини мукамал ўзлаштирмаган Расул учун олийгоҳда ўқиш осон кечмаса-да, у тиним билмай меҳнат қилди. Ўта тиришқоклиги билан бошқалардан ажралиб турган 22 ёшли йигит рус шеърятининг классиклари ва жаҳон адабиётининг забардаст ижодкорлари асарларини кунт билан ўрганди. Олинган сабоқ ва авар фольклори, миллий назм тароналарини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда ўзига сингдирган шоирнинг “Тоғ кўшиқлари”, “Мен туғилган йил”, “Менинг қалбим тоғларда” каби шеърини тўпламлари бирин-кетин ихлосмандлар ҳукмига ҳавола этилди.

Расул Ҳамзатов асарлари кечаётган давр, табиат ва у билан чамбарчас боғлиқ ҳаёт силсилалари исқанжасида жон олиб, жон бераётганлар ҳамда фақат уларгагина хос инсоний яшаш тартибини англаш учун изма-из бадиий палитра чизаётганини ҳис қилиш мумкин.

Шоир шеърятининг қуввати – ижодининг бошидан охиригача, ўзаро

тенглик ва инсон кадрини улугловчи миллий тароналарга содиқ қолганлигида. Ҳақиқатан ҳам, Расул оғанинг бирор бир асари йўқки, унда Доғистон халқининг миллий маданияти, тоғ табиати, тоғлилар урф-одатларию феъл-атвори ўз аксини топмаган бўлсин.

Ватанни чин дилдан севмоқ ва ундан завқ олиб яшашдек, ҳар бир тирик инсон учун фарз ҳисобланган фазилат улугворлигини тараннум қилган шоир деярли барча асарларида бу туйғу яшашнинг асосий мезонларидан бири эканлигига урғу бераркан, уни кўплаб қиёфаларда ўқувчи онгига етказиш йўллари топди.

Элининг содиқ фарзанди Расул оға учун азизу бетакрор бўлган юрти, она тилини бутун имконияти даражасида куйга солиб, мадх этган асарларини ўқиган ҳар бир ўқувчи уларда узукнинг бебаҳо кўзи ҳисобланмиш инсон заковатини шеърга солиш киёмига етказилганидан баҳра олади, уларнинг ҳар саҳифаю ҳар бобида, шоир тавсифидаги табиат ранг-баранглиги – гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланиш ва бу каби сезгилар орқали нафосат олами билан инсон тириклиги яхлит мужассам неъмат эканлигига имон келтиришдек калом битилганидан ҳаяжонланади, шавққа тўлади.

Саҳий табиат теварак-атроф, қир, дала, адиру ўрмон, тоғ ва текисликларга бир хил шароит инъом этмагани азалдан маълум. Тоғликлар феъл-атвори ҳам ўша шароитга яраша. Кўпинча, тоғ шароити шакллантирган тоғлилар кўнглини, дийдаси қаттиқ одамларга менгашади. Шу сабаб улар ўғлонларининг ҳар қандай ҳолатда ҳам йиғи-сиғига берилишларини кўпам маъқулламайдилар. Расул оға шеърларининг бирида эркаклар йиғисига тўхталиб, бундай ҳолат уларда дуч келадиган хушнуд ва қайғули дамлар инъикоси эканлигини моҳирона тавсифлайди.

Ажойиб бадиий нафосат оламига бошловчи шоир дostonларидан бири “Беш бармоқ”дир. Беш бўлимдан иборат бу дostonнинг ҳар бўлимида инсонлар учун оддий санок вазифасини ўтовчи сонлар ўқувчини ўзига ром қиладиган даражада “тилга кириб”, одамлар кундалик турмушида кўплаб учрайдиган ходисаю ажойиботларни шаклан бадиий, мазмунан уларга хос бўлган хусусда ифодалашга кўчадиларки, муаллифнинг бу борадаги маҳоратини тан олмасликнинг иложи йўқ.

Расул оға ўз замонининг жаҳонгашта шоирлари сирасидан. Уни кўплаб давлатлар шеърят аҳли тириклигида кўриш ва у билан танишиб, фикр алмашиш иштиёқида таклиф этганлар.

Расул оға ҳар қандай жамият халқ хўжалигида учрайдиган баъзи бир майда-чуйда камчиликларни кўравериб дийдаси қотган ва уларни бартараф қилишга лоқайд фуқаролар хусусида фикр юритаркан, уларга қарши ўлароқ инсонлар яхшилик қилиш, дўст-ёр орттириш орқали камолотга тезроқ етиши ва шу тариқа ўз ҳаётларини замон талабига мослашларига даъват қилди.

*Дўстлар, худо ҳақи, сўрайман сиздан
Яхшилик қилишдан уялмангиз ҳеч
Жумлаи жаҳонда кўпмас дўсту ёр,
Дўстни йўқотишдан қўрқинг, эрта-кеч.*

ЗАМОН

Замон... қояларга туширар ажин,
Тогни яралайди, шиддатли селдай.
У ҳатто сўлдирар эркаклар важин,
Букар белларини, вақтин билгандай.

Булутдан ҳам баланд ўтлоқни майин
Кўкатга буркаган ҳам ўша замон.
Бирдан кўзёш бўлиб, нордони тайин
Бетим узра сизган ҳам ўша замон.

Цовкраликка* қараб: йиқилмасмикан? –
Дедим, дорда юрмоқ оғир машғулот.
Замон мени ўша дорбозли макон
Аҳлидай туйганин сезаман бот-бот.

Тулки думиданмас супурги мисол,
Оёқ изларимиз супурар замон.
Аммо яна хазон япроқлар узра
Баҳор алангасин ёққуси ўрмон.

Соатлар занг урар, тинмайин дўнса,
Шодлик – инсон қалбин осойишгоҳи.
Қанийди, у соат милига қўнса!
Ғам-чи... сония-ла мингашса, гоҳи.

МЕНИНГ ЁШИМ

Ҳануз ҳавасдаман, йигитларга хўб,
Эгарга ётишиб, отда елсалар!
Тунда-чи, қизларнинг уйқусин бузиб,
Дераза олдида куй куйласалар.

Урушни эслатар от суришлари
Барча ҳодисадан менга муҳимроқ.
“Тўхтанглар!” деярди кўнглим гашилари,
“Ҳамдам қилинг!” дея қичқирдим, бироқ...

Шоввозлар ортида бурқирарди чанг,
Мен эса нотафон, ўз қайғум билан,
Инида кечгача ёлғизлаб қолган
Бургут жўжасига ўхшардим, тамом.

Кўпинча кафтимни кўзга соябон
Қилганча, кутардим уларни кун бўй.
Ўтар лип-лип ойлар, отлар чопагон,
Сезмасдим чанг-тўзон, турардим шу кўй.

Эгар босишганда янги авлодлар,
Бўлса-да, сочим оқ, танам вазминроқ,
Ҳамон қичқирардим: “Олиб кетинглар!
Илтимос, кетмангиз мендан кўп йироқ”.

Кутмасдилар ҳечам, тортиб юганни
Елардилар қилиб, хўшни насия,
Қолардим мен қумда денгиз тўлқини
Гўё сургандайин, мисли пайраха.

Дердилар: “Лозимми, сенга қиялик
Узра от солмогинг илқис сўқмоқдан?
Муҳтарам зотсан-ку, оқарган сочлик,
Ўтда иситсанг-чи, тананг ҳар ёқдан!”

О, ёшлик, наҳотки сен меҳмон эдинг,
Мен думбул билмабман дамларинг қадрин.
Энди ўчоқ олди бўлдим ерим,
Наҳот шаитим сўнди, жудоман зардин?

Мен ҳали ҳушдаман, қўрс бўлганим йўқ,
Майли, эгмасам-да, тақани қўлда.
Тогли малакларга куйлағум қўшиқ,
То хўроз уч бора қичқиргунича.

Ишонинг, қаримас барча қазодор,
Гар инсон шоирки, унинг одати
Туғилгандан у, то қазоси қадар,
Ёшлиқдан ўзга бир йўқ саодати.

Барча, бор авлодга қурдошман ҳануз,
Қачонлар тушундим – ёшдамас кулфат.
Қўшиқ ёзарканман, тинмайин ҳар рўз,
Демак, йигитчаман абадулабад.

Русчадан Эгамберди МУСТАФОЕВ
таржимаси.

*Цовкра – Догистондаги донги кетган дорбозлар овули



O C H K O' Z L I K N I N G

OXIRI VOY

Qadim zamonda bir chumoli bo'lgan ekan. U tinim bilmay ishlar, soya-salqinda rohatlanib dam olish nimaligini bilmas ekan. Shuning uchun uning ombori hamisha don-dun bilan liq to'la bo'larkan. Chumoli omborining donga to'la bo'lishini hayotidagi eng muhim narsa deb bilarkan.

Kunlardan birida bir sichqon chumolining don to'la omboridan xabar topibdi. Shu ondayoq hiyla bilan uni uyidan uzoqlashtirish rejasini tuzibdi. Ertasiga odatdagidek chumoli don yig'ish maqsadida ko'chaga chiqibdi-yu, sichqonchaga duch kelibdi. Sichqoncha yo'l bo'yida yotib olib o'zini o'tobda isinayotgandek tutibdi. Unga ko'zi tushgan chumoli:

– Yozning yog'in-sochinsiz kunida omborlaringni to'ldirish o'rniga yotishingni qara. Undan ko'ra mehnat qilsang bo'lmaydimi, – deb tanbeh beribdi.

Sichqoncha o'zini uning gaplariga e'tibor bermayotgandek tutib debdi:

– Mana shu tog'ning narigi tomoniga o'tsang, boshqlari pishib yetilgan bug'doyzorga duch kelasan. Bilmadim, u yerning odamlariga nima bo'lgan. Yetilib pishgan hosilni tashlab o'zlari allaqayoqlarga ketib qolishibdi. Necha kundan buyon o'sha bug'doyzordan don tashib omborlarimni to'ldirdim. Endi ortiqcha don to'plashga joyim ham qolmadi. Senga maslahatim bu yerlarda mashaqqat chekib vaqtini behuda sovurguncha, tog'ning ortidagi bug'doyzorga bor. Bunda bir oy ishlab topganingni, u yoqda bir kunda yig'ishtirib olasan.

Bu gaplarni eshitgan chumoli don to'la omborini ham unutilib yo'lga tushibdi. Sichqon esa uning ochko'zligidan, buning ustiga shunday kichik jussasi bilan tog'ning u tomoniga o'tib don yig'aman, deb xomtama bo'lganidan foydalanib chumolining omboriga hujum qilibdi.

Chumoli bo'lsa shu ketganicha begona joylarda mashaqqat chekib, turli hasharotlar hujumidan o'zini himoya qilolmay halok bo'libdi. Alqissa, donolar bejiz ochko'zlikning oxiri voy demaganlar.

Hidayat OLIMOVA

QO‘SHIQ KUYLAGAN BOLA

Кўшиқ – кўнгил зийнати. Мусиқа калбга оройиш бериб, оханг кўнгилнинг туб-тубидаги хисларни уйғотади. Бунда қандай мусиқа эшитиш, охангга нисбатан дидни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, эндигина дунёқараши шаклланаётган болалар, ёшлар дуч келган мусиқани санъат асари сифатида қабул қилишади ва ҳар хил кўшиқларни куйлаб, жўр бўлиб кўришга ҳаракат қилишади. Айни шу масалада мутахассис иштироки жуда муҳим. Болаларнинг мусиқий дидини шакллантириш, ўзларига хос ва мос ашулалар ўргатиш, ўрни келганда кўшиқ билан тарбиялаш хусусида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада узок йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган “Булбулча” болалар хорининг ҳам хизмати катта. Хорнинг раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Шермат Ёрматовнинг меҳнати, болалар тарбиясига қўшаётган хиссаси бекиёс.

Шермат Ёрматов 1939 йил 17 октябрда Фарғона вилояти Логон қишлоғида дехқон оиласида таваллуд топган. У 1959 йил Тошкент маданият техникумига ўқишга кирди. 1962 йилдан ўқишини Консерваторияда давом эттирди. Талабалик йилларида мусиқа басталаш сирларини ўзлаштиришда композитор Пак Йен Диндан сабоқ олиб, “Хор дирижёрлиги” мутахассислигини муваффақиятли эгаллади.

Шермат Ёрматов дастлаб Тошкент шаҳридаги 99-ўрта мактаб ўқувчиларидан “Бойчечак” болалар хор жамоасини, кейинчалик, телерадиокомпания қошида “Булбулча” болалар хор жамоасини ташкил этди. Жамоага шахримиздаги барча мактаблардан ўқувчилар қатнай бошлади. Устоз 40 йилдан зиёд вақт мобойида кўплаб шогирдлар чиқарди. Улар орасидан истеъдодли мусиқашунослар, таниқли санъаткорлар етишиб чиққан.

Шермат Ёрматов ўз шогирдлари билан Ўзбекистон шарафини янада кўкларга кўтариб бир қанча мамлакатларда бўлиб ўтган болалар хор фестивалларида қатнашиб, совринли ўринларга муваффақ бўлди, тингловчилар олқишига эришди. У басталаган кўшиқлари билан нафақат ўз жамоаси, балки Ўзбекистондаги барча болалар ва ўсмирлар вокал-хор жамоалари дастурларини ҳам бойитиб келмоқда. Устоз жамоага раҳбарлик қилиш баробарида басталаган ижод намуналари, сюита ва контаталари билан мусиқамиз ривожига хисса қўшмоқда. Шермат Ёрматов ўз тажрибасини талабаларга ҳам ўргатиш мақсадида ўқув юртларида устоз-мураббий сифатида хизмат қилиб келди. 1990-1999 йиллар Тошкент Давлат Маданият институтида доцент, 2000-2002 йилларда эса Юнус Ражабий номидаги Тошкент мусиқа педагогика билим юрти директори лавозимида фаолият юритди. Ҳозирги кунда ҳам ёшларга таълим-тарбия бериш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваториясида фахрий профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Бу ҳаракатлар ўз самарасини бериб, устознинг меҳнатлари юксак баҳолашиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Соғлом авлод учун” ордени (1995), “Ўзбекистон халқ артисти” унвони (1996) билан тақдирланди. Биз шогирдлар ҳам устоз изидан бориб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Феруза МАНСУРБЕКОВА



Марҳабо БОБОЕВА

*Шамоллар эсиб турсин, байрогим ҳилтиратиб,
Тинганни ким хушлабди, ҳаракат – танга қувват.
Порлаб кўриниб турсин, юлдузин ярақлатиб,
Унинг маънисин уқиб, қонимга кирсин шиддат.*

*Осмонининг поклигини, софлигини англайин,
Заминимда барқарор баҳорлиги бор бўлсин.
Майсалар титрогининг шивирини тинглайин,
Ҳар кўрганда қалбимга гурур тўлсин, ор тўлсин.*

*Унда акс этган ҳилол ҳурлигимизга тимсол,
Ҳар юлдузни ўзимнинг тугал бахтим биламан.
Қадим элим қалбига оқ ранги эрур мисол,
Ҳар рангида ҳар сафар турли маъно кўраман.*

*Шамоллар тинмай турсин, байрогим ҳилпирасин,
Унда тинчлик-тотувлик, хотиржамликни кўрай.
Шамоллар тин олганда, билагим тинчимасин,
Байроқни ўзим елиб, кўтариб олиб юрай.*

*Бу нуроний, бу кўҳна тоғлар,
Бу серҳосил, бу сархил боғлар,
Бу бахтиёр, бу бахтли чоғлар,
Меники!*

*Олтмишида ерни титратган,
Етмишида бог барпо этган,
Саксониди иш бошин тутган,
Отам!*

*Ҳар қараши бир ўғит, маъно,
Қаитасининг қатими аъло,
Ҳар мақоли ҳар ишга маъно,
Онам!*

*Гар гийёҳи, ҳар хаси азиз,
Гул очиб кутади олтин куз,
Қалбимда гулдайди битта сўз –
Ватан!*

Кўнра Кийим - янги Таъдир

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маданий ҳаётни, хусусан, мода соҳасини ривожлантириш йўлида қатор ишлар амалга оширилди. Ҳозирда мамлакат дизайнерлари ижодини фольклор-этноик йўналишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Анъанавий шарқона либосни қайта тиклаш ғояси асосий йўналишни белгилаб берди. Бунинг натижасида дизайнерлар замонавий либос нусхаларини яратиш, миллий матолардан фойдаланиб, уларнинг янги кирраларини очиш, дизайн усулларини ўйлаб топиш ғоялари устида иш олиб боришига замин яратилди. Яъни анъанавий маҳаллий газмоллардан турли хил либослар мажмуаси ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Хонатлас ва зардўзи катта мовутдан тайёрланган оқшомги либослар мажмуаси ўзига хос безалиши, кўркамлиги ва техник жиҳатдан бежирим тикилиши билан кишиларни мафтун этади.

XX асрда алоҳида сиёсий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-ғоявий шароитлар натижасида либос дизайнида ўзига хос эволюция юз берди. Яъни миллийликнинг замонавий руҳдаги талқини юзага кела бошлади. Бу жараён дизайнерларимиз томонидан миллий матолар, декоратив безак мотивлари ва баъзи конструкциялаш принципларидан фойдаланганлигида намён бўлди. Либос дизайни ҳар бир халқ моддий-маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисмидир. Дизайн термини XX асрда юзага келган бўлса-да, Марказий Осиёда либос яратиш ва безатиш инсоният жамиятининг илк тарихий босқичида шаклланган. Тарихий ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, Аҳамонийлар даврида эллинизм, илк ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида миллий-анъанавий либоснинг асосий хусусиятлари, конструкциялаш негизлари ва беаги сайкал топган.

Мустақиллик даврида анъанавий маданиятни сақлаш ва ривожлантиришга бўлган эътиборнинг ўсиши туфайли унинг ҳақиқий кадр-қимматини англаш, замонавий бадиий жараёнда бой миллий меросдан фойдаланишга бўлган қизиқиш кучая бошлади. Бу жараён халқаро маданий алоқаларнинг кенгайишига сабаб бўлди.

Ўзбек рассомлари ишларида моделлашнинг миллий ва жаҳоний қонун-қоидалари уйғунлигини кузатиш мумкин.

Миллий кадриятлар тикланган сари анъанавий кийим-кечакларга бўлган қизиқиш ва талаблар ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек, миллийлик мавзуси кўплаб либос яратувчилар тўпламига кириб келмоқда. Улар узок йиллар давомида унут бўлган мато турларига, кийим шаклларига, бичимларга ва нақшларга қайта-қайта мурожаат қилиб келмоқдалар. Бу дизайнерлар томонидан механик равишда кўчириш ёки такрорлаш дегани эмас, балки улар замонавий дунёкараш позициясида янги гўзалликни топишга интилоқдалар.

Ўзбекистон дизайнерларининг замонавий либос яратишдаги ўзига хослиги, асосан, миллий матолардан унумли фойдаланишида



намён бўлади. Яъни шойи, хонатлас, бекасам каби маҳаллий саноат маҳсулотлари билан биргаликда зардўзлик, анъанавий заргарлик буюмларининг қўлланиши, либосларга миллий ўзига хосликни сингдириб, уларга мафтункорлик ва жозибadorлик бахш этади. Бу йўналишни С.Амир, М.Умарова, М.Қосимбоева, Н.Шерхўжаева, Н.Арапова, Т.Чурсина, Ф.Абдурахмонов, Н.Ботирова, Д.Томилини ва бошқа модельерлар коллекцияларида кўриш мумкин. Улар ўз ижодларида халқ декоратив каштачилиги, матога гул босиш, ранг-баранг миллий колорит ва бой орнамент мотивларидан унумли фойдаланиб, миллий дизайн мактабини акс эттирмоқдалар.

Миллий либос анъаналари ижодкор учун илк манба ҳисобланади. Агар рассомда бошланғич асос тасавури бўлмаса, ҳаёлотнинг кейинги парвози, ижодий илҳом ҳақида гапириб ҳам бўлмайди. Айнан мана шу манба рассомни илҳомлантириб, янги талқиндаги асар яратилишига туртки бўлади.

XX аср Ўзбекистон либослар тарихига назар ташлаганимизда, ўлқанинг бой тарихи, анъаналари, урф-одатлари билан боғлиқ бўлган либоснинг йиллар давомида ўзгариб борса-да, ўзининг туб моҳиятини тамомила йўқотмаганининг гувоҳи бўламиз. Шундай экан, либослар дизайни тарихини чуқурроқ ўрганиш, очилмаган кирраларини аниқлаш, маълумотларни кенгрок ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Эътибор МИРНАЗАРОВА

Аёл доимо гўзал бўлишни истайди. Шунинг учун қадимданок юз териси майин ва тиник бўлиши учун турли парвариш сирларини излашган. Чиройли юз териси табиатан кам учрайди. Бирок бу камчиликни турли воситалар ёрдамида тўғрилаш мумкин. Шундай воситалардан бири упадир. Упа аёл юзини тиник ва янада жозибали кўрсатади, борди-ю, айрим нотекикликлар бўлса, уларни беркитади.

Қадимги Мисрда кимда ким юзлари ва баданларини оқ лой ёки оҳак билан оқартириб юрса, унга инсу жинс ва ўлим тегмайди, деб ҳисоблашган. Клеопатра терисини майинлаштириш ва оқартириш учун махсус малҳам ишлатган. Малҳам табиий воситалардан тайёрланган ва таркиби, табиийки, сир сақланган.

Юз терисининг сутдек оқ ва майин бўлиши кўп асрлар давомида аёллар жозибаторлигининг асосий белгиси ҳисобланган. Олий насабли аёллар ўзларининг окликлари билан юзлари офтобда қорайган дехқон аёлларидан ажралиб туришган. Бундан ташқари, оқ ранг дур, сут, нилуфар, корга менгзалиб, тозалик ва бокиралик тимсоли ҳисобланган. Шарқда ҳам оқ юзли аёлларни тўлинойга ўхшатишган, “юзи сутга чайилгандек” деб муболағалар айтишган.

Қалб софлигини кўрсатиш ва аёл кўрки бекамлигини таъминлашда эса упадан фойдаланилган. Дастлаб упани Европада XVI асрда гуруч унидан тайёрлашган. Қирол Людовик XV саройида ҳам гуруч унидан тайёрланган упани асосий пардоз воситаси сифатида ишлатишган. Уни қиролнинг сеvimли аёли маркиза де Помпадур учун тайёрлашган.

Бир неча асрлар давомида эркак ва аёллар гуруч уни упасидан фаол фойдаланганлар. У вақтлар упани ғоят кўп микдорда ишлатишган. Уни нафақат юзлари, ҳатто сочларига ҳам сепишган. У даврларда кийимни упадан асраш учун махсус ғилоф кийиш керак бўлган.

Кейинчалик, упани юз терисига тухум оқи билан аралаштириб суришган. Бунинг устига упа никобдек калин сурилган. Юз никоб кийганга ўхшаб қолмаслиги учун инглиз қироличаси Елизавета I юздаги қон томир йўллари хаво рангда билинар-билинемас чизиб олган. Бора-бора упа ишлаб чиқаришнинг турли хиллари пайдо бўлган. Европада XVII-XVIII асрларда оқ, пушти ранг билан қопланган махсус китобчалар бўлган. Китобча варақлари билан юз артилган.

XX аср бошларига келиб, упа ишлаб чиқариш саноати ўса бошлади. Бу бир неча ўн йиллар давомида бир қанча пардоз инкилоблари бўлиб ўтишига сабаб бўлди. Упани зарарсиз маҳсулотлардан қаттиқ ҳолда Францияда ишлаб чиқара бошлашди. 1923 йилда эса Англияда ихчам қутичали упалар ишлаб чиқарила бошлади.

Бугунги кунга келиб, упа ҳар бир аёлнинг пардоздонидан жой олган. Кунини упа суришдан бошлайдиган аёллар бор. Баъзи аёллар упасиз кўчага чиқа олишмайди. Бу табиий ҳол. Ахир, аёл ҳар доим аёл-да. Упа-эликка ҳам, рўзгорга ҳам, ишга ҳам вақт топа билади. Асосийси, ўзига мос упани топа билиш ва пардозни яшашдан мақсад даражасига чиқариб юбормаслик. Яъни ҳамма нарсада бўлганидек меъёр. Негаки, ҳар бир аёл аёллигининг ўзи биланок кўркам.

Нигина ФУЛОМОВА тайёрлади

Pardozida nozi bor



Wolfgang Borxert

SHOM HIKOYASI



Тўкилай деб турган ёлғиз девор ортига шафақранг куёш эснаганча ботиб бормокда. Чанг булути буғ қувурлари оралаб учиб юрибди. Сахро тиниб қолган. У кўзларини юмди. Очганда ғира-шира қоронғулик инган эди. Кимнингдир шарпасини ҳис қилди. Кўланка унинг рўпарасида жим турарди. Кўлга тушдим, деб ўйлади у. Лекин кўланка ёришганда одмигина оёқ кийим кўринди. Улар кийшайганча боланинг рўпарасида турарди. Кийшиқ оёқлар орасидан нариги томонни бемалол кўриш мумкин эди... У кекса ёшли киши экан. Қариянинг қўлида сават ва пичоқ бор эди. Бармоқ учида кум зарралари.

– Нима, бу ерда ухлаяпсанми?.. – дея сўради қария. Юрген кўзларини сикқанча унинг оёқлари орасидан куёшга қаради ва деди:

– Йўқ. Ухламаяпман, қоровуллик қиляпман.

Қария бошини силкиди:

– Шунақа дегин. Шунинг учун кўлингда катта таёқ бор эканда?

– Ҳа! – Юрген ўқтам жавоб берди ва таёқни маҳкам сикди.

– Нимани кўриқлаяпсан?

– Буни айтолмайман... – дея Юрген қўлларигаги таёқни яна ҳам маҳкам чангаллади.

– Нима, пулни?.. – Қария саватининг устига ўтирди. Шимиға пичоғини артди.

– Йўқ пул эмас, умуман бошқа нарса, – инжилиб жавоб берди Юрген.

– Унда нима?

– Айтолмайман.

– Бошқа нарса дегин. Мен ҳам сенга саватимда нима борлигини айтмайман, қария оёғи билан саватни сурди ва пичоғини бекитди.

– Ўйлашимча, саватда нима борлигини биламан, – деди Юрген нописанд. – Қуёнларга озуқа.

– Қойил! – ажабланди қария, – аклли бола экансан. Ёшинг нечада?

– Тўққизда...

– Ооо, тўққизда. Айтчи, тўққиз қарра уч неча бўлади?

– Тушунарли, – кейин вақтдан ютиш учун қўшиб қўйди, – бу жуда ҳам осон. Тўққиз қарра учми? – Сўради яна бир бора бола, – буни биламан.

– Хўш, қанча куён бор экан менда?

– Йигирма еттита?! – хайратдан оғзи очилди Юргеннинг.

– Уларни кўришинг мумкин. Кўпчилиги ҳали кичкина. Хохлайсанми?

– Иложим йўқ. Қоровуллик қилишим лозим, – умидсизланиб жавоб берди бола.

– Ҳар доимми? Кечалари ҳамми?! – сўради киши.

– Кечкурун ҳам. Ҳар доим. Ҳамма вақт. Шанбадан буён... – пичирлади у. Сўнг кийшиқ оёқларга қаради.

– Уйингга ҳам бормаисанми? Ахир овқатланишинг лозим-ку.

Юрген тошни кўтарди. Унинг остида яримта нон ва темир кути турарди.

– Чекасанми? Трубканг ҳам борми? – сўради қария.

Юрген кимтини жавоб берди:

– Йўқ чекмайман. Тамаки ўрашни биламан холос. Трубкани ёқтирмайман.

– Афсус, – киши саватига эгилди. – Қуёнчаларни бориб кўрганнингда эди. Эҳтимол, шунақасини қидириб юргандирсан. Лекин сен бу ердан кетолмасанг...

– Йўқ... – деди ғамгин Юрген.

Киши саватини баланд кўтарди:

– Бу ерда қолишинг яхшимас, – дея қария орқасига ўгирилди.

– Ҳеч кимга айтмасангиз, айтаман, – деди сўнгра шошиб. – Бу каламушлар туфайли.

Қийшиқ оёқлар бир кадам ортга қайтди.

– Каламушлар туфайли?!

– Ҳа, улар ўликларни ейишади.

– Буни ким айтди сенга?

– Ўқитувчимиз.

– Шу туфайли бу ердамисан?

Bola boshidan

– Менинг укам пастда ётибди, – Юрген калтак билан тупроқ уйимига ишора қилди. – Уйимизга бомба тушди. Ҳамма нарсамиз йўқ бўлди. Укам ҳам... У жуда ҳам кичкина эди. Бор-йўғи тўрт ёшда. У ҳали яшаши керак эди. Ахир у менинг ёшимга ҳам етиб улгурмаганди-ку!

Юқоридан қараб турган кишининг хаёллари тўзиб кетди. Кейин бирдан жонланди:

– Ахир ўқитувчинг каламушлар ҳам тунда ухлашини айтмадимиз?!

– Йўқ, буни айтмаганди. – Овозидан унинг ҳолдан тойганлиги билиниб турарди.

– Бее, шуни ҳам билмаса қанақа ўқитувчи экан. Каламушлар тунда ухлашади. Хотиржам уйингга кетавер. Улар кеч тушган заҳоти уйкуга кетишади.

Юрген таёғи билан ахлат уюмини тита бошлади. Каламушларнинг ини шу ерда бўлиши керак. Ҳаммаси кичкина инчалар, ўйлади у. Шунда қария:

– Биласанми нима, мен тезда уйга бориб куёнчаларни озиклантираман. Кеч тушганда эса сени олиб кетаман. Эхтимол, куёнчалардан бирини олиб келарман. Бунга нима дейсан?! – деди.

Юрген ахлат уюмида кичкина чуқурча ҳосил қилди ва овоз чиқариб:

– Кичиккина куёнча... кулранг оқ, оқ кулранг... – сўнг паст овозда кўшиб қўйди: – Мен ҳақиқатдан ҳам каламушларнинг тунда ухлашини билмас эдим.

– Шу нарсени ҳам билмайдиган ўқитувчини ишдан ҳайдаш керак! – деди қария.

Юрген ўрнидан турди:

– Агар иложи бўлса, окидан олиб келинг!

– Ҳаракат қиламан, – Қичкирди боладан узоклашиб улгурган қария. – Лекин мени бу ерда узок кутишингга тўғри келади. Кейин биргаликда уйингга борамиз, отангга куёнча учун бошпана қанақа тайёрланишини уктиришим лозим.

– Албатта кутаман. Куёш батамом ботмагунча шу ерда бўламан. Бизнинг уйда куёнча учун бошпана топилади... – Охирги сўзларни бакириб айтган бўлса-да, қария эшитмади. У куёш томон чопиб борарди. Ботиб бораётган куёш нурлари оёқлари орасидан ўтиб унинг қийшиқлигини янада бўрттириб кўрсатаётгандек туйиларди. Қариянинг қўлидаги сават чайқаларди. Унинг ичида куёнлар учун йиғилган, чанг-тўзондан кулранг тусга кирган озука бор эди...

Немис тилидан

Ойбек АРАБОВ таржумаси

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тарқатилган статистик маълумотларга кўра, аксарият кашандалар чекишни 18 ёшга тўлмай бошлашар экан. Бу эса ўсиб келаётган инсон организмга жиддий хавф солиб, ёшларнинг келгуси ҳаётларида салбий бурилиш ясаши, ҳатто мудҳиш фожиаларга сабаб бўлиши мумкин.

Куни кеча кўтаринки кайфиятда юрган Жавоҳир бугун яна титраб-қақшаганича пул кидириб, бутун уйни остин-устин қила бошлади. Унинг бунақа тўполонларидан безиб қолган ногирон ота ўз хонасига қамалиб олди. Муштипар она ўғлининг атрофида гир айланиб, уни тинчитишга уринарди.

– Ўғлим деманг мени. Ёлғизгина ўғлингиздан пулингизни аяб ўтирибсиз-ку, қанақа онасиз?

– Ўтган ҳафта бор пулимни бердим. Уйда ҳам ҳеч вако қолмади, борини сотиб тугатдинг. Жон болам, эс-хушингни йиғиб ол. Касал отангга раҳминг келсин.

– Ойи, дийдиёнгизни йиғиштиринг. Уйнинг ҳужжатлари қаердалигини айтинг. Қочинг йўлимдан...

Тўхтамурод ота ортиқ чидаб ўтиролмади. Ҳассасига суянганича аранг судралиб ховлига чиқди-ю, кўз олдида намён бўлган манзарадан эси оғаёзди. Остонада Зумрад хола ер билан битта бўлиб, хушсиз ётарди. Унинг бошидан сизиб оқаётган кон халқоби ва девордаги кон излари рўй берган мудҳиш воқеадан далолат бериб турарди. Ичкари уйдан Жавоҳир кўйнида ниманидир яширганича кўчага отилиб чиқиб кетди. Инграб ётган онасига ҳам, унинг бошида унсиз йиғлаётган отасига ҳам назар ташламади...

Тўхтамурод ака билан Зумрад опа узок йил бефарзандликдан сўнг кўрган ёлғиз ўғилларини эркалатиб ўстиришди. Ота-онаси Жавоҳирнинг барча ножўя хатти-ҳаракатларини болалик шўхликларига йўйишди. Ким бўлмасин, ўғлининг хулқини ёмон деса бас, Зумрад опанинг душманига айланди.

Эркатой ўғил янги орттирган дўстлари шарофати билан наша чекишгача бориб етди. Бора-бора Жавоҳир тамоман гиёҳвандлик дардига мубтало бўлди. Балои нафси йўлида инсонийлик қиёфасини буткул йўқотди, унинг кўзига на оиласи, на фарзандлари кўринарди.

Зумрад хола касалхонада ётиб, даволаниб чиқди. Отаси нобоп фарзанднинг дастидан ҳасрат билан дунёдан кўз юмди. Келини икки боласини олиб, ота-онасининг уйига кетгач, Зумрад хола узок яшамади. Жавоҳирнинг кейинги қисмати эса унинг ўзига, хоҳиш ва иродасига боғлиқ...

Ёш авлодни инсон умрига завол бўладиган турли иллатлардан асраб-авайлаш, уларни ҳар томонлама соғлом, комил инсон этиб тарбиялаш бугунги кунда давлатимиз эътиборида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир. Бу борада миллий қонунчилигимизда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонуни баркамол авлод таълим-тарбияси йўлида амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари қатори муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Зебунисо МАҲМУДОВА,

Розия ҚУРБОНОВА,

Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари



Қызғалдоқдай бир қизалоқ келин бўлди, ёр-ёр...

BADIY ADABIYOTDA TUSH MOTIVI



Туш кўриш ва тушнинг рўёби билан боғлиқ ҳодисалар инсониятни мудом қизиқтириб келган. Бу масалада фаннинг, диннинг, адабиётнинг ўз қарашлари мавжуд. Туш шундай ҳодисаки, унда баъзан ўтмиш, баъзан келажак бўй кўрсатади. Шунинг учун ҳам қадимдан рости ёлгон таъбирномалар, табиийки, шунга яраша таъбирчилар ҳам кўп бўлган. Туш масаласига диний томондан ёндашилса, Юсуф алайҳиссаломнинг муаббирлигини келтириб ўтиш жоиз. Носириддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асаридаги “Юсуф қиссаси”да Аллох томонидан Юсуф алайҳиссаломга ато этилган ўн сифатнинг бири – туш таъбири эди. Асарда Юсуфнинг ёшлигида кўрган туши тақдирининг бутунлай ўзгариб кетишига сабабчи бўлиши ёритилган. Шунингдек, бу масалада фаннинг ҳам ўз қарашлари мавжуд бўлиб, кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган.

Фольклор асарлар поэтикасига хос хусусиятлардан бири туш мотивидан фойдаланишдир. Туш мотиви эртақ ва дostonларда кенга қўлланилиб, туш орқали қаҳрамоннинг бўлғуси тақдири башорат қилинади. Бу ҳолат асарга янада жонли тус бериб, воқеалар жараёни қизиқарли кечишига имкон яратади. Кўплаб мумтоз шоирлар ўз ижодларида туш мотивидан унумли фойдаланишган.


“Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш” каби дostonларда туш мотиви билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг бадий ифодасини кузатамиз. Масалан, “Алпомиш” дostonида Алпомиш, Барчин ва Қоражон бир вақтнинг ўзида бир-бирига алоқадор, келажакда юз берадиган воқеалардан дарак берувчи туш кўрадилар. Илк туркий адабиёт намуналаридан бири бўлган “Қутадғу билиг” асари қаҳрамони Ўзғурмиш туш лавҳаси орқали ўз ҳаётининг якунига етганини башорат қилади.

Алишер Навоий асарларида ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналари ўзига хос тарзда қўлланилган. Шоир қаҳрамон руҳий кечинмаларини ёритишда фольклорга хос ифода усулларига мурожаат қилади. Улар орқали асарнинг халқчиллиги таъминланади. Навоий асарларида туш муқаддима ёки воқеа тугуни ўрнида келади, ғоявий-эстетик муддаони ёритишга, хикоявий-романтик тасвири кучайтиришга хизмат қилади. Шоирнинг машҳур “Хамса”си таркибига кирувчи “Сабъаи сайёр”да жами еттита туш келтирилади. “Садди Искандарий” дostonида эса Маҳмуд вафотидан сўнг ўғли Масъуднинг тушига кириб, адолат бобида панду насихатлар бериши баён этилади. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonида туш мотиви жуда таъсирли ифодаланган. Яъни ишқ йўлида одамлардан узилган, ўзлигини унутган Мажнун, Лайлининг бақога рихлат қилгани, борди-ю Навфал ҳужум қилса, Лайлининг отаси ўз қизини ўлдиришга қасд қилишини тушида кўради ва дўстидан дарҳол урушни тўхтатишни сўрайди. Лайли ва Мажнун ишқ йўлида учраган машаққатларга сабр қилиб, маънан ва руҳан покланган, ҳақиқий ишққа эриша олган ошиқ тимсолидир. Воқеалар жараёнида Нажд тоғида саргардон юрган Мажнун яна туш кўради ва уйқудан уйғонгач, ота-онасининг вафот етганини англайди. Дostonда туш қаҳрамон руҳиятини ёритувчи восита бўлиши билан бирга, асар воқеаларини бир-бирига боғлашга ҳам хизмат қилади. Мажнуннинг туши рамзий моҳиятга эга бўлиб, у икки кабутарнинг тухум очиб, бола чиқарганини кўради. Бу кабутар боласи қанот чиқаргач, сахро томон учади. Ота ва она кабутар ўз фарзандларини қайтармоқчи бўлишади, аммо бунинг имкони бўлмайди. Шу пайт юқоридан икки бургут келиб, иккала кабутарни еб юборади. Мажнун уйғонгач, нима воқеа рўй берганини англайди ва ўз хайлининг мозорига югуради. Бу ерга етиб келгач, янги қурилган икки қабри кўради ва оху нола чекади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий ахлоқий ва ижтимоий қарашларини ифодалашда туш мотивидан кенг фойдалана олган. Унинг асарларида илоҳий тушлар тасвири келтириш орқали асардаги руҳий тасвирларни кучайтириш, аксарият ўринларда тушларнинг диний қарашлар ва тушунчалар билан боғлаб талкин қилиниши кузатилади.

Мухлиса ҒАФҒОРОВА

Маҳоратнинг асоси — mehnat



Тасвирий санъатни товушсиз қўшиққа, чолғуларсиз таралаётган мусиқага киёслаш мумкин. Санъат асарини томоша қилар экансиз, ундан нозик оҳанглар, инжа ифорлар шууримизга қуюлиб келаверади. Бу соҳа одами шу машаққатли ишнинг устаси бўла олгагина, асарлари олдига мухлис тўплай билади. Бу йўлда тинимсиз меҳнат қилиб, изланишлар олиб бораётган соҳа вакилларининг бугунги кунда улкан ютуқларни қўлга киритаётганлиги қувонарли хол.

Мана шундай заҳматкаш ижодкорлардан бири санъатшунослик фанлари доктори Абдували Эгамбердиев ҳам мазкур соҳада юқори натижаларга эришиб келмоқда. Яқинда унинг фундаментал тадқиқоти — “Бадий танкидий этюдлар” монографияси нашрдан чиқди. Китобда мустақиллик даври Ўзбекистон тасвирий санъатида кечаётган кескин бурилишлар, янгиланишлар моҳияти очиб берилган. Бинобарин, олим ўзи шу жараёнларнинг иштирокчиси сифатида рассомлар устахонасида бунёд бўлаётган асарларни бевосита кузатиб боради.

Китобнинг “Тасвирий санъатда янги давр” деб номланган биринчи мақоласида Илҳом Жабборов, Леким Иброҳимов, Жўлдосбек Куттимуродов, Саъдулла Абдуллаев ва бошқа рассомлар ижоди чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистон тасвирий санъатида ўчмас из қолдирган Саъдулла Субҳонов ижоди муқамал очиб берилгани ҳам таҳсинга сазовордир. Айниқса, Алишер Навоийнинг “Хамса”сига ишланган иллюстрациялари, “Ёрилтош” эртагидаги тасвирлар бунинг ёрқин далилидир. Муаллиф Алишер Мирзаев ижодини таҳлил қилар экан, ўзбек тасвирий санъатида илк бор композиция чизмакашлик маҳорати ва рангнинг ички салоҳиятини очиб беришдаги ўрнига алоҳида урғу беради.

Китобнинг иккинчи қисмида Ғарб уйғониш даври рассомлари Леонардо да Винчи, Микеланжело, Тициан, Рафаэл ва Шарқ уйғониш санъатининг машҳур мусаввири Камолиддин Бехзод ижодини қиёсий таҳлил қилиш асносида ниҳоятда аниқ фикрлар берилган.

Муаллифнинг айрим мақолаларида ҳозирги даврнинг энг долзарб масалалари теран очиб берилган. Жумладан, “Нақш ва миниатюра”, “Тасвирда постмодерн”, “Ижодкор меҳнати”, “Тасвирий санъат керакми?”, “Рангни қандай англаш керак?” ва шу каби юзлаб мақолаларда ўзбек ўқирманлари учун долзарб масалалар ёритилган.

Абдували Эгамбердиев дунё тасвирий санъатининг асослари, илдизларидан келиб чиқиб, унинг туб моҳиятини очиб берувчи мураккаб масалалар ечимини ҳал қилишга интилади. У натурализмдан футуризмгача бўлган оралик

масалалар, постмодернизмга оид дунё маданиятидаги энг юксак бадий асарлар таҳлили — оп-арт, поп-арт, энвайронмент ва хоказоларнинг Ўзбекистон тасвирий санъатига кириб келиши ва уларнинг мазмун моҳиятини, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ таҳлил этган эди.

Муаллиф ушбу китобдаги мақолаларида ўзининг кенг фикрлаш дунёси билан қатта қўламини қамрай билади. Масалан, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Тициан, Рафаэл сингари қўплаб юқори уйғониш даври рассомлари ўз замонининг аёвсиз ғалвиридан ўтиб, сараланиб, ҳақиқий истеъодлар сифатида бизгача етиб келганлиги ёки бўлмаса, худди шу даврда шарқда яшаган Камолиддин Бехзоднинг дунё миниатюра санъатида юқори ўринда эканлигини илмий-эстетик жиҳатдан асослаб бериши диққатга сазовордир.

Абдували Эгамбердиевнинг рассомлар ижодига бағишланган ўнлаб тадқиқотлари нашрга тайёрланмоқда. Жумладан, “Беньков ва унинг мактаби”, “Акмал Нур”, “Кулол руҳи”, “Муборак Йўлдошев”, “Чори Бекмиров”, “Илҳом Жабборов”, “Асрор Мухторов”, “Эркабой Машарипов”, “Саъдулла Субҳонов”, “Художественная критика Узбекистана”, “Взаимовлияние”, “Ўзбекистон санъат тарихи”, “Изобразительное искусство Узбекистана”, “Этюд и картина”, “Зокир Иноғомов”, “Тасвирий санъат турлари ва жанрлари”, “Руҳият ва ижодий жараён” каби қатор асарлар тадқиқотчи илмий-эстетик салоҳияти кўзгусидир.

Шунинг баробарида, Абдували Эгамбердиев Тошкентда АРТ марказидаги халқ амалий санъати дурдоналарининг йўналиш турларини бадий баҳолаш билан бир қаторда, комплекснинг бадий хайъати раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Абдували Эгамбердиевнинг Ўзбекистон тасвирий санъатини дунёга танитиш борасида олиб бораётган ишлари, изланишлари таҳсинга сазовор. Бу йўлда бор иқтидори, илмий, ижодий салоҳиятини сафарбар этиб ишлаб келаётган бу санъатшунос олимнинг самарали ва жўшқин ижодий фаолиятига баркамоллик тилаймиз. Қолаверса, унинг “Бадий танкидий этюдлар” монографияси айни соҳа вакиллари ҳамда унга қизиқувчилар учун керакли манба бўлиб хизмат қила олишига ишонамиз.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Собир РАҲМАТОВ,

Ўзбекистон халқ рассоми

Qo'shiq parvozi

Санъат олами – кенг ва поёнсиз. У тубсиз уммон ичидаги бир дунё. Ранго-ранг санъат намуналарининг хар бири ана шу дунёнинг инъикоси. Санъат – одамнинг хазрати инсон даражасида камол топишида устувор омил. Демак, санъаткорнинг хаётдаги пировард вазифаси халк хизматида бўлиш.

Шундай кўшиклар бўладики, улар хеч қачон эскирмайди, хар янги талкинда қайта яшариб, янгидан яшай бошлайди. “Хумор” ана шундай кўшиклардан ҳисобланади. Бу кўшик, профессор Рифатилла Қосимов таъбири билан айтганда, “мумтоз бастакор” Фахриддин Содиков қаламига мансуб бўлиб, Ёнгин Мирзо шеърига 1961 йили басталанган. Фахриддин ака бу кўшикни Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилованинг ижроларидаги нолаларга айнан мослаб яратган экан. Ҳақиқатан ҳам, Коммуна опа ўз даврида бу кўшикни маромига етказиб ижро этганлар ва у халққа манзур бўлган. Менинг ҳам ёшлиқдан бу кўшикка меҳрим инган. Устоз ижроларидан ўрганиб, мактаб давридаги турли тадбирларда, хусусан, “Санъат байрам”ларида такрор ва такрор ижро этганман. Бу кўшик кейинчалик ҳам менга йўлчи юлдуз бўлди. Хонандалик ижодимда энг омадли ва самарали асар бўлди, десам хеч адашмаган бўламан.

1994 йил. Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочиларининг Халқаро танлови”. Якунловчи босқич. Сахнада ижроси обдон сараланиб, 3-босқичга ўтган 10 та яккахон хонанда турибди. Ҳақиқий кураш энди бошланади. Ҳамма навбатини кутмоқда. Уларнинг сафида мен ҳам бор. Вужудимни чексиз ҳаяжон камраб олган. Барча иштирокчилар каби мен ҳам устозим Рифатилла ака кўмагида ўз дастуримни янада сайқаллаштириш билан машғулман. Асарлар ижросини маромига етказиб, хайъат аъзоларига тақдим қилиш қолган, холос. Бундай пайтда ижрочига ғойибдан омад керак.

Менга ҳам навбат етиб келди. Титроқ босиб сахнага чиқдим ва не кўз билан қарайки, томошабинлар орасида меҳрли кўзлари юлдуздек чакнаб турган Коммуна опа Исмоиловани кўриб қолдим. “Уддасидан чика олармиканман”, деган хаёлга бордим... “Хумор”ни ижро қила бошладимки, меҳрли кўзлари билан боқиб Коммуна опа ҳам менга жўр бўлдилар. Мен буни кутмаган эдим. Гўёки устознинг ўзлари мени томошабинлар орасида етаклаб юргандек, хеч нарсадан кўркмаслигимни уқтираётгандек. Бу ҳолатни сўз билан ифодалаш кийин. Ижро охирлаб қолди. Устоз кувонмоқда эдилар. Буни кўриб мен ҳам ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Ўзимни еттинчи осмонда, булутлар ичида учиб юргандек ҳис қилдим. Шу ҳодисаларга ҳам сал кам 20 йил бўлибди, аммо кечагидек ёдимда.

Устозлик мавқеига эришган хар бир санъаткор ўз шогирди, ўқувчиси қайси синовдан, танловдан, имтиҳондан


ўтмасин, бу хатто хаёт синовни бўлса ҳам, ўзини ўққа-чўққа уришга тайёр экан. Шогирд устозга ўз фарзандидек азиз экан. Бундай устозларга менинг хурматим доим баланд бўлган. Коммуна опа шундай устозлар сирасига кирди. Унинг ғойибона рухий мадади боисми, нуфузли ҳакамлар хайъати менинг ижроимни аъло баҳолади ва мен

1-ўринга сазовор бўлдим. Устознинг нигоҳи ва бир оғиз ширин каломи сенга катта куч бағишлар экан.

Маълумки, хонандалар ўз овоз имкониятларидан келиб чиқиб асар танлашади. Фаолиятим давомида мақом йўналишида сабоқ олдим ва шунга хос равишда репертуар билан кўп тадбирларда қатнашиб келмоқдаман. Шу билан бирга, мумтоз бастакорларимиз ижодига ҳам қизиқишим чексиз. Айниқса, Юнус Ражабий, Комилжон Жабборов, Фахриддин Содиковлар, Мухторжон Муртазов, Абдухошим Исмоиловнинг яратган асарларидан ўрганиб, ижро этишга муваффақ бўлмоқдаман. Коммуна Исмоилова ўз ижодларида бу бастакорларнинг жуда кўп асарларини ижро этганлар ва ҳозирда биз ёш муаллим-санъаткорлар улар айтган намуналарни аслидан четлашмай замон талабига мос янги услубда ижро этмоқдамиз.

Коммуна опанинг қимматли, ўзгача бир жозибаси билан ўргатган ўғитлари остида “Хумор”ни меъёрига етказиб ижро этишга ҳаракат қилдим. Мана шу ижро, шу асар менга иккинчи бор ижодий омад келтирди. Мухлислар кўшикни янги талкинда завқланиб эшитиб, қайта-қайта ижро этиб беришимни сўрашади. Бу кўшик мени элга танитди. Энг муҳими, тингловчи-шинавандаларнинг эътиборига тушдим, ўз мухлисларимга эга бўлдим. Буларнинг барчаси, аввало, яратганининг иноятидир, қолаверса, кўшиқ парвози, сеҳри, сиру синоати. Ва ниҳоят, аёл қалби тароватини, гўзал жозибасини оҳанларга жойлаган устоз санъаткор ва мумтоз бастакор Фахриддин Содиков ҳамда ушбу оҳанрабо кўшикни қалб кўри билан суғориб, тотли овози ва талкинида қуйлаган Коммуна Исмоилованинг мусиқа меросимизга қўшган катта ҳиссаларидир. Ана шундай устозлар анъанасини давом эттиришга жазм қилиб тўғри йўл танлаган эканмиз.

Маҳфуза КАРИМОВА



*Сув шундай яратикки, борида ҳамма нарсамиз бор.
Йўзида эса... Қадри ва қиммати билан ҳаётнинг энг муҳим
қисми бўлган сув табиатнинг ажойиб неъматиди, жамики
тирикликнинг озуқа манбаи, тозалик воситасиди, шифо
унсури. Бир сўз билан айтганда, сув — ҳаёт. Бироқ...*

Ehtiyot bo'ling, suv!

Сув балосиди

Сув ўзида энг яхши хусусиятларни мужассам қилгани ҳолда кези келганида, инсонлар бошига кўпгина кулфатлар келтирувчи табиат офати ҳам ҳисобланади. Сув сел тошқинлари, цунами тарзида ҳар йили минглаб одамларни ҳалок қилади. Ўн минглаб одамларнинг ҳаётини издан чиқаради. Ёмғир шаклида минглаб гектар экин майдонлари, боғларнинг ҳосилга тайёр меваларини нобуд қилади. Ер кўчкларига сабаб бўлади.

Сув улкан иқтисодий талофатлар сабабчиди

Бундан ташқари, сув инсонлар барпо этган бинолар, иншоотлар ва бошқа хил қурилмаларнинг аста-секин емирилиб вайрон бўлишига сабабчи бўлади. Таркибида металл бўлган қурилма ва ускуналарнинг занглашига, аста-секин емирилишига сабаб бўлади. Ёмғир шаклида ернинг энг унумдор бўлган устки қатламини ювиб кетади.

Статистик маълумотларга қараганда, сўнгги 20 йил давомида сув тошқинлари дунё бўйича 424 млрд. доллар миқдорида иқтисодий зарар етказган, 126 000 одамнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган. Жорий йилда биргина Германияда юз берган сув тошқинининг ўзи 12 млрд. евро миқдорида иқтисодий зарарни келтириб чиқарган.

Сув касаллик манбаиди

Сув тозалик манбаи бўлиши билан бир қаторда барча касаллик ташувчи вирус ва микроорганизмларни ўзи билан олиб юради. Сув орқали тирик организмга тушган

микроблар турли касалликларни келтириб чиқаради. У ўзида чексиз ва хилма-хил микроорганизмларни сақлаши ва минглаб кишиларни касаллантириши мумкин. Жорий йилда айти шу ҳолат натижасида ер юзида 6 миллиондан ортиқ одам юқумли касалликка чалиниш оқибатида вафот этган. Уларнинг катта қисми касалликни сув орқали юктирган.

Бундан ташқари сув ўзида турли захарли моддалар ҳамда оғир металлларни сақлаши мумкин. Бундай сув истеъмол қилинганда одам захарланади. Организмдан чиқиб кета олмай ички аъзоларда ўтириб қолган оғир металллар буйрак, жигар каби муҳим ички аъзолар фаолиятини бузади. Натижада сурункали касалликлар аломатлари пайдо бўлади ва зарарланган аъзо ўз функциясини бажара олмай қолади.

Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилда дунё бўйича 837 мингдан ортиқ одам ифлосланган сувдан захарланиб, вафот этган.

Сув жодусиди

Дунё олимлари сўнгги йилларда сувда яна бир ғайритабиий хусусият борлиги борасида баҳс олиб бормоқдалар. Уларнинг таъкидлашича, сув атроф оламдаги ижобий ва салбий маълумотларни ўзига сингдириб олиш хусусиятига эга экан. Ван олами сувдаги бундай хусусиятни яқин-яқинларгача инкор этиб келган бўлса, бугунга келиб, одамларнинг ёмон кайфиятлари ва ғаразли ниятларини сув ўзида маълумотлар базаси шаклида сақлаши мумкинлигини айти мавзу юзасидан олиб борилаётган изланишлар тасдиқламоқда.

Манбаларда келтирилишича, қадимдан одамлар ўзлари ёмон кўрганларга зарар етказиш учун сувга жоду ўқиб

ичиришган. Бу эса оддий уйдирма гаплар эмас, балки бор нарса эканлигини мутахассислар исботлаб бердилар ва hozирги кунда сув яна қандай маълумотларни ўзида сақлай олиш ва узатиш қобилиятига эга эканлигини аниқлаш мақсадида бутун бошли илмий лабораторияларнинг олимлари бош қотирмоқдалар.

Фойдали сув

Юқорида таъкидланган салбий жиҳатлари билан бир каторда сув ҳар бир организмнинг тириклиги ва ривожланишини белгилаб берувчи восита сифатида қадрланади. У инсон танасини озиклантирувчи, тозаловчи, ёшартирувчи, касалликлардан фориғ қилувчи ажойиб хусусиятларни ўзида жам этган.

Одамларяшамайдиган, ёвузликларсодирэтилмайдиган, яъни ҳайвонлари овланиб, маишатпарастликлар ўтказилмайдиган тоғлардан оқиб тушувчи жилға, арик ва анҳорларнинг ёки бундай жойлар этакларидан оқиб чиқувчи булоқларнинг, текисликлардаги ифлосланмаган худудларнинг ер остидан чиқариб олинган сувлари фойдали сувлар сирасига киради.

Ер остидаги ҳар хил минераллар қатлами орқали ўтган сув аини минерал тузларни ўзига олади ва шифобахш сувга айланади.

Сув – шифо


Бежизга қадимдан одамлар сувга дуо ўқиб уни касалманд одамларга ичиришмаган. Бундай сув шифобахш ҳисобланади. Уни эзгу ёки ёмон мақсадга хизмат қилдириш инсоннинг ўзига боғлиқ. Оддий сувни қўлингизга олиб унга яхши фикр, яхши гап ва ниятлар билан мурожаат қилсангиз, у шифобахш сувга айланади.

Кузатишлар натижасида яна шунга амин бўлиш мумкинки, ширин сўзлар билан “бойитилган” сув қуйилган гуллар оддий сув қуйилган гулларга нисбатан тезроқ ривожланади.

Сув билан суҳбатлашинг

Сув ўзида маълумотларни сақлаш хусусиятига эга экан, у билан асло ёмон муносабатда бўла кўрманг. Сувни ифлослантириш, унга қаҳр билан муносабатда бўлиш ёмон оқибатларга олиб келиши доим ёдингизда турсин! Агар бунга исбот қидирсангиз, муз тоғи шаклидаги сув “Титаник” кемасини иккига бўлиб ташлаб, кейин ўз домига тортган Тинч океани фожеаси ва шунга ўхшаш кўплаб фавқуллодда вазиятларни эсланг.

Дарё бўйига чиқиб, унинг қирғоғидаги ҳовлиларга эътибор беринг. Улардан баъзилари сув тошқини оқибатида камрок, бошқалари кўпроқ, баъзи уйлар эса бутунлай вайрон бўлганини кўрасиз. Гўёки, сув “ақл” билан иш тутган. Биз ҳам ақл билан муносабатда бўлайлик. Бехудага уни ифлосламайлик. Қаҳр ва жahl билан бепарво муносабатда бўлмасдан, уни эъзозлайлик. Сув билан доим ширин орзуларга берилган ҳолда яхши



ниятларга бой суҳбатда бўлинг.

Сувнинг ажойиб хусусиятлари, сеҳри, фойдаси, она табиат билан муросаси, хуллас, барча жиҳатлари тўғрисида бугун кўплаб мақолалар битилиб, кўрсатувлар, тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш лозимки, сувга нисбатан ҳурматсизлик қилинган жойда, агар у жой тоғли худуд бўлса, сув оддий бир кемирувчи – каламуш, юмронкозиқ инига кириб уни кишда музлатиб кенгайишга мажбур қилади, кейинги йилда ёрик пайдо қилади, кейингисида ёриқдан пастки худудни тагтагигача ивитиб кўчки пайдо қилади. Миллионлаб тонна ер қатлами сурилиб, кўчиб, йўлида учраган барча нарсани янчиб кетади. Текислик жойларда ер ости бўшлиқларини тўлдириб, ер усти мувозанатини сақлаб туради. “Жаҳли чиқса” бу жойни тарк этиб, қурғоқчиликка сабаб бўлиши, жала билан ер қатламини ивитиб, ернинг чўкишига сабабчи бўлиши мумкин!

СУВНИ ТАҲҚИРЛАМАНГ!

Муҳиддин ТИНИБЕКОВ,
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

...U JUDA HAM BUYUK

Ёш Франц фортепьянода куй чалишни ўрганиб, ўз иктидорини намоен этади. Натижада, у 9-10 ёшидан бошлаб концерт бера бошлайди. Тўққиз ёшли болакайнинг чиқишлари мактовларга сазовор бўларди. 1820 йилда навбатдаги концертдан сўнг бир неча венгриялик бойваччалар бу болакайга хомийлик қилишни истаб қолишади. Шунга қарамай, Адам ўғли мусикадан етарлича сабоқ олишини истаб, Венага кўчишга қарор қилади. Бу ерда эса Адамга тайинли иш чиқавермайди. Шунда у княздан ўғли учун бир ойлик маош беришини илтимос қилади. Францнинг юксак иктидорга эга эканлигини билса-да, княз ҳеч қандай моддий ёрдам бермайди. Шунда Адам уй жихозлари ва мебелларни сотишга аҳд қилади... Совук декабр кунларининг бирида бўшаб қолган уй олдида Адам Лист, хотини Анна ва кичкина Франц каретага ўтиришаркан, кимдир уларнинг каретаси жуда ҳам кўримсиз эканини айтади. Шунда кишлоқдошлари: “Ҳали кўрасизлар, Франц бу ерларга олтин карета ва оппоқ отларда келади, у жуда ҳам буюк инсон бўлади!” деб хитоб қилади. Шу тарика, кишлоқдошлари уларнинг ортидан венгерча мусикалар садоси остида хайрлашдилар.

Франц Венага келгач, Бетховеннинг севимли шогирдларидан бири Карл Чернидан сабоқ ола бошлайди. У Адамнинг шароити оғирлигини билиб, Францни бепул ўқитишга қарор қилади. Черни уларнинг дастлабки учрашуви ҳақида шундай дейди: “Бир куни бир одам кичкина болакайни етаклаб келди. Болакай заиф ва рангпар эди. У нотўғри чаларди, аммо шунга қарамай, мен болакайдаги иктидордан хайратга тушдим. Табиатнинг ўзи унга чексиз иктидор берган эди. Менинг ҳеч қачон ундан тиришқокроқ шогирдим бўлмаган...” Кичик Франц Чернининг дарсларидан ташқари Венадаги барча концерт, спектаклларга тушар ва мусика борасидаги билимларини бойитар эди. Бу ерда Моцартнинг рақобатчиси Антонио Сальери ҳам кичкина Францнинг иктидоридан хайратга тушиб, уни текин ўқитишга қарор қилади.

Моддий жихатдан қийналган Адам Лист ўғлининг концертини уюштириш ва шу орқали ахволини тиклаб олишга қарор қилди. 1822 йил 1 декабрда Франц илк бор дастур асосида концерт намойиш этди. Бутун Вена унинг иктидоридан ларзага келди. Уни “кичкина Геркулес” деб атай бошлашади. Бироқ бу шон-шухрат Францни қизиқтирмас, унинг фикри-хаёли Бетховен билан учрашишда эди. Бетховен эса анча кексайиб қолган, ҳеч ким билан учрашишни истамас, фақат яқинларигина унинг олдида кирар эдилар. Нихоят, Шиндлер деган мусикачи Францни унинг олдида олиб киришга муваффақ бўлади. Франц унга

INSON BO‘LADI!

бирор куй чалиб бермоқчи бўлди, аммо Бетховен буни рад этди. Шунда Франц: “Якшанба куни концертим бор, илтимос, келсангиз, катта шараф кўрсатар эдингиз”, деб чиқиб кетади. Бетховен концертга келади. Концерт якунида буюк композитор саҳнага чиқиб, қўллари қалтираган ҳолда Францни кучиб, пешонасидан ўпади. У Францнинг ижросини кузатиб, ўзининг ўн олти ёшлигини эслаган эди. Ўшанда у Моцарт олдида шундай ижро этган эди. Моцарт: “Бу болага кулоқ тутинг. У ҳали бутун дунёни ларзага солади!” деган эди. Гўёки Бетховен мусиқий эстафета байроғини Листга бергандек бўлади. Бундай муваффақиятдан сўнг Адам Лист “катта кема учун катта сув” тамойилига кўра Парижга кетади. Улар Париж консерваториясига 1823 йил кишида кириб келишди. Ўша пайтда консерватория мудири буюк композитор Луизи Керубини эди. Франц Керубини ҳам Черни ва Сальери каби унга кўмак беришга қаттиқ ишонар эди. Аммо Керубини ҳатто кулоқ солишни ҳам истамасди. Унинг қарашлари совук, ўзи қайсар ва қибор эди. Шу-шу Франц бир умрга консерваторияларни хушламай қўйди...

Аммо Адам Лист жуда ғайратли инсон эди. У фортепьяно сотиб олади ва ўғлини концертга тайёрлайди. Унинг кон ертида машхур хонанда Жудитта Паста ҳам қатнашди, Парижнинг энг яхши оркестри жўр бўлди. Партитурага кўра бир оз бўш қолган оркестр мусикачилари унинг ижросига шу даражада махлиё бўлишдики, ўз вақтида соз чалишни ҳам унутишди. Бу концерт унинг шухратини янада ошириб, “янги Моцарт” деган номга сазовор қилди. Шундан сўнг Адам Лист ўғлини Фердинанд Паэр ва Антонин Рейх каби машхур мусикачиларга ўқитишга берди. Улар композиция ва назария бўйича шуғуллана бошладилар. Паэр Францга бастакорлик билан шуғулланишни тавсия қилади ва опера ёзишга ундайди. Франц опера ёзди, аммо муваффақиятсиз...

Ўсмирлик даврини бошидан кечираётган Францга бу омадсизлик қаттиқ таъсир қилади. Айни дамда ёш санъаткор ҳаётидаги энг аччиқ зарбага ҳам дуч келади: отаси кўққисдан вафот этади. Шундай кунларнинг бирида граф Сен-Крикнинг уйига қизи Каролинага дарс беришга чақириб қолишди. Франц ва Каролина ўртасида муҳаббат ришталари пайдо бўлади. Улар кеч оқшомгача шеърхонлик қилишар, фортепьяно чалишар эди. Бир оқшом граф Францни ёнига чақириб, қизига табақа жихатидан мос эмаслигини, уни бошқа зодагонга турмушга беришини, бошқа бу ерга келмаслигини

тайинлайди. Франц оғир рухий тушкунликка тушади. Юз берган француз инқилоби, уни бу ҳолатдан чиқаради. Бу орада машхур Паганини Парижга келиб, концерт беради. Концерт Лист хотирасида ёрқин из қолдиради. Шопен билан бўлган учрашув эса уларнинг умрбод дўст бўлиб қолишига сабабчи бўлади.


1830 йилларда Лист пианиночи, композитор ва педагог сифатида сермахсул меҳнат қилади. Бир неча йиллар ўтиб, унинг ўзига хос ўқитиш методикаси оммалаша бошлайди. Энди у янгидан-янги ижро усулларини яратишга киришади. Шунинг учун ҳам ёшлар унга интилар эдилар. Лист Парижнинг қайноқ ҳаётига шўнғиган, пойтахтдаги барча санъат янгилекларидан доимо хабардор бўлишга интилар эди. У Виктор Гюго, Жорж Санд каби машхур адиблар билан дўстлашади. Кунларнинг бирида Лист Мари Флавиньи исмли аёл билан танишади. Мари Францдан олти ёш катта эди. 1835 йил баҳорида Швейцарияга жўнаган Мари ортидан Франц ҳам йўлга тушади. Бу Францнинг ҳаётида дарбадарлик, ижодида машхурлик сари йўл бўлди.

Лист композиторлик билан шуғуллана бошлайди. Бир йил ичида у бутун умри давомида яратмаган асарларини яратади. Бу орада қизлик бўлган Лист 1837 йили Мари билан Парижга қайтади. Аммо тақдирнинг қайсидир тадбири сабаб улар ажрашишади.

Франц Италия, Россияга сафар қилиб, концертлар беради. Одесса шаҳрида Каролина Витгенштейн билан танишади. Улар орасида муҳаббат пайдо бўлиб, турмуш қуришади. Улар Веймарда ўн уч йил бирга ҳаёт кечиришади. Каролина Листни бошқа концерт бермасликка кўндиради. Шу тарика Лист пьеса ва симфониялар ёза бошлайди. Бу ерда у “Биринчи йил. Швейцария”, “Иккинчи йил. Италия”, “Учинчи йил” каби пьесаларини, “Момоқалдирик”, “Булоқ олдида”, “Пастораль”, “Эклог”, “Ватанни кўмсаш” каби мусикали асарларини ёзади.

Буюк мусикачи, пианиночи, педагог, публицист, маданий арбоб, санъат фидойиси Франц Лист 1886 йилнинг 31 июлида вафот этади. У ўзининг воқеаларга бой ҳаёти ҳамда сермахсул ижоди билан ҳали-ҳамон мусикани, санъатни севишга ундайди. Бир вақтлар кишлоқдошлари айтган башорат тўла рўёбга чиққан эди: “у буюк инсон бўлади!”

Шермурод СУБҲОН тайёрлади



Франц Лист 1811 йил 22 октябрда Венгриянинг Доборьян қишлоғида туғилди. Отаси Адам Лист венгер деҳқонларидан эди. Адам Николай Эстергази князлигида хизмат қилар эди. У князлар хонадонидан бўлиб турадиган концертларда виолончел чалиб турса-да, бироқ Эстергази Адамни қўйхонага ишга қўяди. Бу ҳол Адамнинг иззат-нафсига қаттиқ тегади. Фақатгина новвой қиз Аннани севиб қолишигина бу тушкунликка барҳам беради. 1810 йилда улар турмуш қуришади. Орадан бир йил ўтгач бу хонадонда ўғил туғилади ва уни Франц деб атай бошлашади.



**ЎТГАН СОНДАГИ
СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

Энига: Эрматов. Китоб. Чад. Компас. Оскар. Ободон. Она. Ананд. Асрора. Поён. Ақраб. Иена. Бах. Шунқор. Асати. Най. Асир. "МИ". Парча. Трир. Артек. Оро. Мато. Мискар. Иншоот. Ой. Авзо. Эт. Аср. Автол. Ва. Уд. Хабар. Сули. Алаф. Дам. Тустовуқ. Арава. Манти. Кубок. Визит. Тонг. Рота. Иш. Нисор. Уч.

Бўйига: Вазн. Роналдо. Рекорд. Аврора. Крона. Бўстонлик. Дақиқа. Оч. Тўп. Реостат. Аба. Або. Кон. Шаррос. Уйчи. Тўргай. Натрий. Доха. Анри. Робот. Енг. Манпаси. Атбара. Оз. Бамако. Кинодраматург. Свифт. "ТУ". Арман. Омаха. Улгуриш. Омонат. "Лада". Есенин. Банк. Улкан. Товус. Март. Лаёқат. Ибо. Вазир.

«ШАХМАТ» ЧАЙНВОРДИ

1. Шахмат мусобақасида очко олишга эришиладиган ҳолат. 2. Жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган ўзбек шахматчиси. 3. Доналарнинг ўзаро боғланган бир неча юришларни ўз ичига олган вазият. 4. Шахматчилар мусобақаси. 5. Шахматчига бериладиган дастлабки унвон. 6. Тенг натижа билан тугалланган ўйин. 7. Шахматда эришиладиган энг олий унвон. 8. Аёллар ўртасида иккинчи бўлиб жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган шахмат устаси. 9. Шахмат гроссмейстерларининг халқаро мукофоти. 10. Ўйин давомида ҳам шох, ҳам рух билан юриш. 11. Эрамизнинг 819 йилида Хуросонда ўтказилган илк мусобақа ва унинг ғолиби, машҳур шатранжчи Абу-Бакр ас Сулий ҳақида ёзилган «Шатранж китоби» муаллифи. 12. Шахмат ватани ҳисобланувчи мамлакат. 13. Ўз ўйин услуби билан ном қозонган даниялик шахмат устаси. 14. Аёллар ўртасида жаҳоннинг олтинчи чемпиони, грузин шахматчиси. 15. Болгариялик шахмат гроссмейстери. 16. Латвиялик шахмат устаси. 17. Ҳимояланадиган энг асосий дона. 18. Ўйинда ютуққа эришиш асоси. 19. Аёллар ўртасида жаҳоннинг илк чемпионлигига сазовор бўлган шахматчи. 20. Шахмат тахтасининг ҳар бир хонаси. 21. Шахмат соврини. 22. Ўз даврида Халқаро шахмат федерациясини бошқарган филиппинлик шахмат устаси. 23. Шахмат бўйча жаҳоннинг энг биринчи чемпиони. 24. Ўйин давомида вақт танглиги ҳолати.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони, шахмат ўйини тарғиботчиси - 8, 11, 23, 1, 18, 19.
2. Мамлакатимизда етишиб чиққан энг биринчи шахмат гроссмейстери - 1, 22, 12, 1, 16, 2, 19.
3. Ўйиннинг бошида қулай вазиятга эришиш мақсадида бир пиёда ёки сипоҳни қурбон қилиш - 21, 2, 16, 6, 3, 4.
4. Лондонда 1851 йилда шахмат бўйича ўтказилган илк халқаро мусобақа ғолиби - 1, 5, 15, 18, 9, 7, 18, 5.
5. Шохга ҳужум ҳақида оғохлантириш - 13, 3, 24, 4.
6. Даниялик шахматчи, жаҳоннинг иккинчи чемпиони - 10, 1, 7, 13, 18, 9.
7. Шахмат мусобақасида ютуқ ҳисоби - 2, 14, 13, 2.
8. Арманистонлик таниқли гроссмейстер - 19, 1, 21, 1, 5, 20, 5.
9. Шахматда юришни бошлаб берадиган донанинг рангига кўра тури - 2, 7.
10. Энди калит сўзлари жавоблари асосида шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан ибратли таърифни билиб оласиз.

Киш. Қор қалин. Ўрмонда айиқ жаҳл билан айланиб юрибди:
– Эҳ, нима учун сентябрда қаҳва ичдим-а...

Драматург дўстларидан бирини учратиб қолиб, деди:
– Афсус, сен кеча янги операнинг тақдимотида қатнашмадинг. Одамлар касса олдида ҳатто бир-бирлари билан муштлашиб кетишди.
– Нахотки? – таажжубланди дўсти. – Хўш, кейин уларга пуллари қайтариб беришдими?



Бир ялқов бобосидан сўрабди:
– Бобо, нега бизни ялқов дейишади?
Бобо ялқов яхшилаб ўрнашиб олиб:
– Эй болам, эртага айтарман... – деб уйкуга кетибди.

Хаёт уч хил сценарий асосида кечади:

- Хотин кетиб қолганда:
реалист: оилавий ҳаётим адо бўлди...
пессимист: ҳаётим адо бўлди...
оптимист: рўзғор ташвишлари адо бўлди...
- Уйи портлаб кетганда:
реалист: милицияга қўнғироқ қилиш керак!
пессимист: энди аниқ адо бўламан...
оптимист: мени телевизорда кўрсатишади!
- Қулоқ эшитмай қолганда:
реалист: энди ҳеч қачон эшита олмасам керак!
пессимист: энди ҳеч қачон гаплаша олмасам керак!
оптимист: энди ҳеч қачон "Уммон"ни эшитмайман!

Қарға дарахт шоҳида ўтирганди. Қутилмаганда сигир дарахтга тирмашиб чиқишга урина бошлади.
– Бу ерга чиқиб нима қилмоқчисан? – хайрон бўлиб сўради қарға.
– Олма емоқчиман, – жавоб берди сигир.
– Эсинг жойидами, бу ахир қайрағоч-ку!
– Эсим жойида, – энсаси қотди сигирнинг. – Олма кўйнимда!

Цирк директорининг хонасида телефон жиринглади:
– Жуда зўр номер кўрсатишим мумкин.
– Керак эмас. Зўр номерлар чўнтагимдан тушиб қолган.
– Мен бир метрлик қилични юта оламан.
– Э-э, шу ҳам номерми? Бир метрлик қилични ким ютолмас экан?!
– Шундайку-я, аммо менинг бўйим атиги тўксон сантиметр-да!

Китоб дўконида:
– Илтимос, менга детектив берсангиз. Фақат шу қадар кизиқарли бўлсинки, қутилмаган тарзда ниҳоя топсин.
– Марҳамат! Бу китобнинг охирига келибгина қотилнинг сарой хизматчиси эканлигини билиш мумкин.

Ranglarda qoraqalpoq ohanglari

Ўтган йили кузда Нукусда бўлганимда, таникли рассом, мархум Жоллибай Изентаевнинг кенгина устахонасига кириб ўтган эдим. Рассом қолдирган бисотлар билан таниша туриб, у ерда қорақалпоқ амалий санъатига, хусусан, гиламчилик, каштачилик ва миллий либосларга оид кўплаб китоблар, альбомлар ҳамда Европанинг буюк рассомлари, импрессионизму фовизм оқимлари вакиллари – Сезанн, Матисс, Ван Гог, Поль Гоген, яна бошқа санъаткорлар ижоди акс этган катта каталоглар, мураккабларга кўзим тушди. Айни пайтда, хонанинг бурчак-бурчакларида ҳали кўргазмаларга қўйилмаган, шу рассомлар услуби тажриба қилинган этюдлари манзара ишлари ҳам қалашиб ётарди. Бу ҳолат бир томондан рассомнинг қанчалик изланувчанлигини, заҳматқашлигини кўрсатса, иккинчи томондан ижодкорнинг ўз халқи яратган каштачилик ва гиламчиликдаги ранглару композицион чизгилар Европа рассомларини ҳам нима учун қизиқтирганини ўз ишлари орқали тадқиқот-тажриба қилганлигидан далолат берарди. Рассом устахонани қандай ҳолатда қолдирган бўлса, ўзгаришсиз турибди, худди ўз эгасини кутаётгандай. Мен ўша куни Жоллибай оғанинг ижоди ҳақида бир пайтлар Москвада чоп этилган “Живопись. Образ и цвет” деб номланган альбомини, яна унинг ўзи қорақалпоқ тилида ёзиб қолдирган “Кўнгул кечинмалари” номли хотира ва шеърлардан иборат китобини узоқ варақладим. Уларда мен том маънода, Жоллибай оғанинг ижодий шаклланиши, етук рассом бўлишига замин ҳозирлаган пойдеворни англагандай бўлдим.

Рассом қорақалпоқ халқининг ўтмишини, кечаги тарихини ўрганар экан, йирик полотноларида унинг қисмат сўқмоқлари ва умид йўлидаги интилишларини тасвирлашга бел боғлади. Жоллибай Изентаев катта бисот йиғиб, халқ даҳосини ифода этувчи ўлкашунослик музейи ташкил этган рассом ва музейшунос Игорь Савицкий билан ёнма-ён ишлади, тез-тез мулоқотда бўлди, ундан элнинг, ижодкор қалбини тинглашни ўрганди. Худди мана шу сабоқ самараси ўлароқ катта-катта картиналарга кўл урди, олис овуллар ва қадим кўрғонлар сари дадил йўл олди. Энди бу оҳангларда жиронлар айтган дostonлар авжи, аждодлар руҳи синган табаррук кадрятлар, еру осмон ўртасидаги мулоқот сирлари, тўй шодиёналари ва элнинг дарбадарликдаги бўзловлари, умр қарвонининг сеҳрли кўнғироқлари, тонгдан шомгача манзил томон бораётган ой ва қуёш рақслари ранглар силсиласида ажабтовур бир шаклу шамойилларда ўз ифодасини топа борди. Бу жиҳатдан рассом асарлари Тўлепберген Қайипбергенов романлари билан оҳангдош дейиш мумкин.

Унинг тарихий мавзуларга бағишланган “Умид йўлида”, “Бегжон фожеаси”, “1945 йил аёллари” каби

жанрли картиналари қорақалпоқ халқининг тақдиридаги муҳим лавҳаларни эпик тарзда ифода эта олди, унинг ечими бадий тафаккур тамойилларига асосланди. Агар биринчи асарда дарбадарлик ва сарсон-саргардонликда сахро қўйнида қаергадир нажот излаб бораётган одамлар оқими, араваларда, оту эшакда, яёв кетаётганлар, улар ўша даврга хос руҳий ҳолатларию миллий либосларида тасвир этилса, иккинчи асарда нур излаб, маърифат умидида йўлга чиққан ёшларнинг фожиали ҳалок бўлиши акс этади. Картинада тасвир маркази қилиб, дарё соҳили манзараси олинган. Дарё бу ҳаёт оқимига ишора, унинг қирғоқларига қимлар қелиб, қимлар кетмайди, аммо дарё ўз йўлида давом этаверади, деган ақида картина руҳига сингиб кетган. “1945 йил аёллари” картинасида эса уруш тугагини орзиқиб кутган қорақалпоқ аёлларининг психологик ҳолатлари ишонarli гавдалантирилган.


“Тўй” асари нафақат ўзининг эпиклиги, балки рангларнинг чексиз уфуриб туриши ва бошқа картиналарга нисбатан анча ёрқинлиги билан ҳам кескин фарқлиниб туради. Тўй ўз табиатида кўра, либослар ранго-ранглигига, ҳаракат ва нигоҳларнинг бир қадар шиддатлилигига, ички тугёнларнинг одамлар юз қиёфаларида намоён бўлишига имкон яратади.

Изентаев манзара жанрида ҳам баракали ижод қилди. Унинг “Хива, Чангли кун”, “Бозор”, “Нукусда баҳор”, “Қорақалпоғистонда куз”, “Қиз кетганда тонг”, “Яшил ҳовли” каби қатор нафис манзараларини эслаш кифоя. Меъморий обидаларни ўз ичига қамраб олган “Хива, Ҳовуз”, “Кўҳна Урганч” ва “Нукусдаги ҳовлича”, “Шўр кўл”, “Овул” каби манзаралар рассомнинг бу жанрдаги ёрқин истеъдодини намоён этди.

Рассом Орол мавзусига бағишланган бир туркум асарларида воқелик моҳиятини ёритишда публицистик ёки плакатнамо услуб ечимидан фойдаланмайди, балки уларни оддий бир лавҳалар орқали бадий умумлашмалар даражасига кўтаради. Хусусан, “Мўйнок. Қумдаги саксовул”, “Кемалар қабристони”, “Мўйнок”, “Чекинаётган денгиз туби” каби асарларида кичик деталлардан, айтايлик, саксовулдан тортиб, йирик тасвирга эга кемаларгача фожа тафсилотидан дарак бериб туради.

Таникли рассомнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унга Ўзбекистон Бадий академияси академиги (1997 йил), “Ўзбекистон халқ рассоми” (2000 йил) унвони берилган. Ўз юрти, ўз халқи учун сидқидилдан меҳнат ва ижод қилган рассомнинг руҳи энди ўзи яратиб қолдирган дурдона асарларида яшаётганлигига ишончимиз қомил.

Нодир НОРМАТОВ



**Жоллибай
ИЗЕНТАЕВ**

*ишодидан
намуналар*



5200



ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks va bitta obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.